O'ZB... ISTO... RESP... LIKA... MILLIY ... PALA...
INV. №

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **24** февраль, жума № **8** (2135).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **24** февраля, **2006** год, № **8** (2135).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Сержант бугунги кунда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ



Маҳорат мактаби тоблар ўғлонни!

Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ МАҚТОВИ, КЎРКИ

I. АСКАРЛИК

Узоқ ўтмишимизга назар ташласак, ота-боболаримиз ҳар томонлама етук инсонлар бўлганлигига амин бўламиз. Қайси бир соҳани олиб кўрманг, албатта, ўша соҳада оламшумул муваффақият қозонган буюк аждодларимиз бор. Ота-боболаримиз, ҳозирги замон тили билан айтганда, универсал касб эгаси бўлишган. Бироқ ким бўлишидан қатъи назар, йигит киши аввало, навкар, ҳарбий бўлган. Ўзини ҳимоя қиладиган одам бўлган, ота-онасини, оиласини ҳар қандай хавф-хатардан қўриқлаган. Элнинг, юртнинг ишончли қалқони бўлган.

(Давоми 7-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ фаровонлиги

БЕРУНИЙНИНГ АҚЛ МАШЪАЛИ

Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.

(Абдулла Орипов).

Қадимги аждодларимиз бутун олам доимий ҳаракатда бўлиши ва ҳар жисму жонзотнинг шу ҳаракатда монанд, уйғун ҳолда яшаши табиий қонуният эканини тасаввур этолмаганлар. Қуръони карим эса ҳаракат – оламнинг яшаш тарзи эканидан далолат беради.

Бизнингча, ўрта аср Мовароуннаҳр олимларининг илмдаги мислсиз кашфиётларида ақл бовар қилмайдиган сир-асрор йўқ эди. Улар Қуръони каримда зикр этилган мўъжизаларнинг ҳаётий тасдиғини далиллаб кетдилар, холос. Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг илмий янгиликлари мисолида ана шу нарсага яна бир марта ишонч ҳосил қиламиз. Абу Райҳон Беруний «Ер юмалоқ бўлмаганида одамлар яшайдиган жойлар кенгламаси жўғрофий минтақаларга ажралмас эди, ёзуқишда кеча билан кундуз давомийлиги ўзгармас эди, ёритгичларнинг (уфққа нисбатан) вазиятлари ва суткалик йўллари ҳозиргидек кўринишда бўлмас эди» – дейди.

(Давоми 7-бетда).

Изучаем праздничное поздравление Президента

ДУХОВНАЯ ОСНОВА ВОЕННОГО УСПЕХА

Глубоко запали в душу каждого военнослужащего проникновенные слова Праздничного поздравления Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова о том, **как важно укреплять обороноспособность наших Вооруженных Сил.** В рамках этого требования особое значение приобретает третья задача, сформулированная Президентом: **«Считать сверхважной задачей пересмотр постановки в армии воспитательной, морально-психологической, общественно-политической подготовки военнослужащих, в первую очередь военнослужащих-призывников, имея в виду, что укрепление в сознании каждого военнослужащего собственного мнения, чувства сопричастности к тому, что происходит вокруг, воспитание высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма должны стать критериями оценки службы в армии, роли и вклада командиров всех уровней».**

Основу существующей системы воспитательной работы составляют общественно-политическая подготовка личного состава, единые дни общественно-политических и правовых знаний, оперативное информирование военнослужащих о событиях в стране и за ее рубежами, вопросах обучения и воспитания воинов, другие оправдавшие себя формы работы. Действеннее и красочнее стала наглядная информация, интересней, богаче по содержанию – газета «Ватанпарвар» и одноименная телепередача.

Решая многоплановые задачи, поставленные Президентом страны, **мы должны постоянно держать в поле зрения ряд важных воспитательных аспектов,** от которых во многом зависит уровень и действенность воспитательной работы. Каковы эти аспекты?

Первый. Это решительный поворот к личности военнослужащего. Он вытекает из требований Конституции Республики Узбекистан и установок Президента страны. Каждая личность – это целый мир, и чем она лучше изучена, тем выше будет действенность работы. Мы формируем гражданина – защитника Родины. И потому к личности у нас должно быть особое внимание.

Второй аспект. Сержантский корпус – главная составляющая нашей армии. Потому подготовке сержантов, их воспитанию следует придать исключительный характер. Нам надо глубоко осознать **их новую роль и место в нашем военном организме.**

Третий аспект. Особая забота – о воспитании прежде всего молодых офицеров, вооружении их необходимыми знаниями и методикой воспитательной работы.

Четвертый аспект. Действенность воспитательной работы во многом зависит **от дифференцированного подхода к обучению и воспитанию.**

Пятый аспект. Опора в воспитании на достижения военной науки и передового опыта. Без науки, без опоры на апробированные формы работы нельзя добиться максимальных результатов.

(Окончание на 7-й стр.).

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 феврал куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги чиқиши хориждаги етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши баробарида сиёсий арбоблар, иқтисодий шарҳловчилар ва таҳлилий марказлар томонидан кенг шарҳланди.

Маърузада ўз ифодасини топган муҳим масалаларга BBC, «Global Insight» Лондон тадқиқот маркази, Дойче пресс агентур (ДПА), Франс-пресс, ИТАР-ТАСС, Интерфакс ва бошқа таниқли ахборот агентликлари ўз ахборотларини бағишлади. Қатор электрон ОАВ маърузанинг тўла ёки қисқартирилган матнини рус ва инглиз тилларида ўз саҳифаларига жойлаштирди.

Ғарб оммавий ахборот воситалари эътибор қаратаётган асосий жиҳат бу – 2005 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришгани ҳамда етакчи тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, Ғарб бизнеси томонидан мамлакатимизга нисбатан ўсиб бораётган қизиқишдир.

Жумладан, Британиядаги BBC ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришларга хусусий сектор ҳиссасини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ва хизматлар бозорини либераллаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, маъмурий ислоҳотларни ҳаётга кенг татбиқ этиш туфайли эришилгани ҳақидаги сўзларини келтирган.

Бозор ислоҳотларини рўёбга чиқариш юзасидан тизимли, изчил ва аниқ мақсад кўзланган саъй-ҳаракатлар, мамлакатни модернизациялашнинг пухта ишлаб чиқилган модели Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишининг натижаси бўлгани алоҳида таъкидланган.

«Франс-пресс» агентлиги Президент маърузасида тилга олинган рақамларни, жумладан, 2005 йилда ЯИМ ўсиши – 7 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ўсиши – 7,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ўсиши – 6,2, пул қадрсизланиши – 7,8 фоизни ташкил этгани хусусидаги фикрларни ўз ўқувчиларига етказган. Агентлик шарҳида Президент томонидан 2005 йили Ўзбекистон ташқи савдосида ижобий сальдо ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани баён этилгани ҳам таъкидланади.

Асосий ахборот агентликлари хабарлари орасида Ўзбекистон Президенти маърузасига баҳо берилган ҳолларни кузатиш мумкин. Жумладан, дунё иқтисодий жараёнлари таҳлилига ихтисослашган «Global Insight» Лондон тадқиқот марказининг Интернетдаги саҳифасидан жой олган материалда унга баҳо берар экан, Марказ Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов чиқишидаги асосий жиҳатларни батафсил келтиради. Бунда расмий статистика маълумотлари ҳукумат олдидан режалаштирган макроиқтисодий кўрсаткичларга мос келиши қайд этилади. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши тўғрисида баён этилган рақамлар ҳаққониятни ифода қилишини «Global Insight» эътироф этган. «Global Insight»нинг башорат этишича, Ўзбекистон ҳукумати 2006 йилга режалаштирган иқтисодий кўрсаткичлар, умуман олганда, амалга ошиши керак. Бунда мамлакат иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқий меъёрларни татбиқ этиш жараёни изчиллиги қайд этилади.

«Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсиши». Дойче пресс агентур (ДПА) немис ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти маърузаси ҳақидаги мақолани ана шундай номлаган. Унда «2005 йили Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатларда ўсди» дея қайд этилади. ЯИМ ҳажми 7,0 фоизга ўсгани ҳақидаги рақамлар, ЯИМ ҳажми қарийб 10,6 миллиард еврони ташкил қилгани келтирилади. «Саноат ишлаб чиқариши 7,3% кўпайиб, мамлакатнинг пахта етиштиришга қарамлигини қисқартирди. Ташқи савдода 1,08 миллиард евро миқдорида ижобий сальдога эришилди. Ўзбекистон Марказий Осиё барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга», деб ёзади агентлик.

«Доу Жонс» агентлиги (ГФР) «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни давом эттирмоқда», сарлавҳали хабар тарқатди. Унда айнан қуйидаги сатрлар бор: «Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни давом эттирди. Марказий Осиёдаги бу республиканинг Берлиндаги элчихонаси тарқатган матбуот-релизига кўра, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим асослари кузатилмоқда. Чунончи, 2005 йилда мамлакат ЯИМ 7 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши 17,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо ҳажмининг ижобий сальдоси 1,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Бундай салмоқли ўсиш суръатларини сақлаб қолаётган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат сифатида хорижий сармоядорлар учун янада жозибадор бўлиб бормоқда, шу билан бирга у иқтисодий шерикчилик ва замонавий технологияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик учун бекиёс салоҳият соҳибига айланиб бормоқда.

Брюссель – пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Ташқи иқтисодий алоқалар департаменти директори В.Де.Кук Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маърузасини катта қизиқиш билан ўқиганини қайд этар экан, Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари ва мамлакатнинг 2006 йилдаги иқтисодий ривожланиши истиқболларини юқори баҳолади. В.Де.Кук Брюссель – пойтахт ҳудуди ҳукумати айни пайтда 2007 йил тадбирлари режаси устида иш олиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 4-бетда).

Муштарийларимизга

ЮКСАКДИР СЕРЖАНТ МАҚОМИ

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар замирида сержантларни – армиямизнинг суянчи ва таянчи бўлган профессионалларни тайёрлашга устувор эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидласак арзийди. Ҳа, ислоҳотлар сабаб сержант тушунчаси янгича мазмун-маъно касб этиб бормоқда. Сержантлик мақоми юксалиб бораётир.

Бугун шуни қувонч билан баралла айтиш мумкинки, сержант – аскарнинг энг яқин устози, дўсти, маслакдоши. Сержант – офицерларнинг биринчи ёрдамчиси, ҳамфикр сафдоши. Сержант – ҳаётини мардлар касбига бағишлаган асл профессионал. Юрти тинчлиги, Ватани ободлиги, халқи фаровонлиги йўлида белига шижоатдан, қатъиятдан камар боғлаган посбон – сержант. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз таъкидлаган «Армиямиз суянчи ва таянчи» номига муносиб ўғлонларимиз сержантликни танлашмоқда, касб деб билишмоқда.

Маълумки, ислоҳотларимиз натижасида замон талаблари, андозаларига жавоб берадиган, ривожланган мамлакатларнинг ана шундайин таълим масканларидан қолишмайдиган сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солинди. Унда таълим олиб, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ўғлонларимизнинг ўз соҳасининг билимдонлари, усталари бўлиб шаклланганини кўриб, бугун қалблар чексиз фахрга, ғурурга тўлади.

Янгича билим, янгича тажриба билан онгимизни бойитиб боришни замон биздан талаб қилмоқда. Ахир, юксак жанговар қобилиятимиз, интеллектуал салоҳиятимиз билан Қуролли Кучларимизнинг янада шаклланувига ҳисса қўшишимиз мумкин. Шу маънода сержантларни қайта тайёрлаш, улар малакасини, билим, тажрибаларини ошириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Сержантлар тайёрлаш мактабларини тугаллаб, муайян вақт давомида Қуролли Кучларимизда жавлон уришган ўғлонлар навбатдаги курсларда таҳсил олишиб, яна бир погона ўсишяпти. Яъни кичик сержантдан – сержант унвонига, моҳирликдан – профессионалликка.

Яқинда ана шундай шарафга муяссар бўлишган ўғлонларимиз янги унвон, янгича билим, малака билан хизмат жойларига қайтишади. Улар профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

ТАҲРИРИЯТ

К нашим читателям

ВЫСОКИЙ СТАТУС СЕРЖАНТА

Следует особо подчеркнуть, что в основе ведущихся в Вооруженных Силах преобразований находится приоритетное внимание к подготовке сержантов – военных профессионалов, являющихся основой нашей армии. Да, благодаря реформам понятие сержант обретает новый смысл и значение. Растет и статус сержанта.

Сегодня можно с радостью заявить о том, что сержант – самый близкий наставник, друг и советчик солдата. Сержант – первый помощник для офицеров, единомышленник в боевом строю. Сержант – истинный профессионал, посвятивший свою жизнь профессии мужественных людей. Сержант – защитник мирной жизни, процветания и благополучия нашей Родины. Одним словом, говоря определением Президента, наши сыновья стремятся стать становым хребтом армии, избирают профессию сержанта.

Известно, что в результате реформ созданы отвечающие современным требованиям, ничем не уступающие подобным учебным заведениям развитых стран школы подготовки сержантов. Наблюдать за тем, как закончившие эти школы военнослужащие в процессе службы в рядах Вооруженных Сил совершенствуются в качестве настоящих специалистов своего дела, доставляет удовольствие и вызывает законную гордость.

Время требует от нас постоянно обогащать наше сознание новым опытом, новыми знаниями. Ведь только высоким уровнем боевой готовности и интеллектуального развития можно внести вклад в дальнейшее развитие Вооруженных Сил. В этом плане уделяется большое внимание повышению квалификации, переподготовке сержантов, решению задач вооружения их новыми знаниями и опытом. Молодые люди, закончившие сержантские школы, после определенного периода службы в рядах Вооруженных Сил вновь обучаются, поднимаясь на новый уровень. То есть, от младшего сержанта – к званию сержанта, растет их профессионализм.

Удостоенные такой чести военнослужащие с новыми знаниями, возросшей квалификацией вернулись к местам несения службы. Они готовы к покорению новых вершин профессионального мастерства.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ



2 ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

ПРОФЕССИОНАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК, МАРДЛИК



4 РЕФОРМА ВООРУЖЕННЫХ СИЛ – В ДЕЙСТВИИ

АВИАТОРЫ ПОВЫШАЮТ КВАЛИФИКАЦИЮ



6 ТЕНГДОШ

ОЙДАНДА ГЎЗАЛДИР, КУНДАНДА ГЎЗАЛ...



10 САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

«АЛИФБЕ»ДАН БОШЛАНГАН ОРЗУЛАР

В школах подготовки сержантов

НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ МАСТЕРСТВА





В этот день с раннего утра в Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа было многолюдно. Родители и родственники, члены семей профессиональных младших командиров, представители командования, государственных и общественных организаций пришли сюда, чтобы поздравить выпускников с этим знаменательным в их жизни днем.

...На плацу замер в парадном строю личный состав виновников торжества, среди которых младшие командиры – представители всех силовых структур.

Отзвучали аккорды священного Государственного гимна. После этого началась торжественная церемония вручения сертификатов об успешном окончании учебы в ШПС.

Следует отметить, что все эти молодые люди в Вооруженных Силах страны – не новички. У каждого из них за плечами срочная военная служба, учеба в школах подготовки сержантов и по нескольку лет службы по контракту.

В настоящее время обучение здесь ведется по 3-месячной программе подготовки. Кандидатов для обучения отбирают из числа младших сержантов, окончивших ранее сержантские школы и прослуживших не менее трех лет в частях и подразделениях Вооруженных Сил, обладающих высокими методическими и лидерскими качествами младших командиров.

Отбор здесь традиционно проводится на основе жесткой конкуренции. В среднем конкурс составляет не менее 6 – 7 кандидатов, что свидетельствует о росте престижа профессии младшего командира в Вооруженных Силах.

Добрые напутствия, крепкие рукопожатия, цветы, улыбки — все это церемония выпуска, торжественная и волнующая.

За считанные минуты пережили всю эту гамму добрых эмоций выпускники Школы подготовки сержантов Ташкентского военного округа. Следуя выбранной однажды военной стезе, они изо дня в день набираются знаний, шлифуя мастерство. Одним словом, становятся профессионалами. И ради этого звания не жалеют они ни сил, ни времени, стремясь оправдать возложенные на них надежды, стать основой национальной армии.

Поздравить выпускников, командно-преподавательский состав этого военно-образовательного учреждения по случаю столь знаменательного события прибыли почетные гости.

В ходе выпускных экзаменов подавляющее большинство курсантов получили отличные оценки, а это наглядное подтверждение того, что преподаватели-офицеры умело используют отличную учебно-материальную базу, позволяющую вырабатывать и совершенствовать высокие практические навыки обучаемых. В ходе поэтапного реформирования Вооруженных Сил в данном направлении проделана впечатляющая масштабная работа: комфортабельно обустроен быт курсантских расположений, по последнему слову техники оборудованы аудитории, компьютерные и тренажерные классы, мини-полигоны, пограничный городок.

А торжества тем временем близятся к завершению. Как всегда, поздравить своих сыновей приехали родные и близкие.

Младший сержант по контракту Гайрат Бобобеков отправляется на прежнее место службы. Он командир боевой группы.

– Сегодня поздравить меня с этим знаменательным событием приехали моя супруга Дильдора и сын Ихтиер. Что касается выбранной профессии, то мое решение окончательно сформировалось еще в 2002 году. Тогда, пройдя сквозь сито тщательного отбора, я поступил в Школу подготовки сержантов Юго-Западного особого военного округа. Потом начались служебные будни в качестве младшего командира. Отрадно, что сегодня в нашей армии активно используются самые передовые достижения военной науки и новых технологий. Благодаря этому курсу обучения я ответил на многие возникшие в ходе повседневной службы вопросы. Теперь, вернувшись в родную часть, буду передавать новые знания подчиненным.

Таким образом, выпускники Школы подготовки сержантов столичного военного округа поднялись на новый уровень профессионального мастерства, с новыми знаниями и навыками возвращаются в свои воинские части, чтобы и дальше вносить весомый вклад в укрепление оборонной мощи нашей Родины, продолжать успешно проходящие реформы Вооруженных Сил.

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ЗАБОТА НОМЕР ОДИН

С тех пор, как человек впервые покорил просторы неба, для него нет заботы важнее, чем обеспечение безопасности выполняемых полетов. Вот и в Войсках ПВО и ВВС Республики Узбекистан это традиционно является заботой номер один для всего личного состава.

Контроль над строгим и неукоснительным соблюдением всех требований по безопасности полетов в каждой авиационной части начинается с самых низовых звеньев инженерно-авиационной службы, а на высшем уровне осуществляется Управлением безопасности полетов Объединенного штаба Вооруженных Сил. Подполковнику Исмаилу Салихову, исполняющему обязанности начальника Управления, не так давно в качестве командира части доводилось нести личную ответственность за обеспечение безопасности полетов. Поэтому в ходе командировок опытный офицер оказывает большую методическую и практическую помощь командованию, своевременно выявляет допущенные недостатки и оперативно добивается их устранения.

Однако даже строгим членам проверочной комиссии нередко приходится констатировать четкий порядок в деле обеспечения безопасности полетов, если они выезжают в часть под командованием подполковника Мэлса Джанабаева. Не случайно вертолетчики несколько лет подряд удерживают первенство в соревновании на звание лучшей части в ВПВО и ВВС. Ведь при оценке состояния боевой готовности авиаторов данный момент безаварийного выполнения полетов является одним из определяющих показателей.

Для того чтобы летчик поднял в небо воздушное судно и успешно выполнил поставленную учебно-боевую задачу, десятки и сотни людей заняты обеспечением полетов. В подразделении под командованием подполковника Ризикула Арипова этот процесс организован наилучшим образом, что стало надежным фундаментом высокого качества небесной работы винто-крылых машин.

Безупречную работу в воздухе могучих истребителей помогает гарантировать служба безопасности полетов части, возглавляемая майором Музаффаром Рахматуллаевым. Офицером налажен строгий надзор над всеми звеньями предполетной подготовки летательных аппаратов, что позволяет максимально страховаться от неприятных неожиданностей.

Отрадно, что ратный труд названных выше офицеров достойно отмечен. Все они награждены Памятным знаком Министра обороны и им объявлена благодарность.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ШИЖОАТИ ЮКСАК ПОСБОНЛАР



Маълумки, ислоҳотлар сабаб бугун ҳарбий хизматга чақирилувчилар пухта синовлардан ўтказилиб, тегишли кўриктанловлар асосида, ҳар томонлама суриштирув ва ўрганишлар билан қабул қилинмоқда. Ўз навбатида юрт ўғлонлари ҳам армия хизматига жиддий тайёргарлик кўришяпти. Улардан жисмонан бақувват, маънан етук, дунёқараши-ю, интеллектуал салоҳияти ҳам баркамол бўлиши алоҳида талаб этиладиган жиҳатлардан саналади. Ҳарбий хизматнинг остонаси ҳисобланган мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бу борада йўлга қўйилган ишлар, амалга оширилаётган тадбирлардан бугун юртдошларимиз хабардор, албатта. Дейлик, ўғлон ўз конституциявий бурчини ўташ ёшига етди. Шунда туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари албатта унинг оилавий шароити, хулқ-атвори ва олган тарбияси ҳақида маълумотга эга бўлиш учун маҳалла оқсоқолларига, участка нозирларига мурожаат қилишади. Тегишли талабларга жавоб бера оладиган чақирилувчи руҳий-психологик кўрик, кейин эса тиббий текширув ва суҳбатлардан ўтказилади. Шу тариқа саралар ичра энг сара деб топилганларгина аскар деган номга муносиб саналиб, муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун ҳарбий қисмларга йўл оладилар.

Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчини адо этаётган уч сафдош дўст – муддатли хизмат оддий аскарлари – Руслан Қурбонов, Фарруҳ Замчиматов ва Мансур Тусматов ана шундай етук шуқкорлардан. Улар хизматга ёшлик чоғлариданоқ катта қизиқиш билан жиддий тайёргарлик кўриб келишарди. Айни пайтда эса билим ва маҳорати кун сайин ўсаётганидан, жисмонан ва жанговарлик жиҳатидан пишиб-тобланаётганидан, ҳаёт мактабида шаклланаётганидан, энг муҳими, юрт хизматини адо этишдек шарафли ишга лойиқ топилганидан учаласи ҳам мамнун.

– Ҳоразм вилоятининг Шовот туманиданман, – дейди оддий аскар Руслан Қурбонов. – Хизматга қадар Ангрен педагогика институтида, иқтисодиёт-география йўналишида таҳсил олганман. Сафимизда мен каби олий маълумотли йигитлар кўпчилик. Бу эса армиямизда билимли, интеллектуал ёшлар кўпаяётганидан далолат. Қисмимизда жуда яхши кутубхонамиз бор. У ердан турли китоб ва газета-журналлар олиб ўқиб турамиз. Хизматга келиб билим ва тажрибам янада ўсди. Эгаллаганларим эртага катта ҳаётда ҳам роса асқотишини ўйласам, қувончимга қувонч қўшилади. Жисмонан чиниқишга ҳам армиядан қулайроқ шароит топилмаса керак, деб ўйлайман. Ўзим кикбоксинг билан шуғулланардим, бу ерда эса маҳоратимни янада мустаҳкамлаяпман. Командирларимиз капитан Шерзод Усмонов, шартнома асосидаги хизмат кичик сержанти Руфат Муфтаҳуддинов ва бошқалардан ҳарбий санъат сирларини ўрганиб келяпмиз.

Сафдошининг сўзларини тасдиқлар экан, оддий аскар Фарруҳ Замчиматов келажакда шартнома асосида хизматни давом эттириб, профессионал посбон бўлмоқчилигини билдирди. У Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. Фарруҳнинг кўзлаган бирдан-бир эзгу мақсади, юрт осойишталиги йўлида шараф билан хизмат қилиб, мустақил диёримиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишдир. Учинчи суҳбатдошимиз оддий аскар Мансур Тусматов эса офицерликка қизиқишини маълум қилди. Сўлим водийнинг Марҳамат туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Мансур ҳақида сафдош дўстлари ғоят илиқ фикрларни билдирдилар. Уларнинг эътироф этишича, оиласида тўнғич фарзанд бўлган Мансур доимо илғорликка интилиши, ўз мустақил фикрига эгалиги, билими, интизоми ва етакчилик қобилиятининг юксаклиги билан ҳам кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Спортнинг бокс тури билан жиддий шуғулланадиган Мансурдан нега айнан шунга қизиққани ҳақида сўраганимда, у Андижон бокс мактабининг машҳур вакилларидан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби юртимиз довруғини дунёга таратаётган боксчиларга бўлган ҳаваси туфайли қизиқиши ортганини билдирди. Умуман, юраги ёшликка хос ғайрат-шижоат туйғуларига тўла посбонларимизнинг ҳар бири мақсад сари қатъий интилиб, доимий изланишда эканлиги кўриниб турарди. Ўйлашимча, худди ана шу сифатлар уларни муваффақият сари етаклайди, шубҳасиз.

Катта лейтенант
Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
олган сурат.

Чегарачилар ҳузурида

САРҲАДЛАРИМИЗНИ МУҚАДДАС БИЛИБ



Истараси иссиқ, юзларидан ҳарбийларга хос жиддийлик ва қатъийлик уфуриб турган бу йигит ҳақида ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Комилжон Маматов шундай дейди:

– Нафақат бир кичик бўлманинг, балки чегарачилар жамоасининг энг илғор шуқкорларидан бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Файратжон Садиров билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. У бир сўзли йигитлардан бўлиб, ҳарбийликни шунчаки ўткинчи ҳавас билан эмас, балки юрак амри ила танлаган посбонлардан. Йигитнинг сабот-ла хизмат қилиб, ишончни оқлаётганидан мамнунмиз. У берилган ҳар қандай топшириқни сиз кутгандан аъло даражада адо этиш билан ҳам қуролдош дўстларига намуна.

У Ватан ҳимоячиси деган номга эришишда, энг аввало, болалигидан ҳарбийликка бўлган меҳр-муҳаббати сабабчи бўлган, десак янглишмаган бўламиз. Қолаверса, офицер бўлишни ният қилиб, аммо муродига етмаган отаси Баҳромжон аканинг панд-насиҳатларини қулоғига олгани муҳим аҳамият касб этди.

– Мен акам Қудратжон билан дадамнинг орзуларини рўёбга чиқарганимиздан беҳад хурсандмиз. Ҳозир иккаламиз чегара қўшинлари таркибида шартнома асосида йигитлик бурчимизни адо этяпмиз, – дейди суҳбатимиз бошида Файратжон.

Наманган вилояти Косонсой туманидаги Охунбобоев маҳалласида униб-ўсган, ака-ука Садировларнинг кичиги бўлган Файратжон чегара қўшинларида муддатли хизматни ўтаётган давридаёқ намунали хизмати билан командирларининг назарига тушганди. Йигитлик бурчини ўтаб бўлгач, у қадрдон гўшасига қайтиб, бир муддат қўшма корхоналарнинг бирида ишлади. Лекин болаликдаги орзуи устунлик қилиб, орадан кўп вақт ўтмай, шартнома асосида хизмат қилиш мақсадида туман мудофаа ишлари бўлимига ариза берди. Ҳарбийликка иштиёқи баланд йигит синов ва танловларда юқори натижа кўрсатиб, хизматга қабул қилинди. Бу мақсади она юртига сидқидилдан хизмат қилиш бўлган Файратжоннинг аҳдига нечоғлик собитлигининг нишонаси эди. У ҳарбийлик либосини кийгач, зиммасига катта масъулият юкланганлигини қалбан ҳис қилди. Мана, йигитнинг ҳарбий қисмлардан бирида хизмат бошлаганига беш йилдан ошди. Шуққор бу давр ичида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиб, тажриба орттирди. Билим доираси кенгайди. Хуллас, жамоада сафдошлари ҳавас қиладиган даражадаги обрў-эътиборга эга бўлди.

Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир ўғлон учун шон-шараф. Бу номни оқлаш эса ватанпарварликни дилига жо этганлардан метиндек мустаҳкам иродали бўлишни талаб этади.

Асқарали МАМАТОВ.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

2006 йил 22 февраль № 6 Тошкент ш.

Ёзги уст-бош кийимини кийишга ўтиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Гарнизон ва Қоровуллик хизмати Низомининг 17 иловаси талабларига биноан:

БУЮРАМАН:

1. Барча шахсий таркибдаги офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга 2006 йил 1 мартдан бошлаб ёзги уст-бош кийим кийишларига рухсат этилсин.

2. Офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга об-ҳавонинг совуқ кунларида плаш-пальто кийишларига рухсат этилсин.

3. Ҳарбий уст-бош кийиб юришни низом қоидаларига мувофиқ кийилишини назорат қилиш Тошкент гарнизони ҳарбий коменданти зиммасига юклатилсин.

Тошкент гарнизони бошлиғи ЛВБ
подполковник Р.ДАДАБАЕВ.

Қишки мавсум ўқув машғулотларида

СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ

– Механик-ҳайдовчилик жуда қизиқарли касб, – дея гапга қўшилди Бобомурод. – Қачонки, ўз касбингизни севсангиз, тинмай ўқиб ўргансангиз.

Биз ижодий сафарда бўлган чоғимизда, улар ўз экипаж аъзолари билан жанговар машиналарига техник қаров ўтказишаётган экан. Кимдир танкка қандайдир янги деталь ўрнатмоқда, кимдир қўлида латта чанг-чўнглардан тозалаяпти.

Жанговар шайлик ҳар бир Ватан ҳимоячисининг ўзига бириктилган жанговар техникани, қурол-аслаҳани асраб-авайлаш, ундан аъло даражада фойдалана олишдан бошланади.

Ўз бурчларини яхши тушунган, касбий маҳоратини кундан-кунга такомиллаштиришга ҳаракат қилишаётган бир-бирига суянч ва қўл остидагиларга таянч бўлаётган кичик сержантлар қишки мавсумни аъло натижалар билан якунлашларига асло шубҳа йўқ.

Подполковник
Абдулла АЗИЗОВ,
Комолиддин ТЎРАЕВ
олган сурат.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Абдусамад Ражабов, Жасур Саидов, Раҳматулла Ҳайитов ва Бобомурод Казаков танк механик-ҳайдовчилари. Барчаси сержантлар тайёрлаш мактабида сабоқ олишган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлишгач, ўз тақдирларини ҳарбий соҳа билан боғлашган. Айни чоғда офицер Равшан Норматов хизмат қилаётган қисмда фаолият кўрсатишмоқда.

– Биз, – дейди Абдусамад, – қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, ўз касбий маҳоратимизни янада такомиллаштиряпмиз.

– Хизматда бир-биримизга суянамиз, – дейди Жасур.

– Аскарлар бизга таянади, – дейди Раҳматулла.



Бугун қишки ўқув мавсуми машғулотларининг самарасидан сўз очиш мумкин. Мавсумнинг ортда қолган даври посбонларимизнинг жанговар шайлик бобида янги-янги довонларни забт этишида муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги посбонларимизни янада руҳлантириб, уларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги қатънятини, шижоатини янада алангалатди. Буни майор Бахтиёр Исроилов командирлик қилаётган жамоада бўлганимизда янада яққол ҳис қилдик.

Дала-ўқув машғулотларида

ПРОФЕССИОНАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК, МАРДЛИК



...Бўлинмага жанговар вазифа топширилди. Бунга кўра шартли душманнинг йўлига тўғаноқ бўлиш, асосий кучлар етиб келгунича уларни чалғитиб туриш лозим. Бу вазифани взвод командирининг ўринбосари капитан Улуғбек Мирзотов командирлигидаги бўлинма бажариши керак. Бунинг учун посбонлардан энг аввало тоғ тайёргарлигини пухта билиш, ноқулай иқлим шароитида аниқ, ишончли ҳаракат қила билиш талаб этилади. Аниқроғи тоққа қалин қор тушган. Музлик, сирпанчиқ сўқмоқлардан юришда ўта эҳтиёткорлик шарт. Аммо профессионалларимиз тоғ тайёргарлиги борасида тажрибага эга. Қанча қийин, мураккаб бўлмасин, қўйилган жанговар вазифани адо этиш учун олға интилишди.

Разведка берган маълумотларга кўра, шартли душманни базаси билан боғлаб турган муҳим восита бу кўприк. Мутахассис портлатувчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шавкат Номуродов кўприкни шартли равишда портлатиши лозим. Мутахассис ўз вазифасини бажаргунича уни снайпер шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зафар Дониёров ҳимоя қилиб турди. Хуллас, гуруҳ жанговар вазифани уюшқоқликда аъло даражада уддалади.

Навбатдаги машғулотда профессионалларимиздан разведка-қидирув ишларини олиб бориш талаб қилинди. Бунда ҳар бир сўқмоқ, ғор, дара обдон кўздан кечирилиши лозим. Қалин ёққан қорда юриш жуда мушкул. Шунинг учун қишлоққа олиб борадиган йўлларни, ҳар бир дара, ғор, сўқмоқларни посбонларимизнинг бирданига тўла ўрганиб олишида қийинчилик келиб чиқиши табиий. Иқлим қийинчиликлари ҳам ўз йўлига. Эҳтиёткорроқ, ҳушёр бўлмасанг, кутилмаганда пистирмага дуч келишинг мумкин. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Жасур Жумабоев, Мурод Худойбердиев каби асл шуқкорлари бор гуруҳ ишончли оқлади.

Пистирма қўйиш, пистирмага тушиб қолганда аниқ, ишончли ҳаракат қилишда гап кўп. Посбонлар тактик тайёргарликларда, дала-ўқув машғулотларида бу мавзуга ҳам рўбарў келишади. Разведка-қидирув ишларини олиб боришаётган посбонлар кўприк остида пистирма борлигини сезиб қолишди. Маккор душманнинг режаси иш бермади. Ҳушёр, сергак ўғлонларимиз зудлик билан қулай марраларни эгаллашди. Алоқачи посбон шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шавкат Ортиқбоев бу хусусда дарҳол қўмондонликка билдирди. Мунтазам равишда алоқага чиқиб, вазият ҳақида маълумот бериб турди. Снайпер шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ахтам Раҳмонқулов тезда маскировка қилиб олиб, шартли душманнинг асосий нуқталарда жойлашган кучларини яксон қилди. Пулеметчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жаҳонгир Манёуров эса шартли душманнинг асосий кучларига қарата ўқ ёғдириб, сафдошларининг олға ҳаракатланишига имкон яратди. Хуллас, тажриба, стратегия, тактика ўз сўзини айтди.

Машқларни кузатар эканмиз, улар замирида тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ҳамда хуружларни бартараф этиш, уларга муносиб зарба беришга қодир миллий армияни шакллантиришдаги эзгу ишларимиз самарасини кўрамиз.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.





Подполковник Ярослав КОРУКА олган суратлар.

«Энг илғор сержант»

АСЛ ЭРЛАР КАСБИ ЭРУР ПОСБОНЛИК

...Снайпер кузатув пунктидан туриб машқни бажаришга киришди. Аввало у метеорологик шароитни ҳисобга олди. Дейлик, тоғ шароитида машқни бажарганда шамол ва иқлимнинг бошқа инжиқликлари ўқнинг траекториясини ўзгартириши мумкин. Бунинг устига қалин ёққан қорни ҳисобга олмоқ лозим.

Снайпердан талаб қилинадиган мажбуриятлар бу билан чекланиб қолмайди. У маскировка илмини мукаммал эгаллаган бўлмоғи лозим. Ўқув йиғинларида соҳасининг ипидан игнасигача ўрганган кичик сержантга қўл келди. Нишонни, яъни шартли душманнинг тахминан 100 метрлар узоқликдаги кучларини яксон қилмоғи керак. Аниқроғи, шартли душман етакчилари, йўл бошловчилари, айғоқчиларини аниқ нишонга олиш унинг асосий вазифаси. Жанговар машқларда тобланган профессионал вазиятни тўғри баҳолай олди. Аввало у ҳаракатланиш тезлигини чамалади. «Шартли душман секундига тахминан 2-3 метрлар тезликда ҳаракат қилмоқда...» Хуллас, маҳорат ўз сўзини айтди. Посбон машқни муваффақият билан бажариб, командирлари ишончини оқлади.

Навбатдаги машғулот янада мураккаб. Кузатув пункти денгиз сатҳидан тахминан икки минг метр баландликда жойлашган. Аввало снайпер кузатув пункти атрофини яхшигина маскировка қилди. Эгаллаб турилган позициядан тоғ ён бағирлари аниқ кўринади. Дурбин билан атрофни синчиклаб кузатган кичик сержант Зафар Дониёров баланд, бунинг устига якка ўсаётган арча ёнида қандайдир шарпаларни сезгандай бўлди. Қолаверса, арчанинг айрим шохларида қор йўқлиги шубҳасини оширди. «Демак, арчанинг ёнига бекинаётганида шохларидаги қор тўкилган» – мантиқий хулоса чиқара бошлади посбон. Шеригига бу ҳақда айтганида у ҳам ўша ҳудудни дурбин ёрдамида синчиклаб кузатди. Хуллас, атрофлича кузата туриб, посбонларимиз маккор ғанимнинг пусиб ётган жойини аниқлашди.

Бу хусусда зудлик билан қўмондонликка маълумот берилди. «Кузатувда давом этинг, душман кучлари, қурол-аслаҳаси, жойлашган координатлари ҳақида тўлиқ маълумот беринг!». Ана шундай қабилдаги буйруқни олишгач, кузатув пунктидагилар уни бажаришга киришишди.

«...Тахминан икки юз метрлар узоқликда. Мўйлжал якка ҳолда ўсаётган арча дарахти. Душман автоматчиларини ҳам кўряпман...» Рация орқали бот-бот шундайин маълумотлар бериб борилди.

Олинган маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилган қўмондонлик кузатув пунктидагиларга навбатдаги буйруқни берди. Унга кўра шартли душман гуруҳининг ядросидаги асосий кучлар йўқ қилиниши лозим. Айниқса, бу жанговар ўқув машқини бажаришда снайпернинг ўрни беқиёс бўлди.

Мана, ниҳоят лавҳамиз қаҳрамони билан танишишга ҳам фурсат етди. Унинг жанговар фаолиятидан бундайин лавҳаларни кўплаб топиш мумкин. Аслида ана шундай машқлар сабаб тобланмоқда, чиниқмоқда, билимларини мустаҳкамламоқда. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зафар Дониёров снайпер вазифасида. Самарқандниг Нуробод туманидан. 2001 йилдан эътиборан шартнома бўйича хизмат қилиб келмоқда. Бир неча бора йиғинларда қатнашиб, тажрибасини оширган посбон снайперлик илмини пухта эгаллади. Айни пайтда капитан Мурод Қўрғонов командирлик қилаётган взводда бурчини ўтамоқда.

– Бизга армиямизнинг суянчи, таянчи сифатида баҳо беришади. Бу катта масъулият, дегани ҳам. Ана шу номга лойиқ бўлиш учун эгаллаган соҳамизга касб деб, ҳаётимиз маъноси деб қарашимиз керак. Командирларим мени «яхши мутахассис», «тажрибали кичик командир», дея кўп бора айтишган. Аммо ҳали ўзимдан кўнглим тўлгани йўқ. Мен соҳамни янада мукаммал эгаллаш йўлида доимо изланишдаман, – дейди кичик сержант.

Интилиш, изланиш, ғайрат, шижоат ўз мевасини берди. Лавҳамиз қаҳрамони Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида «Энг илғор сержант» номинацияси ғолиби деб топилиб, «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Туркистон саройида бўлиб ўтган тантанада тақдирланди.

Яқинда кичик сержант хизмат қилаётган батальонга бориб, у билан суҳбатлашдик. Жанговар тайёргарликлардаги ютуқлари билан ўртоқлашдик. Амалий машғулотлар жараёнида унинг хатти-ҳаракатини кузатдик. Яна бир бор амин бўлдимки, армиямиздаги ислоҳотлар ана шундай асл профессионалларни, юртига, халқига содиқ ўғлонларни кашф қиляпти.

Сафар АЛИ.
Подполковник Ярослав КОРУКА
суратга олган.





НАВБАТЧИЛИК – ЖАНГОВАР ВАЗИФАДИР

«Биз замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, авваламбор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу юртнинг сувини ичиб, тузини тотиган, шу заминда тарбия топган, вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз». – дейди Президент И.Каримов ўзининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» асарида.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрни нафақат Қуролли Кучлар, балки барча соҳаларга нисбатан ишлатса бўлади. Зеро, айнан ватанпарварлар – ўз касбининг фидойилари, уларнинг астойдил қилаётган фаолиятлари ҳамда хизматлари эвазига юрт равнақ топади, давлат ривожланади, обрў қозонади ва дунёга ном таратади.

Ватанпарвар. Нақадар пурмаъно ва улуғвор сўз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да унга: «Ўз Ватанини, халқини чексиз севувчи, Ватани манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи», дея таъриф берилган. Ушбу таърифни Ватан манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўювчи, зарур бўлса, ўз жонини ҳам аямайдиган, унинг тақдиридан айро тарзда ўз ҳаётини тасаввур қилолмайдиган... каби сифатлар билан яна узоқ давом эттириш мумкин. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ёшлар тарбияси, айниқса уларни ватанпарварлик руҳида вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бутун умри давомида шаклланиб борувчи киши ҳаётида, дунёқарашининг ўзгаришида мавжуд босқичлар қатори йигитлик бурчини ўтаган, армияда ўтказган даври муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳарбийча ҳаёт уларда бурч, масъулият ҳисларини янада кучайтиради, кўп нарсага теранроқ, чуқурроқ назар ташлашга, сабр-бардошли бўлишга ўргатади, иродани тоблайди. Ахир бежизга армияни ҳаёт мактаби, дейишмайди-ку.

Посбоннинг намунали ҳарбий хизматчи бўлишига бошқа омиллар қатори устоз офицерлари, командирлари берган билим ва сабоқлар таъсир этишига алоҳида тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки ҳарб илмининг сирсиноатларини ўргатувчи, Умумҳарбий низомлар талабларини етказувчи, керак бўлса, аскарининг яқин инсонига айланувчилар худди шулардир.

Армия, ҳарбийлар ҳақида гап кетганида, Ватан ҳимоячилари хизматининг таркибий қисми бўлмиш турли кўринишдаги навбатчилик хусусида бир оз фикр юритмоқчиман. Назаримда, ҳар қандай навбатчиликни жанговар вазифа, топшириққа тенглаштирсак, хато бўлмайди. Зеро ишониб топширилган навбатчилик ўз соҳибидан ниҳоятда сергаклик ва огоҳликни, синчковлик ва зийраклигини, ҳушёрликни, масъулиятни талаб этади. Навбатчининг Умумҳарбий низомларда кўрсатилган мажбуриятларидан хабардор, командиридан тегишли кўрсатмаларни олган посбон ўз вазифасини бажаришга киришаркан, бутун билим ва кучини ишга солган ҳолда унга қайсидир маънода, маълум ҳарбий бўлинма шахсий таркиби хавфсизлиги, давлат мулки – ҳарбий объект ишониб топширилганлигини бир зумга ҳам унутмайди (бунга ҳаққи ҳам йўқ!).

Подполковник Б.Жўраев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда автомобиль парки бўйича навбатчи бўлган шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Ўткир Исломов шулар жумласидандир.

Маълумки, парк бўйича навбатчининг мажбуриятларидан бири паркка келаётган барча шахсларнинг шахсини тасдиқловчи рухсатнома, гувоҳномаларни астойдил текшириш, обдон назоратдан ўтказиш, уларни рўйхатга олиш ва масъул ҳарбий хизматчи рухсати билангина ичкарига киргазишдир. Ўз вазифасини яхши билган посбон Ўткир Исломов парк ҳудудига ўзгача йўллар билан кириб келаётган шахсга ўз ваколати, яъни низом доирасида ҳаракатланган ҳолда тўсқинлик қилган ва бунинг олдини олган. Кўриниб турибдики, сергаклик бор жойда ножўя ҳаракатларга, ишларга ўрин бўлмайди.

Юқоридаги мисолга монанд ҳолатларни, ўз вазифаси ва мажбуриятига фидокорона ёндашув намуналарини кўплаб келтириш мумкин. Тўғри, уларнинг кўриниш ва амалга оширилиш шароитлари турлича. Лекин уларни узвий боғлаб турувчи нарса, туртки бўлган сабаб айнан фидойилик, лоқайдлик ва бефарқликдан йироқлик, кучли масъулият ҳисси, қолаверса, ватанпарварлик туйғусидир.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сенинг ўғлонларинг, Ўзбекистон!

МАРДУ МАЙДОНЛАРДАН БИРИ



Тунги бирларда берилган тревога сигнали ҳарбий жамоадаги барча посбонларни оёққа турғазди. Улар маълум муддат ичида белгиланган жойда жанговар ҳолатда қад ростлашди. Посбонлар жанговар шайлиги касбий маҳоратни синовдан ўтказувчи бундай машғулотларга кўникиб кетишган. Бироқ бу маълум хавфнинг олдини олувчи ёки чиябўридек тунда эл тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган қора гуруҳларга қарши тайёргарлик ҳолати ҳам бўлиши мумкин. Бу сафар шундай бўлиб чиқди. Синов машғулотларида обдон тобланган профессионал ўғлонларнинг бир гуруҳи воқеа содир бўлган жойга зудлик билан юборилди. Буларнинг сафида юксак ишончга сазовор бўлган капитан Оллоёр Қаюмов ҳам бор эди.

Сир эмаски, фарзандларни ўзига муносиб касб танлашида ота-онанинг ўрни беқиёс. Болаликдаги қизиқиш, иқтидорни ўз вақтида англаб, эътибор бериб, тарбиялаб борилса, улар ҳаётда ўз ўрнини эгаллай олади. Бу нафақат ота-она ва оила учун, балки авлодлар келажаги, юрт ривожи учун ҳам муҳимдир. Оллоёр оиласи, авлодлари ичида биринчи бўлиб ҳарбий касбни эгаллаган. Бунда отаси Абдуқодир аканинг ҳиссаси катта эканлигини у меҳр билан таъкидлаб ўтди.

– Ҳар қандай ўғил бола аскар бўлишни ёшликдан орзу қилади. Бу табиат қонуни бўлса, ажабмас. Лекин ҳарбий хизматчи бўлиш барча йигитларга ҳам насиб қилавермайди. Чунки бу касб сабр ва ирода, ўқиш, изланиш ва ҳаракатни талаб этади. Дадам мендаги қизиқишнинг ўткинчи эмаслигини англаган шекилли, ҳарбийларга бағишланган китобларни ўқишимга, фильмларни кўп кўришимга рухсат берарди, шароит яратарди. Чиркин олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширганимда ҳам ота-онам далда бериб туришди.

Курсантликнинг машаққатини енгиб офицерликка муносиб бўлиш осон эмас. Бу довоннинг давоми эса янада юксак. Чунки офицерлик юрт тинчлиги, Ватан тақдирига масъул бўлиш демакдир. Ушбу масъулликнинг замирида, аввало, Ватан чорлови туради. Яъни тинчлик посбонларининг хизмати элимизнинг қай бир гўшасига керак бўлса улар ўша ерда шай. Оллоёр ҳам хизматнинг бу қонунига муносиб жавоб берди, албатта. Ҳарбий билим юртини битиргач, Термизга отланди. Унинг жанубий ҳудудларимиздаги хизмати ёш офицер учун дастлабки синов мактаби бўлди. Ҳозирда капитан Оллоёр Қаюмов батальон командирининг ўринбосари.

– Капитан Қаюмовга Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан «Жасорат» медали тақдим этилди, – дейди биз билан суҳбатда ҳарбий қисм командири майор Бахтиёр Сафаров. – Бу жамоамиз офицери учун билдирилган юксак ишонч, фидойи хизматининг муносиб баҳосидир. Бундай эътибор ҳар бир посбонни жасоратга чорлаб туради, шубҳасиз. Сафдошимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсам, у ўз касбининг ҳақиқий профессионали. Унинг касбий маҳоратидан посбонларимиз ҳар томонлама ўрнак олса арзийди. Офицерларга хос маънавий баркамолликка эгалиги сабаб, у ҳар қандай шароитда Ватан шаънини ҳимоя қила олади. Ёш, тажрибали бу офицеримизнинг келажак мақсадидан бири Қуролли Кучлар Академиясида таҳсил олиш.

Мен ёш офицернинг кундалик фаолияти билан қизиқар эканман, унинг ҳарбий мавзудаги адабиётларга меҳри баланд эканлигидан воқиф бўлдим. Бу ҳам бўлса Оллоёрнинг касбига муҳаббати юксаклигидан далолат. Чунки ҳарбийликнинг сир-синоатини эгаллаш доимий ўқиш, интилишни талаб этади. Шунингдек, жисмоний баркамоллик ҳам профессионалликка эришишнинг бир бўлаги, шубҳасиз. Бу борада қаҳрамон йигитга ҳавас қилса арзийди. У бокс билан яхшигина шуғулланиш билан бирга, мусобақаларда ҳам фаол иштирок этади. Оллоёр хизмати давомида пасту баланд синовлардан кўп ўтди. Юрт ҳимоясида душман билан юзмаюз келишига тўғри келди.

– Бизнинг бурчимиз Ватан ҳимояси. Керак бўлса уни қонимиз, жонимиз билан асраймиз, – дейди лавҳамиз қаҳрамони шу мавзуда суҳбат кетар экан. – Касбимизни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилишдан мақсад ҳам битта – эл тинчлигига, Ватан ҳимоясига қодир бўлиш. Ватан чорлови, юрт ишончи биз учун шараф.

Умрини Ватан тақдири билан боғлаган капитан Оллоёр Қаюмовнинг жанговар хизматлари, эришиши лозим бўлган довонлари эса ҳали олдинда. Ҳарбийлик эр йигитлар, марду майдонлар иши. Бу шарафли йўл ўз сарбонларини албатта улуғ манзилларга муносиб этади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҚАТЪИЯТЛИ, БИР СЎЗЛИ ЎҒЛОН



Капитан Обиджон Йўлдошев етакчилик қилаётган взвод ҳақли равишда ўзининг мард ва жасур шунқорлари билан фахрланса арзийди. Чунки қизғин машқларда тобланган посбонларнинг ҳар бири ўзининг масъулиятли вазифаси нимадан иборат эканлигини жуда яхши билишади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Бозоров ушбу взводнинг энг илғор йигитларидан ҳисобланади. Мана бир неча йилдирки, барча тайёргарликлар бўйича юқори натижаларга эришиб сафдошларига намуна бўлиб келмоқда.

– Мени бу шарафли касбга болалигимдаёқ амакиваччам офицер Жамол Рўзиев қизиқтирган, – дейди биз билан суҳбатда кичик сержант Бозоров. – У қачон таътилга чиқиб ота-онасининг олдига келса, чопқиллаб олдига борардим-му, фуражкасини кийганча ҳарбийлар ҳақидаги суҳбатини мароқ билан тинглаб ўтирардим. Муддатли хизматга борганимдан сўнг эса ҳавасим қатъий қарорга айланди ва ҳарбий бўлишга аҳд қилдим. Бунда менга офицерлар Рафиқ Ғаниев ва Обиджон Йўлдошевлар яқиндан ёрдам беришди. Мен уларнинг беминнат маслаҳати билан ўзим йигитлик бурчимни адо этган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматимни бошладим. Мен айнан ҳарбийликни танлаганимдан ниҳоятда мамнун эдим. Тўғри, бу касбнинг ўзига яраша машаққат ва қийинчиликлари мавжуд. Шунга қарамай деярли барча асл ўғлонларни ўзига оҳанрабодек жалб қиладиган, аммо ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган шарафли касб эгаси эканлигимдан фақат ва фақат фахр ҳиссини туяман.

Кичик командир Шуҳрат Бозоровни бўлинмада шижоатли ва тиришқоқ посбон сифатида яхши биладилар. Унинг хизмати ҳақида взвод командири капитан О.Йўлдошев шундай дейди.

– Шуҳратда бугунги профессионал сержантдан талаб қилинадиган барча сифатлар мужассам. Интизомли посбон буюрилган барча топшириқларни ўз вақтида бекаму кўст уддалайди. Мураккаб вазиятларда эса ўзини йўқотмаслиги, сафдошлари учун ҳамиша ёрдамга шайлиги сабабли бўлинмада алоҳида ўрни бор. Бундай шунқорлар ўз хизматлари билан бўлинмасининг етакчи ўринда туришини таъминлайдилар.

Дарҳақиқат, офицернинг сўзларида жон бор. Ўз ўрнида йигитнинг интилиш ва ютуқлари ҳам баҳосини топмоқда. У 2002 йилда Қуролли Кучларнинг 10 йиллиги муносабати билан «Яхши хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди. Шуҳрат учун кейинги тўрт йил ҳам муваффақиятли келди, десак хато қилмаган бўламиз. Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан илғор мутахассисларни кашф қилиш мақсадида ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловида мана уч йилдирки шунқор муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. У ортда қолган 2003, 2004, 2005 йилларда ушбу танловнинг «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича нафақат округ миқёсида, балки республика босқичида юқори ўринларни банд этиб келмоқда. 2006 йил эса у учун янада қувончли келди. Йигит юксак давлат мукофоти, яъни «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бундай қувончни баҳам кўриш мақсадида Шуҳрат зудлик билан Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Равот қишлоғида яшовчи отаси – Барноқул ака ва онаси – Эшбуви опаларга қўнғироқ қилди. Хушхабар уларни анча ҳаяжонга солди.

– Муддатли хизматга бормасдан аввал, «Бу касб анча машаққатли, мен эплай олармиканман?» дея ўзимга ҳадикла савол берардим, – дейди самарқандлик йигит. – Хизматим пайтида ҳарбийлик айнан машаққатли синовлари билан менга маъқул бўлди. Шундан сўнг юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганимдан фахрлана бошладим. Энди ўз олдимга офицер бўлишни мақсад қилганман.

Мамлакатимиз Президенти Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганидек, эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимиз келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда. Зеро, кичик сержант Шуҳрат Бозоров мана шундай ёшлардан биридир.

Комилжон ҲАСАНОВ,
Комилиддин ТЎРАЕВ
олган суратлар.

С полей боевой учебы

УЛУЧШАЕТСЯ КАЧЕСТВО – КРЕПНЕТ ОБОРОНОСПОСОБНОСТЬ

Сегодня, когда практически завершается переход армии на профессиональную основу, проводится огромная работа по коренному реформированию организационной структуры, модернизации техники и вооружения, главная задача каждого из нас – всеми силами способствовать этому динамичному развитию, добиваться того, чтобы коэффициент полезного действия данного процесса был максимально высоким. Для качественного ее решения современной армии необходимы, естественно, настоящие профессионалы. За последние годы благодаря существенному реформированию системы военного образования степень подготовленности офицеров и младших командиров неизмеримо выросла, но теория, как известно, должна всячески подкрепляться практикой. А это означает, что и процесс боевой подготовки должен постоянно совершенствоваться.

Ни для кого не секрет, что уже на сегодняшний день некоторые подразделения работают по обновленной программе, которая, по оценкам специалистов, дает весьма положительные результаты. День ото дня воплощаются в жизнь и другие элементы обучения, позволяющие повышать уровень мастерства вооруженных защитников.

Как известно, полевые выходы – дело не новое, но в этом учебном году они предстали в несколько ином качестве. В частности, в период боевого слаживания подразделений возросла их продолжительность, что незамедлительно отразилось на показателе военнослужащих. Совсем недавно довелось побывать в части, возглавляемой офицером Бахтиером Джураевым, и воочию убедиться в том, что полевые занятия стали более насыщенными, заметно возросла их эффективность. Причем добиться этого удалось, не прибегая к дополнительным ресурсам, более того, по отдельным показателям они были выгодно сэкономлены.

– От места постоянной дислокации до района проведения полевого выхода, – говорит офицер Джураев, – расстояние приличное, и чтобы дивизиону дважды, как это было раньше, совершить марш, требовалось немало моторесурсов, горючесмазочных материалов, да и отработка задач по управлению огнем артиллерии выглядела несколько скомканной. В частности, не удавалось предельно закрепить навыки командирам, наводчикам орудий, да и действия офицеров, особенно молодых, оставляли желать лучшего. Ныне же систематические занятия на протяжении почти двух недель дали возможность добиться слаженности подразделения, каждый специалист четко усвоил свою задачу, командиры всех степеней, независимо от сложившейся обстановки, научились умело управлять подчиненными.

Подтверждением этому стало практическое занятие, некоторые фрагменты которого запечатлел объектив фотокамеры. Командир дивизиона майор Азамат Рамазанов, получив задачу огнем артиллерии поддержать действия мотострелков, в кратчайшие сроки произвел необходимые расчеты, и подразделение двинулось в путь. За рудем мощных КРаЗов опытные военнослужащие по контракту младшие сержанты Фарход Мардонов, Шавкат Хаитов, Баходир Муродов, Жахонгир Абдуллаев, в которых командир всегда уверен как в себе. Не подвели они и на этот раз. В точно назначенный срок орудийные расчеты



прибыли в указанный район и с ходу заняли огневые позиции. Нормативы жесткие, но выпускникам школы подготовки сержантов младшим командирам Уктаму Ниезову, Собиру Жаббарову, Шерзоду Ибрагимову, Олиму Эльмуродову они по плечу. Безупречно работают старшие офицеры батарей, выпускники СВВАКИУ прошлого года лейтенанты Жамол Билалов, Ахрор Дустов, уверенно руководит группой лейтенант Ахмад Хамраев, закончивший с золотой медалью высшее военно-образовательное учреждение в России. В итоге орудийные жерла направлены по указанным координатам и готовы в любое мгновение нанести сокрушительный удар по противнику. Но выстрелы не прозвучат, поскольку это лишь очередная тренировка. Можно нисколько не сомневаться в том, что в случае надобности артиллеристы окажутся на высоте, и залогом им в этом послужит высокое качество боевой учебы, которое будет совершенствоваться и в дальнейшем, повышая профессионализм воинов, а значит, укрепляя обороноспособность страны.

Подполковник Ярослав КОРУКА.
Фото **автора.**

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан у Ўзбекистон Президенти маърузаси Бельгиянинг яқин йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан муштарак ташаббусларни тақдим этиш учун Валлония ва Фландрия ҳудудларидаги ҳамкасблари ишончларини мустаҳкамлаш борасида муҳим ҳужжат эканлигини қайд этди. Шу ўринда В.Де. Кук Брюссель – пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Валлония экспорт агентлиги ва Фламандия савдо ва сармоялар агентлиги иштирокида Ўзбекистон билан ўзаро ташрифларни ташкил этиш, семинар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Бельгиянинг «ЭНЕКС процесс инжениринг» компанияси директори К.Мин ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси бўйича амалга оширилган тизимли ўзгаришлар изчил ҳаракат режаси борлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни фақат иқтисодиёти глобал бозорда фаол иштирок этаётган давлатларгина таъминлай олишининг ёрқин тушунчаси мавжуд эканлигини намоён этади.

Президент И.А.Каримов мамлакатдаги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил этиш билан бирга ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади, амалга ошириш муддатларини белгилайди. Бельгиялик тадбиркорларнинг фикрича, етакчиликнинг бундай шакли Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган самарали ва ўз вақтида жорий қилинган чора-тадбирлар кафолатини таъминлайди.

К.Мин юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқни янада камайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қатъий чораларини алоҳида кўрсатди. Марказда ва жойларда назорат тизимлари ва бошқарув идоралари амал қилиши ва бошқаруви самарадорлигини таъминлайдиган маъмурий ислоҳотлар билан биргаликда ушбу чора мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш учун замин яратади.

Австрия Федерал иқтисодий палатасининг вице-президенти Р.Шенц 2005 йил ноябрида австриялик бизнесменлар ҳайъати бошчилигида Ўзбекистонга ташриф буюриш ва республикада амалга оширилаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан шахсан танишиш имконига эга бўлгани боис Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг умидбахш истиқболларига тўла ишонишини изҳор этди. У Ўзбекистоннинг «собиқ шўролар ҳудудидаги иқтисодиёти бир қадар барқарор ривожланиб бораётган мамлакатлар» сирасига киришини алоҳида таъкидлади. Р.Шенцнинг фикрича, республикада мавжуд бўлган бой ресурслар базаси катта сиёсий салоҳият ва ривожланган инфратузилма давлатнинг вазмин иқтисодий сиёсати билан ҳамоҳанг эканлиги бундан кейинги иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Р.Шенц иқтисодий соҳада давлат идоралари ваколатларини белгилаш ва фаоллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишларни чеклаш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. У, шунингдек, тадбиркорлик маданияти, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хусусий тадбиркорлар ва маблағларнинг иштироки учун рақобатчилик заминини яратиш муҳимлигини ҳам қайд этди. Р.Шенцнинг фикрига кўра, минтақавий ва халқаро иқтисодий бирлашмаларда иштирок этиш орқали мамлакатнинг глобал иқтисодиётга янада интеграциялашуви Ўзбекистон иқтисодиёти бундан кейинги ўсишининг муҳим шартидир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишининг муҳим ва долзарблиги ҳам таъкидланди.

«Евроосиё гуруҳи» халқаро таҳлил марказининг эксперти Каан Назли 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган устувор йўналишлар Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилгани мамлакатнинг аниқ мақсад билан бозор иқтисодиёти сари ҳаракатланаётганидан яна бир карра гувоҳлик беришини айтди. Давлат олдига қўйилган жорий йилдаги устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда, хусусан, бюджет секторида ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Исроил яҳудий университети ҳузуридаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг эксперти доктор Владимир Месамеднинг ҳисоблашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасида берилган баҳолар вазмин ва баённар аниқ далиллар асосидадир. Янги йилда кутилаётган кўрсаткичлар ҳамда иқтисодиёт ислоҳотининг асосий йўналишлари яқинда ортда қолган йилдаги ниҳоятда жиддий ютуқларга таянади. Аёнки, эришилган муваффақиятлар кишини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Режалаштирилган кўрсаткичлардан ўзиб кетган ўсишнинг юқори суръатлари Ўзбекистон ривожланишининг иқтисодий стратегияси волюнтаристик равишда эмас, балки у чуқур ижтимоий-иқтисодий таҳлилга таянгани ишонарлилигини кўрсатади.

Хорижий матбуот, расмий ва экспертлар гуруҳи томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг дастлабки таҳлили Ўзбекистонда бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга қизиқиш катта эканлигини ва мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларни чет эллик кузатувчилар ижобий баҳолаётганини кўрсатади.

«Жаҳон» АА.
(«Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил, 17 февраль сонидан қисқартириб олинди).



Как известно, по итогам минувшего учебного года Школа подготовки сержантов Центрального военного округа завоевала звание лучшей в Вооруженных Силах. И в этом успехе есть весомый вклад и медиков, возглавляемых начальником медицинской службы капитаном Дильшодом БЕРДИРАСУЛОВЫМ.



Год благотворительства и медицинских работников

БЕРЕГУТ ЗДОРОВЬЕ КУРСАНТОВ

Опыт передового коллектива широко пропагандируется в войсках. Так, в марте прошлого года на базе медпункта сержантской школы прошли сборы военных медиков Министерства обороны, на которых участникам был показан порядок проведения санитарно-эпидемиологических мероприятий на особый период.

В медпункте гордятся своей лабораторией, которая оснащена по последнему слову техники. Но еще больше здесь гордятся медсестрой – лаборанткой широкого профиля Ниной Борисюк, и после выхода на пенсию остающейся в боевом строю. Нина Алексеевна отслужила 24 года в рядах Вооруженных Сил, однако и после ухода на заслуженный отдых богатый опыт сержанта в резерве остается востребованным. Здесь также имеются кабинеты неотложной помощи, физиотерапии, функциональной диагностики, перевязочная. В постановке диагнозов по данным ЭКГ используется большой практический опыт полковника в резерве врача Рустама Элибаева, с задачей обеспечения пациентов медикаментами успешно справляется начальник аптеки сержант по контракту Исомиддин Арамов, а профилактические осмотры и остальные мероприятия проводит санинструктор младший сержант по контракту Альбина Казакова. Она недавно прочитала курсантам лекцию по птичьему гриппу. В медпункте красочно оформлен уголок с плакатами по профилактике ВИЧ/СПИДа. Контроль за соблюдением санитарно-гигиенических норм в столовой, жилых помещениях, на всей территории школы входит в круг обязанностей военных медиков.

Военно-медицинская подготовка входит в число важнейших дисциплин в процессе обучения курсантов. Вот и недавно старший инструктор цикла тактики младший сержант по контракту Эрдон Султонов привел в медпункт очередную группу на занятия. На этих занятиях курсанты не просто обучаются приемам оказания первой помощи, но и учатся беречь и сохранять свое здоровье, что очень важно в деле поддержания высокой боевой готовности. Палаты медпункта даже в дни с неустойчивой погодой пустуют, а значит, многогранная профилактическая работа приносит свои плоды.

Майор Алмас АБЛАЕВ.
Фото **Ярослава КОРУКИ.**

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ

Марказий ҳарбий округида «Шахсий таркиб онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш ҳамда уларда экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича офицерлар таркибининг вазифалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда округ штаб бошлиғи подполковник Ф.Шерматов, округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Н.Муллабоев, Жиззах Давлат педагогика институти «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси мудири фалсафа фанлари номзоди доцент М.Ҳошимхонов, Жиззах вилояти бош имом хатиби М.Жабборов, Жиззах ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия капитани С.Бобоев, капитан У.Даутахуновлар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман жуда қизиқарли ўтди ва қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Майор Убайдулло АМИРОВ.

САМАРАЛИ АНЖУМАН

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини маънавий- ахлоқий руҳда тарбиялаш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсантлари ва илмий раҳбарлари иштирок этишди. Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад Қуролли Кучларда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама етук, замонавий ҳарб илмини пухта эгаллаган, ахлоқий-руҳий, жисмоний жиҳатдан бақувват, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қила оладиган ёш офицерлар билан тўлдириб бориш бўлса, иккинчи масала ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашнинг янги турлари, шакл ва усулларини амалиётга жорий этиш орқали уларда миллий истиқлол ғоясига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Конференцияда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг бошлиғи генерал-майор Қ.Аҳмедов сўз олиб, олий ҳарбий ўқув муассасаларида бўлғуси офицер кадрларни тайёрлаш, Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини, ҳарбий хавфсизлигини мустаҳкамлашда, умумий сафарбарлик ресурсини кенгайтиришда, Қуролли Кучларимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёргарлик ҳолатини кучайтиришда жисмоний тайёргарлик ва қатъий ҳарбий интизомга сўзсиз амал қилиш жараёнлари кўп жиҳатдан маънавий-ахлоқий тарбияга боғлиқ эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуманда, шунингдек, катта ўқитувчи капитан З.Қосимовнинг «Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда миллий истиқлол ғоясининг ўрни» мавзуидаги маърузаси тингланди. ТОУҚБЮ курсантлари Г.Миркомилов ва О.Усмонов ўзлари таълим олаётган билим юртида амалга оширилаётган ислоҳотлар тингловчиларни маънавий-ахлоқий ва миллий истиқлол руҳида тарбиялаш билан уйғунликда олиб борилаётгани ва бу жараёнда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда тарбиявий ишлар кафедралари профессор-ўқитувчиларининг роли катта эканлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Шундан сўнг, конференция ташкилий гуруҳининг раиси подполковник Ч. Насриддинов ўзининг якунловчи сўзида бундай тадбирлар, фикр ва тажриба алмашувлар ўз мевасини бермай қолмаслигини таъкидлаб, бўлажак офицерларнинг жанговар тайёргарлик ва ҳарбий интизомини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Қодиржон ОФ'АРИНОВ,
ТОУҚБЮ доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Реформа Вооруженных Сил – в действии

АВИАТОРЫ ПОВЫШАЮТ КВАЛИФИКАЦИЮ

Создание курсов повышения квалификации офицеров в высших военно-образовательных учреждениях Министерства обороны стало очередным этапом реформы Вооруженных Сил, направленной на улучшение качественных параметров нашей армии. Вот и в Джизакском высшем военном авиационном училище успешно функционируют такие курсы, которые являются важным звеном кадровой работы.





В течение трех месяцев специалисты инженерно-авиационной службы (ИАС), авиационного оборудования, авиационного вооружения, специализации по профилям «самолеты и двигатели», «вертолеты и двигатели» прослушивают здесь курс лекций, выполняют практические работы, после чего сдают экзамены для получения сертификатов установленного образца. Успешно прошедшие обучение на курсах офицеры выдвигаются в резерв на замещение вышестоящих должностей. С начала года очередной набор слушателей курсов активно занимается в училище, пополняя багаж знаний и навыков.

– В основном к нам прибывают наши же выпускники, – рассказывает старший преподаватель группы ИАС подполковник Кобилжон Мирфайзиев. – В первые годы после окончания училища у них появляются конкретные вопросы по тем или иным темам служебно-боевой деятельности, на которые не всегда удается найти ответы на местах. Курсы повышения квалификации дают прекрасную возможность получить консультации опытных преподавателей по любым интересующим вопросам, ознакомиться с самой современной специальной литературой, имеющейся в учебном заведении.

Старший лейтенант Константин Федоренко проходит службу в должности старшего техника транспортного самолета ИЛ-76. В военно-транспортной авиации предъявляются очень жесткие требования к безопасности полетов, ведь каждый раз при выполнении того или иного полетного задания экипажи несут личную ответственность за доставляемые грузы или личный состав. Поэтому офицер с увлечением слушает лекции, при необходимости задавая уточняющие вопросы.

А вот старшему лейтенанту Маткулбеку Салиеву по долгу службы надо «ставить диагноз» состояния «сердца» винтокрылой машины – он является начальником группы «вертолеты и двигатели» в части, признанной самой передовой в ВПВО и ВВС. Звание передовика ко многому обязывает – надо и в учебном процессе подавать пример коллегам, делиться богатым накопленным опытом. Этим и интересна учеба на курсах, что собравшиеся здесь офицеры в процессе живого общения активно обмениваются опытом работы по специальности.

Не менее хлопотная должность и у капитана Мукимжона Султонова – он является старшим техником истребителя СУ-24. За порогом скорости звука у летчика, как правило, бывает очень мало времени для принятия решения в экстремальной ситуации. Потому задача техника – максимально обезопасить пилота от необходимости применять в деле навыки по борьбе за выживаемость воздушного судна.

Таким образом, на курсах повышения квалификации ДВВАУ офицеры не только поднимают свой профессиональный уровень, но и вносят весомый вклад в образцовое обеспечение безопасности полетов военной авиации.

Майор Атхам КУБАЕВ.
Фото **подполковника Ярослава КОРУКИ.**

Военные профессии

НАВОДЧИК-ОПЕРАТОР БМД



В коллективе парашютно-десантного взвода под командованием старшего лейтенанта Фахриддина Каюмова заботливое отношение к вверенному в руки десантников стрелковому оружию, равно как и к вооружению боевых машин десанта (БМД), введено в норму.

Вот и наводчика-оператора БМД младшего сержанта по контракту Хайдарали Туйчиева мы застали в парке боевых машин. Ведь потом, во время полевого выхода на полигоне, не должно быть заминок в боевой учебе вследствие отказов того или иного механизма. У «голубых беретов» настолько плотный график ратного труда, что даже небольшая неполадка может сказаться отставанием от соперников по соревнованию.

Уровень решаемых десантниками учебно-боевых задач так высок, что и от наводчика-оператора требуется образцовое владение вооружением БМД, умение метко вести огонь в самых неудобных положениях – с ходу, с закрытых огневых позиций, вне прямой видимости. И младший сержант Х.Туйчиев является одним из мастеров меткого огня, подающим во всем пример сослуживцам.

У воинов Караульных войск

ДОЛГИЕ ГОДЫ НА СТРАЖЕ

По итогам конкурса на лучшее соединение Вооруженных Сил Республики Узбекистан за 2005 год межведомственная квалификационная комиссия почетное второе место определила воинской части Караульных войск, где командиром подполковник Рахимжон Алимов.

Эта часть была создана сорок пять лет назад для выполнения служебных задач, связанных с охраной объектов ГУИН.

Пройденный частью исторический путь богат боевыми и служебными традициями, многочисленными примерами умелых действий личного состава на боевой службе.

«В этой части я начал служить, став офицером, – вспоминает ветеран войск полковник в отставке Г.Долженко, – и прослужил более полутора десятка лет. Был командиром взвода, затем роты, помощником начальника штаба части по ИТСО. Здесь прошли годы моего офицерского становления, здесь я учился сложной профессии командира и воспитателя. Было, конечно, очень трудно: необжитые регионы вдали от городов и культурных центров, тяжелые климатические условия (знойная жара, безводье, песчаные бури), никаких бытовых удобств, но были... молодой задор, понимание своего долга и ответственность, стремление не отстать от других и преодолеть все трудности. Что в итоге и вышло!»

С первых дней образования части главным для личного состава стали высокая бдительность и образцовое выполнение в любых условиях поставленных служебных задач, проявляя при этом мужество и героизм. В историческом формуляре части есть много примеров отличной службы тех лет.

Шло время, увеличивались объем выполняемых задач и штатная численность личного состава (к концу 70-х годов эта часть стала крупнейшим соединением войск, и на базе ее отдельных подразделений впоследствии были созданы другие части). Росло мастерство воинов, улучшались условия жизни и несения службы, и постепенно часть стала выходить на передовые позиции. Не случайно ей дважды вручались переходящие награды правительства Узбекистана и Министерства внутренних дел страны.

В разные годы частью командовали участники войны 1941 – 1945 гг. – полковники А.Чекмарев, Ф.Шпак, офицеры, которые затем продолжили службу в управлении войск на высоких должностях, полковники Ю.Осипян, Р.Багаев, С.Ем, а также ставшие генералами В.Жуков, К.Алиев. Прошли школу офицерского становления в этой части генерал-лейтенанты С.Кавун, К.Дзантиев и генерал-майор Ш.Ниязов.

Добрую славу оставили о себе многие годы прослужившие в части, а ныне ветераны – полковники В.Таджибаев, М.Вовк, подполковники Т.Алиев, Ш.Ашуров, А.Зиненко, А.Ишанкулов, Д.Рустамов и другие.

И нынешнее поколение военнослужащих части ответственно и с честью выполняет возложенные служебные обязанности, продолжает добрые дела и традиции своих предшественников. Всемерно повышается боевая готовность части, растут обученность и профессионализм личного состава, обеспечивается надежная охрана объектов. Достойно, с высокими результатами в службе, учебе и дисциплине встречают воины праздник своей части. В общем движении вперед основной тон задают и прочно удерживают лидирующие позиции подразделения, которые возглавляют майоры М.Ахмедов, И.Гафуров, капитаны А.Рустамов и У.Шарипов. Передовиками ратного воинского труда являются офицеры П.Дубинин, М.Холимзода, Н.Дустов, Г.Каримов, З.Юлдашев, сержанты В.Караматов, О.Кулдашев, Г.Хожиев, Ж.Нарзиев, рядовые срочной службы А.Махмудов, Р.Аллакулиев и многие другие.

Сорок пять... Это годы, когда уже накоплен солидный опыт, позволяющий воинскому коллективу части быть уверенным в своих силах и твердой поступью идти вперед к осуществлению поставленных целей.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК АСОСИ

Миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ғояларга қарши иммунитет шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бизнинг миллий истиқлол ғоямизнинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ғоя ва миллий ғоя ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало ушбу тушунчалар ифодаси, моҳияти хусусида фикр билдириш ўринлидир.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Шу сабаб айтиш мумкинки, ғоя – инсон тафаккурининг маҳсулидир. Аммо инсон тафаккурини яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назарнинг ҳаммаси ҳам ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, жамият тараққиётига, миллат ривожига таъсир этувчи теран фикрларгина ғоя бўла олади.

Ғоя – оддий фикрдан фарқ қилиб, инсон (жамият) руҳиятининг туб қатламларига сингиб боради, инсониятни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Ғоянинг энг муҳим хусусияти – инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидадир.

Жамиятда илғор ғояларгина яшаб қолади. Инсонлар бирор ғояга эҳтиёж сезмаган тақдирда уни жамиятдан суриб чиқарадилар. Ғоя жамият ривожига мувофиқ ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши керак.

Қисқа қилиб айтганда, ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий тараққиётга, инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказадиган, жамият ва одамларни бир мақсад йўлида ҳаракатга келтирадиган улуғвор фикрдир.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Масалан, диний ғоялар, илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, бадиий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар, инсонларнинг ўз ғоялари ва ҳоказо.

Илғор ғоялар ҳар бир халқнинг орзу-умидлари ва мақсадини ифодалайди, адолатли тузум, озодлик, мустақиллик, ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонийликни ўзида акс эттиради. Халқимиз тарихига назар солсак, аждодларимизнинг илғор ғояларга интилганликларини ва шу асосда ҳаёт кечирганликларининг гувоҳи бўламиз. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Абу Муслим, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, XX асрнинг бошларида яшаган миллий зиёлиларимиз намояндалари бўлган жадидлар, 20–30 йилларда қизил империяга қарши олиб борилган миллий озодлик кураши қатнашчилари, совет тузуми даврида қатағон этилган ўзбек зиёлилари мана шу ғоялар асосида яшадилар.

Асрлар мобайнида эл орзуси бўлган эзгу ғояларни 1991 йилда халқимиз давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида миллий мустақиллигини қўлга киритгач, амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг илк давридаги асарларидаёқ миллий истиқлол ғоясини илгари сурдилар ва қуйидагиларни таъкидладилар:

1. Ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

2. Жамиятда ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз лозим. Шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонида бизга бегона, орзу интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаши шубҳасиз.

3. Миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар – халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини ва руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Бундай улуғвор мақсадларга етишишда бизни бирлаштирадиган ғоя:

Бу – озодлик ғояси. Халқни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Бу – энг улуғ ва эзгу ғоя – Мустақиллик ғояси. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўкис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Бу – адолат ва ҳаққоният ғояси – инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли куч эга бўлган ғоядир. Одамлар асрлар мобайнида адил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантаниси учун курашиб келганлар. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кўтарилади.

Юқорида тилга олинган ғоялар мажмуи бизнинг миллий истиқлол ғоямиз асоси ҳисобланади. Миллий истиқлол ғояси, бу – миллатнинг, бутун кўп миллатли халқнинг ақлий фаолияти натижасидир. Ҳар қандай фикр, тушунча ва нуқтаи назар ҳам миллий ғоя бўлавермайди.

Миллий истиқлол ғояси – халққа хизмат қилиши, ҳар бир кишига ўзгарувчан дунёнинг воқелигида ўзини англашга ёрдам бериши, буюк аждодларнинг ўзлари томонидан яратилган ўзига хос минг йиллик маданиятининг меросхўри эканлигини ҳис қилишга, бу бойликни асраб-авайлаб, янада кўпайтиришга, умуминсоний қадриятлар, жаҳон тараққиёти ютуқлари билан бойитишга ёрдам бериши ва бунга улғайиб келаётган авлодни жалб қилиши керак.

Миллий истиқлол ғояси – халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари атрофида бирлаштирадиган ва уни амалга оширишга сафарбар қиладиган ғоядир. Бу ғоя халқни истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос этади, унга ўз салоҳиятини тўла-тўкис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имконини беради, миллий-маънавий қадриятларини, аждодларининг минг йиллик урф-одатларини тиклашга йўл очади.

Бугунги кунда мамлакатимизда илгари сурилган миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-ўйларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол ғоясининг бош ғояси – Ўзбекистонни буюк давлат даражасига кўтариш. Бунинг моҳияти нимада?

Биринчидан, жамиятда ҳамма нарса инсон ва инсон бахт саодати учун. Мамлакатда ҳар бир оила ва фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаёт қуриш – энг олий мақсад ҳисобланади. Инсон қачонки билим олиш, меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш, ўз фикрини эркин айтиш ҳуқуқига ҳамда ижтимоий муҳофаза ва кафолатларга эга бўлса, ўзини жамиятнинг тўлақонли вакили деб билади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча фуқароларга меҳнат қилиш ва касб танлашга (37-модда), мулкдор бўлишга (36-модда) кафолат берди. Аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланди.

Истиқлолга эришилгач, асрлар давомида талаб келинган мамлакат бойликлари ва имкониятлари унинг гуллаб-яшнаши ва тараққиётига, халқ ободончилигига, халқаро доираларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб боришига, жаҳон ҳамжамиятига кириш мақсадларига хизмат қила бошлади.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаган Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол ғояси аҳолининг барча қатламларини жипслаштиришга, умуммиллий манфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Ўзбекистон халқини жипслашишга, буюк келажак йўлида яқдил ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир шахснинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги шароитида миллий ғоя ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган ҳолда жамиятни бирлаштириш, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришдаги асосий омил бўлиб майдонга чиқмоқда. Бугунги кундаги бош вазифа – ғоявий заифликка йўл қўймаслик, миллий истиқлол ғояси асосида миллатнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, мустақил давлатнинг қудрати ошишига, тараққиёти ривожланишига ҳисса қўшиш. Шу маънода миллий истиқлол ғояси – ҳар биримизнинг қалбимизга сингадиган умумий ғоямиз, онгимиз, дунёқарашимизнинг таркибий қисмидир.

Миллий истиқлол ғоясининг яна бир асосий йўналиши – юрт тинчлигидир. Миллий давлатчилигимизга асос солинган биринчи кунларданоқ, Ватанимизни, табиат инъом этган ва меҳнаткаш халқимиз томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш масаласи олдинги ўринда турди ва давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири сифатида қаралди.

Маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ва Ватаннинг асл ватанпарвари бўлиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва шарафли вазифасидир. Ватанпарвар инсон ўз кindик қони тўкилган табаррук заминни севиб эъзозлайди, унинг камол топишига, равнақига ҳиссасини қўшади, она Ватан ҳимоясига мудом тайёр туради, буюк аждодлари анъаналари ҳамда миллий истиқлол ғоясини ҳамиша том маънода муқаддас билади. Зеро, инсон учун Ватандан улуғ, Ватандан азиз ҳеч нарса йўқ. Бугунги Ватан ҳимоячиси учун жанговар ва жисмоний тайёргарликнинг ўзи камлик қилади. Унинг интеллектуал салоҳияти, ватанпарварлик туйғуси, халқи ва Президентига, ҳарбий бурчга садоқати юксак даражада бўлиши керак.

Ўзбекистон Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони И.А.Каримов миллий армиямиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганларидек, **эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.**

Ўзбекистон жангчиси она Ватанни чин қалбдан севиб ардоқлаш билан бирга, уни ҳар қандай ғаниймдан ҳар қандай шароитда ишончли ҳимоя қила билишни ҳам уддалаши шарт. Буниг учун у ҳарб илмини пухта эгаллаши, жанговар техника ва қурол-яроғлардан моҳирона фойдалана олиши, тартиб-интизом, ахлоқ-одоб, ўзаро кўмакдошлик сингари кўплаб сифатларни ўзида мужассамлантирган бўлиши, энг муҳими, она юрти ҳимоясида, ҳарбий жамоасида алоҳида ўрни бор эканлигини чуқур идрок этиши лозим.

Халқ тарихи – ватанпарварлик, миллат маънавий кучи ва ахлоқий соғломлигининг ёрқин манбаидир. Уни чуқур ўрганиш маънавий норма ҳисобланмиш мардлик, интизомлилик, ҳалолликдир, сотқинлик қилмаслик каби сифатларни шакллантиришнинг негизидир.

Ўзбек халқининг бутун жаҳонга машҳур ва буюк аждодларининг маданий мероси – инсонийлик ва сабр-қаноат, адолатлилик, илм-маърифатга интилиш асосида яратилган.

Бугун биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Шунинг учун маънавий-ахлоқий янгиланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгиланишнинг бошланиши шарофати билан миллий маънавият ва ахлоқнинг кучли қатламлари юзага келади.

Шу ўринда Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригига мурожаат қилсак, унда жумладан шундай сўзларни ўқиймиз: **"Ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш лозим. Бу ўта муҳим масала армиядаги хизматнинг барча бўғинидаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши керак".**

Халқимиз мустақиллик ва эркинлик, меҳр-шафқат, меҳрибонлик, бағрикенглик ва очиқ кўнгилликни хуш кўради. Ўз она тупроғига, Ватанига чексиз меҳру муҳаббат халқимиз характеридаги энг яхши фазилатлардан биридир.

Бизнинг бойлигимиз, мустақиллигимиз ҳамда ажойиб келажакка ишончимизнинг бош манбаи она еримиздир. Буюк аждодларимиз хоки ётган ушбу муқаддас заминга муҳаббат маънавиятнинг битмас-туганмас булоғи бўлиб хизмат қилади. Она юртимизни қўриқлаш – муқаддас ва шарафли мажбуриятдир.

Президентимиз Байрам табригида айтганларидек, **ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа – Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.**

Маънавий-ахлоқий тарбияси мукаммал, ватанпарвар аскар мураккаб вазиятда ўз ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, сафдошидан ёрдамини аямайди, унинг учун ҳудди ўз туғишган ака-укасидек қайғуради. Қалб амри билан Ватан ҳимоясига отланган бугунги ёшларда ана шундай ватанпарварлик, ахлоқ, маънавият, садоқат, фидойилик хусусиятлари мужассамланган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.**

Бугунги Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жангчиси учун Широқ ва Спитамен, Нажмиддин Кубро ва Муқанна қаҳрамонлиги, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди аскарларининг чидамлилиги, мардлиги, ватанпарварлиги муқаддасдир.

Ўзбекистон жангчисининг бурчи – аждодлар анъаналарини муқаддас билиш, мустақил Ватаннинг муносиб ватанпарвари бўлиш. Бу жангчи учун нимани англатади? Бу:

– мустақил Ватанимиз хавфсизлиги учун шахсан жавобгарлик ҳиссини сезиш, Ватан ҳимоячиси – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиси деган ном билан фахрланиш;

– Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш, командирларга ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ёрдамлашиш;

– машғулотларда, дала машқларида бутун куч-қуввати билан ҳаракат қилиш;

– ўз ҳарбий билими ва маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

– ҳарбий-сиёсий шароитни моҳирлик билан баҳолаш ва ҳар қандай шароитда ўз ҳарбий бурчини бажаришга шай туриш.

Ҳарбий қасамёд Қуролли Кучларга тааллуқли қонунчилик ҳужжатлари орасида алоҳида ўрин тутади. У – давлат нуқтаи назаридан Ватанимизни муносиб ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий хизматчига қўйиладиган асосий талабларни мужассам этган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ҳарбий қасамёд бугун вужудга келган эмас. У Соҳибқирон Амир Темур армиясида ҳам бўлган. Амир Темур қўшинларида ҳар бир қўшин ҳарбий бошлиғи ва қўмондони қўшинлар кўригидан олдин ҳукмдорга ўз бўлинмаларини таништирган ва унга содиқ қолишга онт ичган. Шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди қўшинларида ҳам шунга ўхшаш онт ичишга амал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий қасамёди ёш жангчининг она Ватани ва халқига, Президентига содиқ бўлишга берган муқаддас онтидир. Ёш аскар Қуролли Кучлар сафига кирар экан, қўлида қурол билан Ватанига, халқига, Президентига содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилади.

Ҳарбий қасамёд софлик, ҳалоллик рамзи. Ҳалол бўлиш талаби қасамёддаги дастлабки ўринларни эгаллайди. Ҳалол бўлиш – халқнинг энг яхши ахлоқий фазилатларини ўзида жам қилиш, холис, камтар, софдил, мустақил Ватанга содиқ бўлишдир.

Ҳарбий қасамёд ҳарбий хизматчидан жасур жангчи бўлишни талаб қилади. Жасурлик посбоннинг энг муҳим фазилатларидан биридир. У душман устидан ғалаба қозонишда доимо ёрдам берган. Мураккаблиги билан ажралиб турадиган ҳозирги замон жангида жасурлик аскарга қўрқувни енгишга ва ўз иродасини бир мақсадга – душманни батамом яксон қилишга йўналтиришга ёрдам беради. Фақат жасур ва қатъиятли посбонгина жангда матонат кўрсатиб, ғолиб чиқа олади.

Жасурлик ўзбек халқига хос хислатдир. Бунга тарихда мисоллар кўп. Оддий чўпон Широқ қабиласи, уруғдошлари озодлиги йўлида ўзини минг қийноқларга солиб бўлса-да душман ишончини қозонди. Душман қўшинини чўл ичига олиб кирганда ғанимлар ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун Широққа нелар ваъда қилмади. Бироқ Широқ халқи тинч-осойишталигини ҳар қандай бойликдан юқори қўйди.

Чингизхон Хоразмга бостириб келганда Ҳазрат Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлган шайх эди. Мўғуллар томонидан «Шайх оёқ остида қолмасинлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб кетсинлар», деган таклиф бўлади. Шунда Ҳазрати Шайх «Яхшиликда мен бу халқим бирлан ошно ва дўст-ёр эрдим. Энди ёмон кунда нечук буларни ташлаб кетайин, мен ҳеч қаерга кетмайман», дейди. Сўнгра мўғуллар бостириб кирадилар.

Ҳазрати Шайх бир неча мўғулни ўз қўллари билан жаҳаннамга жўнатади. У жангга шундай шайланган эдики, хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдириб, қўлига найза олиб душман қаршисига чиқади, ғанимларга қарата тош отади, бир нечтасини найза билан уриб йиқитади. Аммо мўғуллар унинг устига камон ўқи ёғдирадилар. Бир ўқ келиб кўкрагига тегади.

Етмиш беш яшар мўйсафид ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам жангни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Ҳазратнинг қўлидан байроқни тортиб ололмаган мўғуллар унинг бармоқларини кесиб, байроқни оладилар.

Улуғ шайх ва донишманд инсоннинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳайратга солган. Мана қанча йиллар, асрлар ўтди, Шайх Нажмиддин Кубронинг жасорати авлодлар дилида, қалбларида яшамоқда. Бундай мисолларни тарихдан кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчилари аждодларимиз жасоратларига содиқ қолмоқдалар ва давом эттирмоқдалар. 1999–2000 йилларда мамлакатимиз ҳудудларига бир гуруҳ тажовузкор кучлар бостириб кирганда жангчиларимиз ўз Ҳарбий қасамёдларига содиқ ҳолда, Ватанимизни душмандан ҳимоя қилдилар.

Мисол: катта сержант Маъруфжон Ражабов қулай позицияни эгаллаб, душманга зарба бераётганлигига қарамай, душман ўқи уни яралади, лекин у жангни давом эттирди. Бўлинма фельдшери Қаҳрамон Мадолимов унга ёрдамга отилди. Ўз жонини таҳликага қўйиб бўлса-да, яраланган жангчи ҳаётини сақлаб қолишга ошиқди. У нафақат фельдшер сифатида, жасур жангчи сифатида ҳам ўзини намоён этди.

Душман истеҳкоми жойлашган ерга аёвсиз зарба бераётган сержант Улуғбек Барноев қисқа муддатли сукунатдан фойдаланиб, Қаҳрамон Мадолимов ва Маъруфжон Ражабовларга ёрдам бериш учун ўзини жанг майдонига отди. Мазкур жанг шартномага асосидаги ҳарбий хизматчилар – Қаҳрамон Мадолимов, Маъруфжон Ражабов ва Улуғбек Барноевлар учун сўнгги жанг бўлди. Мард жангчилар охирги дамгача дўстлик, жасурлик, инсонийлик намуналарини намоён этиб, Ватан ва халқ олдидаги ўз Ҳарбий қасамёдларига содиқ қолдилар.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол ғоясини чуқур идрок этган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, ватанпарвар инсон ўз Ватани ҳимояси, халқи тинчлиги йўлида охирги нафасигача курашишга, лозим бўлса, жонидан кечишга ҳам тайёр бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

Фойдаланилган адабиётлар:

И.А.Каримов. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистон», Тошкент – 2000.

И.А.Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», «Ўзбекистон», Тошкент – 2000.

И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Тошкент – 1996.

И.А.Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Ўзбекистон», Тошкент – 1996.

ЧТО ЛУЧШЕ – ДИКТАТУРА ДЕМОКРАТИИ ИЛИ ХАЛИФАТИЗАЦИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ?

Жаль, что откровенная исповедь акрамистов и их сподвижников из группировки ИДУ, звучавшая в ходе проводимого в Ташкенте с сентября месяца 2005 года судебного процесса, не вызывает вопросов у отдельных политтехнологов, дипломатов и политиков некоторых западноевропейских стран и США.

Тех, кто через зарубежные СМИ взывал к открытости информации об андижанских событиях, происшедших 12 – 13 мая 2005г., требуя их независимого международного расследования. Взывающие, пылая зудом политического вдохновения в горячке неудовлетворенных амбиций и обидой на равнодушие к ним официального Узбекистана, вычеркивали из своего сознания не только политкорректность, но и известные международные нормативы в отношении суверенного государства.

Уменьшился ли политический зуд сегодня? Нисколько. В отношении Узбекистана давно наметилась тенденция трансформации понятия демократии в диктатуру демократии.

Данные Исследовательского центра «Program on International Policy Attitudes», опубликованные на Интернет-сайте «Washington ProFile» в октябре 2005 года: «15 процентов жителей США не считают демократию лучшей формой правления...».

Не менее интересно мнение «43% американцев, убежденных, что для многих стран демократия не является оптимальным видом политического строя», при этом «64% жителей США уверены, что далеко не все страны мира когда-либо станут демократическими».

На вопрос: «Должно ли «продвижение демократии» быть главной целью во внешней политике США?» 54 % опрошенных высказались за национальные интересы Соединенных Штатов, а 75% заявили, что «США не должны тратить деньги на поддержку демократических институтов в иных странах мира».

И, тем не менее, реформы, проведенные в различных сферах жизнедеятельности Узбекистана, на осуществление которых позитивно влияло и гуманитарное содействие международных организаций, в том числе субсидируемых в международных проектах официальными ведомствами США, ощутимы и признаны. Жаль, что позитивная практика может стать только добрым воспоминанием качественных отношений двух стран-партнеров, в том числе и по антитеррористической коалиции. И только в силу того, что один из них не разглядел в республике за вывеской «мирные мусульмане» давно ощутимых «преступников, воплощающих в нашу жизнь часть глобального проекта мировой халифатизации». А другой, отстаивая и доказывая свое суверенное право именно так трактовать ощутимые действия преступников, словно не учитывает, что тактика пресловутых двойных политических стандартов, помимо прочих негативных «прелестей», имеет и другой подтекст.

Плюрализм мнений – неотъемлемое достояние западноевропейской и американской демократии, впрочем, и любого другого государства. Другое дело – насколько сбалансированно эти мнения отражаются в окончательно принятых решениях и насколько добросовестно они не комментируются в зарубежных СМИ.

До некоторой степени внятный комментарий по этому поводу высказал один из зарубежных международных деятелей, в последние два года сделавший много не рекламируемых позитивных усилий для качественного развития, поддержания и сохранения узбекско-американских отношений. По ряду объективных причин он пожелал не называть его фамилии, высказав в нашей приватной беседе следующее: «То, что было передано по российскому НТВ (имеется в виду октябрьское 2005 года сообщение: «В Люксембурге ЕС ввел санкции на торговлю оружием с Узбекистаном и приостановил действие Договора о сотрудничестве...»), или другим внешним СМИ – не является существенным моментом. В отношении США эту ситуацию можно объяснить тем, что два (или три) конгрессмена поддержали данную инициативу ЕС, ориентируясь на Закон, позволяющий им добиваться принятия какой-либо резолюции в своей стране. В основном их действия – результат усилия тех международных ННО, которые продвигают вопрос отказа от сотрудничества с правительством Узбекистана и лоббируют его через конгрессменов.

Как и в парламенте любого государства, конгрессмены/парламентарии – люди, не столь искушенные в вопросах внешней политики, в нашем случае и не профессионалы по Центральной Азии. До некоторой степени они далеки и от известной позиции администрации США. Официальная позиция была определена в ходе посещения Узбекистана (27 сентября 2005 г.) делегацией во главе с помощником Государственного секретаря США по странам Европы и Евразии Дэниэлом Фридом. Последующие выводы главы делегации по итогам трехчасовой встречи с Президентом Исламом Каримовым и выбранном в отношении Узбекистана политическом курсе ориентируются на позитивное сохранение и развитие двусторонних политических отношений. Подобные решения в контексте этой задачи принимают те политики, которые известны своими более рациональными и взвешенными подходами. Во всяком случае, те, кто способен сохранить баланс, когда возникают внутренние и внешние попытки дестабилизировать или охладить узбекско-американские отношения.

Мнение, высказанное моим собеседником, объясняло многое. В том числе и отсутствие в некоторых зарубежных СМИ комментариев зарубежных журналистов и политтехнологов, присутствовавших на судебных заседаниях Верховного Суда Республики Узбекистан, рассматривавшего уголовные дела 15 участников вооруженных акций, проведенных 12 – 13 мая в городе Андижане.

В доступном формате выстраивающийся характер двусторонних отношений между США и Узбекистаном после 27 сентября 2005 г. был отражен 30 сентября 2005 г. в публикации «Бюро международных информационных программ Государственного департамента США» под заголовком: «США уйдут с узбекской базы, но стремятся к постоянному двустороннему диалогу».

Вопрос: «Кому конкретно невыгоден позитивный баланс в отношениях между США и Узбекистаном?» Один из ответов на этот вопрос заложен в тезисе из хизбуттахрировской листовки, написанной на двух языках, – кыргызском и узбекском. Листовка датирована 20 мая 2005 г. и изготовлена в количестве 2000 штук для распространения в Узбекистане и Кыргызстане.

Тезисы: «Правительство Узбекистана еще верит в лживые обещания Америки, думая, что Америка будет в согласии с ним, поддержит его, отвечая адекватно на уступчивое доверие. Фальшивые американские понятия о мире, словно пустые орехи для пустых надежд этого правительства... Все пустые обещания (Америки – **прим.переводч.**), в которые верит правительство, не более, чем мираж».

Причем здесь хизбуттахировцы, когда речь идет об акрамистах и боевиках ИДУ? Ответ на этот вопрос присутствует еще в одной листовке, датированной Хизб ут-Тахрир 16 мая 2005 г.: «18 мая в Андижане мусульмане, воины Ислама, под флагом святого Ислама победоносно ворвались на территорию батальона городской патрульно-постовой службы и завладели сотнями автоматов и пистолетов, десятком гранат, двумя ручными и другими видами оружия. После этого, для поэтапного сокрушения врагов, стоящих препятствием на нашем пути, а также для пополнения оружия была захвачена 34-я воинская часть. Цели достигались одна за другой, в результате чего была атакована андижанская тюрьма, в которой содержались 23 наших брата (бродар), кроме невинных братьев были освобождены еще 600 заключенных, также наших сторонников. Они тоже взяли оружие, пополнив наши ряды. Несмотря на полночь, наши ряды пополнили жители Андижана, предоставившие возможность использовать свои автомобили. Последующие атаки наших братьев – воинов Ислама были направлены на здания, служащие логовом хокима и его прихвостней, рабов этого государства, захваченных без каких-либо трудностей».

...Были ли до 13 мая 2005 года известны цели центральноазиатских исламистов? Несомненно. Вопрос в том, как эту информированность надо было использовать в узбекско-американских отношениях, не впадая в односторонние иллюзии об истинных целях хизбуттахировцев, умело подключивших к легализации своих «религиозных прав» международные неправительственные организации.

Фрагмент из хизбуттахировского текста от 20 июля 2003 года: «Дорогие братья... Наши шейхи всегда осведомлены о ваших судьбах. Они не только осведомлены, но и чувствуют ваши сердца. Помните, мы вам послали два письма. Одно из них от нашего амира и предводителя, ныне покойного шейха Абдул-Кадим Заллума. Второе послал нынешний амир и предводитель Ато Абу Рушти (имеется в виду майское послание. – **Ред.**)... Хизб проводит встречи на разном уровне с международными активистами по правам человека и политиками... Надеемся, что эти сведения дошли и до вас. На конференции (Казахстан) 12 июля этот вопрос освещался... Сегодня, если считать Узбекистан воротами, Хизб превратился в его железную дверь, а парни Хизба являются его стражниками. Каждый, пожелавший войти сюда, войдет только через эти ворота, если подчинится парням Хизба. Только в этом случае он будет принят. В противном случае входящих не примут и проклянут. Поэтому на вас и набрасываются, как на хищных зверей, и относятся к вам с неуважением, опираясь на своих хозяев в Америке и Израиле... Ваш брат из Узбекистана. 20 жумодул аввал 1424 х./ 20 июля 2003 г.».

По поводу встреч «на разном уровне с международными активистами по правам человека и политиками..» – международный политикам, тяготеющим к словосочетанию «мирные мусульмане» и «повстанцы», не стоит обольщаться «просветлением в умах» хизбуттахировцев. Тем более, что это не более чем временная акция, не вчера оговоренная концепцией Хизб ут-Тахрир: «После изучений, размышлений и исследований Хизб ут-Тахрир принял (табанни) определенные шариатские законы. Некоторые из них касаются решения индивидуальных проблем, которые возникают в отношениях между людьми... Некоторые касаются общих взглядов, которые происходят между общностью мусульман и другими людьми в их взаимоотношениях с ними. Например, допустимость заключения вынужденных соглашений...».

«Вынужденные соглашения» – это тот самый ключ к пониманию еще одной концептуальной формулы исламистов: «Джихад – это война со всеми, кто стоит препятствием на пути распространения исламского призыва, будь они агрессорами или нет. Другими словами, джихад – это устранение всех препятствий на пути распространения призыва к Исламу, или, говоря иначе, это призыв к Исламу и сражение на этом пути, то есть на пути Аллаха».

Не персонифицируя западноевропейских и американских агитаторов проведения независимого расследования андижанских событий, трудно отказаться от желания познакомить их с хизбуттахрировским мнением о «СВОБОДЕ ЧЕЛОВЕКА», опубликованном на Интернет-сайте этой организации задолго до андижанских событий: «Будьте бдительны перед мерзким и страшным объектом, который перед вами, вы немедленно должны осознать, какую западню готовят всем вам неверные и их подчиненные... Погибайте за правду и справедливость, пришло время не различать смерти от жизни. Америка и безбожный Запад – ваши руководители, а также политики, советники, бизнесмены, находящиеся вокруг ваших руководителей, пресса и кроме них, сторонники капитализма и удивляющиеся капиталистическому образу жизни, призывающие к демократии, плюрализму, правам человека и рыночной экономике, – все они находятся в пустой яме, а исповедующие и сознательно борющиеся за дело Ислама являются сынами исламской общины, и вместе с ними каждый, кто проявляет усердие в деле религии, – все они находятся на истинном пути. Этот факт является местом битвы, борьбы, определяющим ваше будущее, разделяющим правду от гибели».

Ответ на вопрос: «Учитывают ли западноевропейцы смысл подобных текстов?» остается за ними.

Айдын ГУДАРЗИ.

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

ТАШАББУСКОРЛИК НАМУНАСИ



«Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда замонавий армияда хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик, айтайлик, турникда тортилиш, тўсиқдан ошиб ўтиш, нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади. Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим», деган эди Юртбошимиз ўз маърузаларидан бирида.

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳияти, билим даражасини ошириш, дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, маънан озиқлантиришга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро, Ватан, Ватан ҳимояси каби муқаддас тушунчалар мазмун-моҳиятини тушуниб етган, буюк ота-боболари, бой маданий, маънавий меросига ҳурмат ва эҳтиром руҳида камол топган, она диёр ҳар қарич ерини мўътабар сановчи инсонгина чин маънода юрт посбони бўла олади.

Маълумки, шиддат билан ўзгараётган, илдамлаётган бугунги замонда ҳар соҳада бўлгани сингари тарбиявий ишлар, посбонларнинг маданий, асосийси, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари борасида янги услуб ва йўналишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Марказий офицерлар саройида айнан шундай – янгича кўринишдаги тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

«Балли, йигитлар» номи остида ўтган кўрик-танловда Тошкент ҳарбий округида сафарбарлик чақируви резервига жалб этилган фуқаролар ўзаро беллашишди. Танлов шартлари мобайнида йигитларнинг билими, кучи, чаққон ва топқирлиги синовдан ўтди. Муросасиз баҳслардан танлов қатнашчилари ҳам, томошабинлар ҳам бирдек завқ олишди. Ўзбек эстрадасининг хушовоз хонандаси Озодбек Назарбеков ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли вакилларининг чиқишлари эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати, Марказий Офицерлар саройи раҳбарияти кўмагида ўтказилган мазкур кўрик-танлов ташаббускорлари Тошкент гарнизони офицерлар уйи бошлиғи майор Олег Зокиров ҳамда Тошкент гарнизон офицерлар уйи услубчиси Навбаҳор Жалиловалардир.

Муҳими, бундай тадбирларни ҳар қандай ҳарбий қисмда ўтказиш, улардаги шартларни янада бойитиш ёки мураккаблаштириш ва шу орқали сафдошлар ўртасида ўзаро дўстлик, ҳурматни кучайтириш, билим олишга қизиқтириш, дунёқарашни кенгайтириш мумкин. Ўйлаймизки, эксперимент равишда ўтказилган ва муваффақиятли кечган тадбир бошқа ҳарбий гарнизон, қисмларда ўз акс-садосини беради.

Иш, ҳаракат бор жойда нуқсон ва камчилик бўлиши табиий. Бироқ саъй-ҳаракатларсиз ҳеч қандай ривожланиш бўлмаслиги ҳам аниқ. Демак, умуммақсад йўлида ташаббускор ва фидойи бўлсак, асосийси, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатсак, ижобий натижа, ўзгариш ўзини куттириб қўймайди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Подполковник Ярослав КОРУКА
олган суратлар.

УСТОЗ – ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ

Лайли зотидан эрсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Ҳассос шоира Зебунисонинг ушбу сатрлари муҳтарама устоз, ўқувчилари идеалидаги инсон Мавлуда опа Аҳтамова ҳақида ёзилгандек, гўё.

Ургут тумани 46-мактабда фаолият кўрсатаётган тиниб-тинчимас, серғайрат, яратувчанлик ва ижодкорлик каби қобилиятлари билан бирга меҳрибонлик, одамийлик, бировга ёрдам беришга доим тайёр туришдек инсоний хислатларни ўзида мужассам этган бу аёл ҳар доим ўқувчилари эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб келади.

– Ўқувчилик кезларимда мен адабиёт дарсларини интиқлик билан кутар, бу сеҳрли оламнинг қаҳрамонига айланишни истардим. Адабиёт дарслари мен учун одоб ва ҳаё, назокат ва латофат, оқилалик ва малоҳат сабоқлари эди, – Мавлуда опанинг собиқ ўқувчиси, СамДУ ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабаси Нафисахон Назарова тўлқинланиб гап бошлади. – Гоҳида ўз муҳаббатидан уялиб, юзларини гуллар пардаси ила тўсган Лайли, гоҳида:

Менга на ёру, на ошиқ ҳавасдур
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур,..

– деб турган доно ва оқила Ширин, гоҳида қалби ифтихорга тўла жасур ва матонатли Раъно, гоҳида шоҳ қизи бўлмоқдан кўра фақирликни ихтиёр этган соҳир ва зукко Зебунисо, гоҳида дилдор ва нозиктаъб шоира Нодирабегимга ўхшашга орзумандлик туйғулари гирдобида қолиб кетардим. Биз толиби илмлар дарсдан-дарсга қандай қилиб Низомий панжасига панжа уриб, қалам билан бутун дунёни эгаллаган султон Алишер Навоий мулкидан қалам ва шоҳлик қиличини баробар кўтарган Мирзо Бобур мулкига ўтиб қолганимизни, Бобур ва унинг авлодлари яратган боғу бўстонларда сайр қилиб юрганимизни сезмай қолардик. Кўз ўнгимизда илоҳий муҳаббат тимсолига айланган Тожмаҳал пайдо бўлар, унинг деворларига битилган илоҳий оятлар бутун борлиғимизни сеҳрлаб қўярди, гўё. Бунга сабаб адабиёт ўқитувчиси Мавлуда опанинг ўтиладиган ҳар бир мавзуни онги, руҳи, қалби билан ҳис қилиши ва худди шу тарзда биз талабаларига ҳам сингдира олишидадир. Муаллимамизнинг моҳирона ўтган дарслари натижаси ўлароқ, мен ва кўпгина бошқа шогирдлари она тили ва адабиёт фанига меҳр қўйдик ва ушбу фан сирларини мукаммал ўрганишга интиляпмиз.

Дарҳақиқат, Мавлуда опа таълим-тарбия бераётган ҳар бир ўқувчи кўнглида мана шундай кечинма мавжуд.

Улуғ бир донишмандан «Дўстинг ким?» деб сўрашганда, донишманд шундай жавоб қилган экан: «Энг яқин дўстим бу – азиз устоз-муаллимимдир».

Зотан, бу жудаям ҳаққоний хулосадир. Чунки меҳрибон она ҳам ўз фарзанди кўнглига қараб, айрим ҳолларда ўзлари сезмаган ҳолда уларнинг тарбиясига бироз бўлсада, путур етказиб қўйишлари мумкин. Ўта меҳрибонлик ҳам баъзан яхши натижа бермай қолади. Устоз-муаллимлар эса доим тарозу палласини бирдек тутадилар. Керак пайтда ўқувчи кўнглига қараса, ўз ўрнида қаттиққўллик билан уларнинг пуч ҳою ҳавасларини рўёбга чиқариш учун қилаётган нотўғри ҳаракатларини тез илғаб, уларни бу йўлдан қайтариб оладилар.

Дарвоқе, ажойиб инсон, ўқувчилар кўнглига яхшилик ва эзгулик уруғларини сочган, юракларда адабиёт фанига ҳавас ва муҳаббат уйғотган азиз муаллима – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, олий тоифали адабиёт ўқитувчиси Мавлуда Аҳтамова сингари ўз касбининг фидойилари юртимизда кўплаб топилади. Уларнинг фаолияти давомидаги ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Раимқул СУЯРОВ.

МОЯ НЕДЕЛЯ



Евгений ОСТАПЕНКО, пианист:

– С чувством глубокого удовлетворения отмечу я джазовый концерт Биг-Бэнда имени Батыра Закирова. Это был необычный вечер в том плане, что выступавшие не отыгрывали заранее срежиссированную и отработанную программу, а импровизировали прямо на сцене. Данная особенность сделала концерт вдвойне интригующим, поскольку тем джаз и славен, что он дает широкое поле для фантазии и мыслей самого исполнителя. Собственно ради этого и живет любой музыкант – выразить себя через музыку, но в джазе в импровизации – вся «соль». Спасибо выступавшим на вечере за их мастерство и за бесподобную музыку души.

Николай РАТИЛОВ, студент ТашГУ:

– Сюрпризом стала для меня новость о получении нашим режиссером Гран-при на Международном фестивале азиатских фильмов во Франции. Триумфатором стал Юсуф Разыков и его лента «Девичий пастух». Лично я фильм не видел, но отзывы о нем моих знакомых были самые лестные, потому что фильм серьезный, проблемный. В нем снялись не «зазвездившиеся» раскручиваемые певцы, а действительно хорошие актеры. Побольше бы таких фильмов и поменьше слезливых мелодрам – и «Оскар» и Канны будут у наших ног.

Сергей ИСТОМИН, студент ТУИТ:

– Без разговоров, главным событием минувших дней была и есть зимняя Олимпиада-2006 в Турине. Очень хотелось бы самому там побывать, увидеть все соревнования своими глазами. Думаю, вся республика обрадовалась присутствию наших четырех спортсменов в Италии, хотя в идеале неплохо было бы иметь сборную в 20–30 человек.

Юрий КУДРЯВЦЕВ:

– Мне очень запомнился Фестиваль альтернативной музыки, длившийся три дня. Удивительно было узнавать о существовании такого огромного числа команд, о которых я никогда раньше и не слышал. Эстраду заполонила попса, а другим направлениям не дают развернуться, а ведь талантов там масса. Молодые, жизнерадостные исполнители, сами пишущие себе тексты и музыку и желающие поделиться плодами своего творчества, – разве не их просит публика?! Разве не устали мы от сладкоголосых папиных дочек, не отличающих ноту «ля» от ноты «до» и даже не всегда понимающих того, о чем они сами поют?

Елизавета ЖЕЛЕЗНОВА, студентка УзГУМЯ:

– Лучший день не недели, а всей моей жизни – День святого Валентина. Это, наверное, самый чудесный праздник в году, потому что – это день любви, а любовь правит миром. Для меня день всех влюбленных важен еще и потому, что мой парень признался мне в этот день в любви три года назад и с тех пор мы вместе, почти никогда надолго не расстаемся. Пусть кто-то назовет это сентиментальностью, наивностью, но я искренне верю в магию 14 февраля.

Ведущий рубрики
Роман
РОМАНОВСКИЙ.

БИР КЎНГИЛДА ИККИ СЕВГИ...

Ҳар куни дарслар тугаши билан интернет кафелардан бирига кираману, ўзимга керакли бўлган маълумотларни оламан. Агар вақтим бўлса, «чат»га кириб, янги танишлар орттираман, эски дўстларимга хатлар йўллайман. Хат ёзиша-ёзиша танишиб қолган Райҳон исмли қизнинг номалари мени ўзига ром қилиб қўйди. Энди унинг сўзларига алоҳида эътибор бера бошладим. У номаларини шундай ёзардики, қизнинг фикридан ақллилигини англаш қийин эмасди. Шундан бошлаб бошқалар билан ёзишмаларни тўхтатиб, фақат унга жавоб йўллай бошладим. Маълум қилишича, у уйида доимо ўз шахсий компьютерида ишлар экан. Ҳозир мен билан мулоқотни ҳам айнан ўша жойдан амалга ошираётган экан. Тўғриси, унга ҳавасим келди. Одобли, ўқимишли ва боз устига бадавлат экан, дея ўйладим, ўзимча.

Шу орада курсимизга янги талаба қиз келди. Дўстларимнинг айтишича, оиласи билан Бухородан кўчиб келишган бўлиб, ўқишини ҳам бизнинг университетимизга кўчиришибди. Кўринишидан оғир ва вазмин бўлган қизнинг билимлилигини ҳам бир қарашда англаш қийин эмасди. Бундан ташқари, унинг гўзаллиги ҳам ҳар қандай йигитни беэътибор қолдирмайди. У дастлабки кун янги курсдошлари билан бирма-бир танишиб чиқди-ю, бошқа гапга қўшилмай ўз юмушларига «шўнғиб» кетди. Ҳеч ҳам вилоятдан келганга ўхшамайди. Кейинчалик маълум бўлишича, Европада ҳам ўқиб келган экан. Бу кўҳликкина қиз кундан-кунга кўнглимни ўзига асир қилаётганди. Аммо интернет орқали танишган Райҳон ўзининг ёқимли гап-сўзлари билан мени аллақачон маҳлиё айлаганди. Тавба, қай бирини севаман ўзи? Буни ўзим ҳам аниқ айта олмайман. Курсдошим билан танҳо гаплашишни қанчалик



орзу қилсам, Райҳонни кўришни шунчалик истайман. Минг афсуслар бўлсинким, ўзига бино қўйган курсдошим мен билан гаплашиш тугул, ҳатто, қайрилиб қарагиси ҳам келмайди. Ҳойнаҳой, кўнглида бошқаси бўлса керак. Аммо Райҳонни учрашувга таклиф қилсам бўлади. Тинимсиз таклифлардан сўнг уни учрашувга кўндирдим. Эртаси куни дарсдан чиқишим билан тайин қилинган учрашув жойига ошиқдим. Очиғи, эртароқ боришга ҳаракат қилаётгандим. Йўлда бораяпману, ишқилиб Райҳон чиройли қиз бўлсин-да, дейди дилим тинимсиз. Учрашув жойига борсам, ўша ерга яқинроқ ўриндиқда яқинда келган гўзал курсдошим ўтирибди. Уялганимдан нима қилишни билмай, у билан ҳам гаплашмадим. Райҳонни роса бир соат кутдим. Ундан ҳануз дарак йўқ эди. Мағрур курсдошим ҳам кимнидир кутди шекилли, ярим соат ўтириб кетиб қолди. Сувга тушган мушукдек шумшайиб, уйга қайтиб кетдим. Эртасига Райҳон билан ёзишмаларим шундай бўлди:

– Кеча сизни роса кутдим, келмадингиз, – дея мулоқотни бошладим.

– Алдаб нима қиласиз? Мен сизни кутганман.

– Бир курсдошимни ўша ерда кўриб, роса қизардим-да.

– Мен ҳам сизнинг аҳволингиздан кам бўлмадим...

Унинг бу жавобини ўқиб, қувончдан ўзимни қўярга жой топа олмасдим. Юрагим тарс ёрилай дейди. Икки қизга талпинаётган юрагим аслида бир қизни деяётган экан. Ҳа, қалб ҳеч қачон алдамайди. Ахир, шуни айтишса керак, қалбингга қулоқ тут, у сенга йўл кўрсатади, деб.

Жамолининг сўзларини
Агнеш ҚУРБОНОВ оққа кўчирди.



Ойданда гўзалдир, кунданда гўзал...

«СЧАСТЛИВЫЙ БИЛЕТ»

Огромный павильон Выставочного комплекса «Узкургазмасавдо» застыл в ожидании открытия долгожданного Фестиваля альтернативной музыки «Создавая легенды». Звучат ритмичные биты, на огромном экране, установленном на сцене, транслируются небольшие ролики, знакомящие гостей с участниками концерта. До начала остаются считанные минуты. Вот уже завершена вступительная часть, и ведущий приглашает на сцену команду, которой предстоит открыть первый день фестиваля. Затихшая на мгновение публика взрывается аплодисментами. «Riffa»... Именно этой молодой столичной команде суждено было стать главными героями прошедшего вечера, по окончании которого и состоялся этот разговор.

– Как проходило становление группы?

– Первоначально мы исполняли и записывали песни только для себя. Но однажды, по чистой случайности, наш диск попал на студию «Байрам» в руки нынешнему продюсеру Санжару Азизову. Ему понравилось наше творчество, и вскоре мы были приглашены на студию. Так началось наше сотрудничество, которое длится вот уже год.

– Что означает название вашего коллектива?

– Само по себе оно очень символично и дано не случайно. На сленге «riffa» обозначает рифму, а в переводе с испанского это слово звучит как «счастливый билет». Нас можно сравнить с людьми, выигравшими в лотерею. Воплощается в жизнь то, о чем мы мечтали долгое время. Мы занимаемся любимым делом, вкладываем в него всю свою душу и на концертах получаем стопроцентную отдачу от тех, для кого мы это делаем. Нет ничего прекрасней, чем чувствовать, как волнение сменяется уверенностью, как энергия зрителей наполняет нас изнутри – все это придает нам сил для того, чтобы работать дальше, чувствовать себя востребованными, а значит, по-настоящему счастливыми.

– Поделитесь своими впечатлениями о прошедшем фестивале.

– Мы очень волновались, когда узнали, что будем выступать первыми. Но, как оказалось, это было только к лучшему. Зал встретил нас очень бурно, мы даже не ожидали такого... Невозможно передать словами то, что мы пережили в те минуты... Восторг, страх, волнение – все смешалось, но публика своими аплодисментами помогла нам справиться с эмоциями и выступить как нельзя лучше. На фестивале мы исполнили свои лучшие песни. Это «Наступление», «Деньги», которую мы записали совсем недавно.

– А кто пишет для вас тексты и музыку?

– Тексты мы пишем сами. Сначала выбираем тему для будущей композиции, затем каждый из нас рифмует свои идеи, мысли, излагает их на бумаге, а уж после полученные «истории» объединяются в одну. Так в одной песне сливаются пять разных мнений, голосов, говорящих об одном – о том, что волнует, задевает за живое и не может остаться без ответа. В написании музыки нам помогают профессиональные аранжировщики Камол Рахимов и Анвар Файзуллаев, за что им огромное спасибо.

– Ваши планы на будущее.

– Их не очень много. В первую очередь, это запись еще нескольких песен для нашего дебютного альбома, выход которого намечен на сентябрь этого года. Также мы планируем снять клип. Ну и, конечно же, будем продолжать работать над своим стилем речитатива, экспериментировать в плане написания музыки, чтобы избежать однообразия.

Как видим, группа «Riffa» не стоит на месте. Развиваясь день ото дня, парни все выше поднимают свое знамя под сводом современной музыкальной культуры.

Виктория
АБДУРАХИМОВА.

КОМУ И ЗАЧЕМ НУЖЕН ПУШКИН?

Под таким заголовком в одном из российских журналов вышла статья, где автор высказал предположение, что, возможно, великий гений XIX века не актуален для сегодняшней молодежи.

Как отклик на эту статью инициативная студенческая группа провела опрос среди представителей филологических факультетов, школьников, а также людей старше 30 лет. Опрос включал в себя такие вопросы, как: «Актуален ли Пушкин сегодня?», «Какую роль играют произведения Пушкина в вашей жизни?», «Влияют ли произведения Пушкина на современного читателя?» и т.д. Результаты оказались весьма интересными.

Например, 95 процентов студентов факультета журналистики считают творчество Пушкина актуальным и по сей день – его знают, любят, ценят, читают и перечитывают. 5 процентов заявили, что Пушкин устарел, его произведения не актуальны.

Студенты славянской филологии воспринимают Пушкина как поэта, писателя, постоянно читают пушкинскую лирику и прозу. Однако на вопрос: «Основоположником какого направления в литературе является Пушкин?» – лишь 80 процентов знают правильный ответ, а оставшиеся 20 приписывали гению открытие классицизма и даже постмодернизма...

Люди старшего поколения любят и помнят пушкинские произведения. Но не перечитывают их ввиду отсутствия времени. Считают его актуальным, но отзываются о Пушкине так, как их учили в школе: «Пушкин – гений», «Пушкин – классик, а классика не умирает».

Школьникам же Пушкин неинтересен, скучен и непонятен. А жаль...

Такой неинтерес к творчеству Пушкина учителя-литературоведы объясняют тем, что в школьную программу Пушкин «вписан» не вовремя, то есть не в то время, когда ребенок способен понять его.

Российские литературоведы и пушкиноведы думают над вопросом: «Стоит ли «упрощать» Пушкина, чтоб он стал понятен и интересен более широкому кругу читателей?»

На мой взгляд, упрощенный Пушкин уже перестанет быть тем великим классиком литературы, каким он является сейчас. А тех, кто не интересуется Пушкиным, не заставишь интересоваться им никакими путями.

Честно говоря, не понимаю людей, которые в свои 15–20 лет смеют заявлять: «Да ну, Пушкин...»

Руфина БОГОУТДИНОВА.

БОЛЬШЕ, ЧЕМ СПОРТ – ЛУЧШЕ, ЧЕМ ОТДЫХ

Сейчас очень модны экстремальные виды спорта, которые помогают проверить себя на выносливость, гибкость тела и мысли. Ведь нужно уметь вовремя сориентироваться и избежать опасных моментов. Один из таких видов спорта – пейнтбол.

История пейнтбола исчисляется всего двадцатью годами. На сегодняшний день он особенно развит в странах Западной Европы. По статистике, в него ежегодно играют там более 5 миллионов человек, что свидетельствует о его популярности. Кстати, по оценкам страховых компаний, пейнтбол менее опасен, чем большой теннис, всеми любимый футбол или даже гольф. А в некоторых частных школах России его используют в качестве спортивной подготовки. Проводятся и ежегодные международные соревнования, как, например, Кубок мира в США, чемпионат мира во Франции и крупные турниры в Англии и Германии... К нам же эта популярная забава пришла гораздо позже, а потому о выходе на мировую арену говорить пока не приходится, зато есть шанс вдоволь насладиться всеми прелестями игры. Согласно правилам, участники в пейнтболе делятся на две команды, цель каждой из них – вывести из игры как можно больше соперников. Они перебегают от укрытия к укрытию, а в руках у них пневматические маркеры, наполненные желатиновыми капсулами с краской. У каждой команды свой цвет.

Не стоит путать пейнтбол с имитацией войны – это командный вид экстремального спорта. Здесь даже запрещена красная краска, чтобы не вызвать ненужных ассоциаций. Преимущества пейнтбола перед другими видами спорта в том, что участвовать в игре могут все – независимо от возраста и физической формы, главное, чтобы человеку можно было заниматься физкультурой, а море удовольствия и веселья вам обеспечено. И если не считать случайных ушибов, травмы здесь практически исключены. И тем не менее на игроке обязательно должна быть форма, которая защищает не только одежду от краски, но и тело игрока. Кроме того, на поле присутствует судья, который следит за техникой безопасности и контролирует процесс игры. Ведь здесь, как и в любом другом виде спорта, есть свои правила и законы. В частности, категорически запрещается снимать защитную маску или выходить за пределы площадки. За подобные нарушения игрок удаляется с поля. Стоит отметить еще одно преимущество пейнтбола – он сплачивает коллектив и отлично подходит для корпоративного отдыха. Многие ребята предпочитают пейнтбол компьютерным монстрам из популярных «стрелялок». Они с удовольствием погружаются в атмосферу экстрима, которая царит на поле, ведь недаром говорят, что пейнтбол – это больше, чем спорт и лучше, чем отдых...

Ольга КИРЬЯКОВА.



Заметки публициста

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ НАШЕЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

Прошло некоторое время после выступления Президента страны Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2005 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ в 2006 году, но и сегодня материалы этого заседания продолжают оставаться в центре внимания отечественных и зарубежных средств массовой информации. И это не случайно, потому что в них – наглядный пример стабильного экономического роста, все возрастающий экономический потенциал независимости, реальное укрепление наших позиций в мировом сообществе. В них – торжество самостоятельного, самобытного курса Узбекистана на основе своей «узбекской модели» развития.

«Говоря об итогах, – подчеркнул Президент, – **с удовлетворением хотел бы отметить, что практически по всем макроэкономическим показателям достигнуты прогнозные параметры, а по многим из них обеспечено значительное их превышение».** Темпы роста ВВП составили 7 процентов, уровень инфляции – 7,8 процента. Промышленное производство возросло на 7,3 процента, выпуск потребительских товаров – на 17,7 процента, а сельскохозяйственное производство выросло на 6,2 процента. Государственный бюджет исполнен с профицитом в 0,1 к ВВП против ожидаемого дефицита в 1 процент.

Это основные, характеризующие нашу экономику, показатели. Они говорят о стабильно высоких темпах развития экономики, ее сбалансированности, пропорциональном развитии всех отраслей и сфер в интересах человека и о ее кардинальных качественных изменениях на основных направлениях. Каковы эти направления?

Первое – это последовательное, систематическое структурное обновление экономики.

Сегодня можно смело говорить о том, что оно уже дает свои положительные результаты. За годы независимости в стране появились новые отрасли. Например, автомобильная промышленность или телекоммуникационная связь, новые гиганты современной индустрии, среди которых «Зарявшан–Ньюмонт», Асакинский автомобильный завод, Бухарский нефтеперерабатывающий завод, «СамКочавто», Кунградский содовый, десятки предприятий легкой и пищевой промышленности и многие другие новые и модернизированные предприятия и объекты. Сегодня именно они определяют лицо индустрии Узбекистана.

Ввод в строй новых предприятий оказал влияние на возрастание объема экспорта, доля готовой продукции в котором превысила 50 процентов. Это позволило получить самое высокое положительное сальдо внешнеторгового баланса, который в 2005 году составил более 1,3 миллиарда долларов США. В результате этого возросли в 1,3 раза золотовалютные запасы страны.

Второе – это расширение и углубление процессов либерализации экономики. Особое внимание уделялось сокращению налогового бремени, либерализации и унификации бюджетно-налоговой политики, упрощению порядка налогообложения. В частности, ставка налога на доходы (прибыль) юридических лиц в 2005 году снизилась с 18 до 15 процентов. Сокращены ставки единого социального платежа до 31 процента, изменена система налогообложения физических лиц, сократилась ставка налога на имущество до 3,5 процента.

Либерализовалась и бюджетно-банковская система. Большим шагом здесь явилась отмена ограничений и строгое соблюдение банками требований по беспрепятственной выдаче наличных денег и усилению контроля за полнотой и своевременностью сдачи наличной денежной выручки.

Третье – это кардинальный поворот в сторону расширения частного сектора. Только в 2005 году было выкуплено в частную собственность 902 объекта. А всего за период с 2000 по 2005 год в частную собственность перешло 4660 предприятий и объектов. Сегодня на долю негосударственного сектора приходится около 76 процентов ВВП, 78 процентов промышленной продукции и практически вся продукция сельского хозяйства и розничный товарооборот.

Четвертое. 2005 год явился годом резкого сокращения вмешательства государственных и контролирующих органов в финансово-хозяйственную деятельность предприятий. Активизировалась деятельность хозяйственных судов, причем большинство рассматриваемых дел решается в пользу предпринимателей. Огромное значение в деле углубления рыночных реформ и механизмов имеет административная реформа, которая уже привела к сокращению управленческого аппарата и расходов на его содержание.

Президент страны подчеркнул: **«Говоря о качественных изменениях в экономике, реальном продвижении по пути рыночных реформ, хочу еще и еще раз заметить, что реформы мы проводим не ради реформ. Важно иметь в виду, что дают эти реформы, как они отражаются на социальном положении людей».**

В этом смысле 2005 год явился важным этапом на пути демократического обновления общества, углубления рыночных реформ, роста благосостояния народа.

В центре внимания руководства страны и всего нашего народа в 2006 году должно быть обеспечение устойчивых высоких темпов роста экономики, стабильных и сбалансированных макроэкономических показателей. Решению этой общенациональной задачи будут служить четко сформулированные главой государства приоритеты.

Первый. Дальнейшее углубление бюджетных и налоговых реформ, упрощение и унификация системы налогообложения и сокращение налогового бремени.

Второй. Дальнейшее углубление и расширение масштабов структурных реформ и модернизация экономики. Создание необходимых условий для привлечения иностранных инвестиций.

Третий. Масштабное расширение сектора частной собственности, укрепление гарантий и формирование благоприятной среды для бизнеса.

Четвертый. Обеспечение занятости, как важнейшее условие повышения доходов и уровня жизни населения.

Пятый – это всемерное стимулирование экспорта и обеспечение экономии валютных ресурсов, их рациональное и эффективное использование.

Шестой приоритет, которому мы должны уделить особое внимание, – это вопросы углубления реформы в жилищно-коммунальном хозяйстве.

Седьмой – это реализация мер по обеспечению жесткой экономии энергоресурсов, в первую очередь, в энергоемких отраслях – химической, цветной металлургии, в электроэнергетике и других.

Доклад главы нашего государства с огромным интересом воспринят как в ближнем, так и дальнем зарубежье. Кстати, достаточно объективными были комментарии информационных агентств Великобритании, Германии, Франции, Италии, Бельгии, Австрии и ряда других стран. Абсолютное большинство этих комментариев – как информационных агентств, так и исследовательских центров, руководителей департаментов, компаний, экспертов, политологов, правдиво-оптимистичны. В них – восхищение экономической политикой Президента Ислама Каримова, его последовательной борьбой за реализацию намеченного, его структурной политикой и набирающими темпами роста экономики.

Как заметил Антонио Локе, генеральный секретарь Института Азии и стран Средиземноморья при МИД Италии: «Президент Ислам Каримов все более решительно укрепляет политические и экономические отношения как с азиатскими гигантами, так и с Европой, которая благодаря древней цивилизации и культуре всегда смотрела на Узбекистан с учетом возможности геоэкономического обмена и диалога между двумя древними очагами цивилизации, а также циклов и течений экономического роста за прошедшие века». Что ж, верно, мы всегда выступали и выступаем за развитие взаимовыгодных отношений со всеми заинтересованными странами, тем более со странами древней цивилизации, с которыми нас связывают исторические узы дружбы и взаимопонимание. Что касается цели нашей устремленности вперед, то о ней точно сказал в заключение доклада Президент Ислам Каримов: **«Целью всех вышеуказанных важнейших направлений и приоритетов является формирование динамично и устойчиво развивающейся экономики, стабильного и процветающего общества, достижение достойного уровня жизни населения, когда живущие на благодатной земле Узбекистана люди уверенно смотрели бы в свое будущее».**

А. КУРГАНОВ.



БЕРУНИЙНИНГ АҚЛ МАШЪАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Беруний Ернинг шарсимон шаклда эканлигини тасдиқлаш билан кифояланмай, уни тўлароқ тасаввур қилиш учун 995 йили (22 ёшида) жаҳонда биринчи глобусни яратди. Ундан шаҳарнинг географик координатлари ва масофаларини аниқлашда фойдаланди. Беруний ғарбий ярим шарларда Америка қитъасининг мавжудлиги ҳақида фикр юритиб, бундай деб ёзади: «Эҳтимол, Ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка диаметриал қарама-қарши бўлган қуруқлик бордур, худди шунингдек сув остида кўмилиб қолган бошқа чорагининг ҳам бир-бирига диаметриал қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади». Америка қитъасининг узунлигини топишда қўлланган усули айниқса, диққатга сазовор. Тўғри, Берунийга қадар ҳам кўпчилик олимлар томонидан, шу жумладан, Бағдод академиясининг асосчилари ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийлар ҳам ўлчашган. Берунийгача Ер айланаси узунлигини ўлчам усуллари маданий халқларнинг деярли ҳаммаси ҳам, асосан, аввал Ер айланасининг бир градусли ёйи узунлигини аниқлаб, сўнгра уни 360 га кўпайтириб ҳисоблашга асосланган. Бунинг учун бир географик кенгламадаги иккита шаҳарнинг фаолликлари ўлчаниб, ҳар иккала шаҳарнинг кўзгалмас деб танланган юлдузчага (кўпинча қутб юлдузи – Чўлпон) нисбатан бурчаклар айирмаси орқали аниқлаб келинган. Бу масалада ҳам Беруний ўзига хос бўлган оригинал усулни яратди ва шу усулдан фойдаланди. Бу усул бизга маълум бўлган адабиётларда фақат Берунийда учрайди. Берунийнинг ўлчам натижаларини ҳозирги маълумотлар билан таққослайдиган бўлсак, фарқи атиги 31,5 км бўлади. Бир градуслик Ер ёйининг узунлигидан фарқи эса, атиги 252 метрни ташкил этади. Берунийнинг осмон жисмларининг ҳаракати, Ернинг ҳаракати каби яна кўпгина ишлари ҳам дунё олимларини ҳайратга солиб келмоқда. Маълумки, ҳатто машҳур поляк астрономи, Европада биринчи бўлиб, Қуёш маркази таълимотини кашф қилиб бериши билан Европа фанида инқилобий бурилиш ясаган буюк Николай Коперник (1473-1543) ҳам осмон жисмларининг ҳаракатини айланма ҳаракат деб ҳисоблаган эди. Хўш, Беруний-чи?

Берунийнинг илмий қараши, осмон жисмларининг ҳаракати эллипс шаклида бўлади, деб айтишга асос бўлди. Жаҳоннинг энг йирик шарқшунос олимларидан М.А.Салье Берунийнинг бу буюк кашфиётини шарҳлаб бундай дейди: «Беруний кашф этган яна бир ғоя бор, у биринчилардан бўлиб, осмон жисмлари ҳаракатининг траекторияси эллипс шаклига эга эканлигини айтган. Бу масала Берунийнинг Ибн Сино билан қилган баҳсида кўтарилган, Берунийнинг бу фарази, шубҳасиз, жуда муҳим аҳамиятга эга. У кейинчалик Кеплер (1571-1630) томонидан қилинган буюк кашфиётга дебоча бўлди. Кеплер осмон жисмлари эллипс шаклидаги орбиталар бўйлаб ҳаракат қилишини, у ҳаракатлар фокусларидан бирида Қуёш ётишини илмий жиҳатдан исботлаб берди». Беруний ҳақиқатан ҳам XVII асрнинг энг буюк кашфиётларидан ҳисобланган сайёраларнинг Қуёш атрофидаги ҳаракат траекторияларининг эллипс эканлигини ўзининг ўткир ақлу заковати ва кузатишларидан келиб чиқиб башорат қила билди. Ғарбнинг машҳур олимларидан Захау ва Разенлая Берунийнинг «Ҳиндистон» асарига баҳо бериб, «Қадимги ва ўрта асрлар фани тарихида на Шарқда ва на Ғарбда унга («Ҳиндистон») тенг келадиган ёдгорлик йўқ» – деб ёзган эдилар. Сартон эса XI асрнинг биринчи ярмини «Беруний асри» – деб баҳолаган эди.

XII-XIII асрларнинг буюк даҳолари орасида алоҳида кўзга ташланиб турувчи хоразмлик мутафаккир Маҳмуд бин Муҳаммад бин Умар ал Чағминий эди.

Манбаларда ҳар тарафлама етук бўлган соҳиби илм Умар Чағминий XII асрнинг иккинчи ярмида Хоразмнинг Чағмин (Жағмин) деган қишлоғида таваллуд топиб, 1221 йилда вафот этгани қайд қилинади.

Чағминийнинг «Мулохас фи хайат ал-басита» номли астрономияга оид китобида Хоразмда туғилиб, шу ерда илм олгани, кейин Самарқанд мадрасаларида ўқиб, билимини янада кенгайтиргани ҳикоя қилинади. Қомусий илм соҳиби Чағминий асарларининг кўп қисми бизга етиб келмаган, етиб келганларининг ҳам ўзбекча ёки рус тилидаги таржималарининг йўқлиги унинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Маълумки, Коперникнинг челмоцентрик – (қуёш маркази) таълимоти жаҳон фани тарихида инқилобий кашфиёт деб баҳоланади. Умар Чағминий эса юқоридаги асарида Коперникдан неча асрлар муқаддам «Ернинг атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади» – деб ёзади. Бундан ташқари тўрт фасл ва уларнинг ойлари ҳақида ҳам жуда кенг фикрлар юритади. Чағминийнинг бу кашфиёти қуёш маркази таълимотининг ўзига хос баёнидир. Чағминий кўп масалаларда ўзининг кузатишлари буюк ватандоши Абу Райҳон Берунийнинг кузатишлари билан бир хил эканлигини эслатиб ўтади. Маълумки, Коперник Берунийдан 500 йил кейин ҳам сайёраларнинг Қуёш атрофидаги ҳаракатини айлана шаклида деб қарайди. Беруний эса сайёралар Қуёш атрофида айланадилар, деган сўзни тамомила айлана шаклида деб тушунмаслик керак, улар (сайёралар) бир марта айланиб, келишида қуёшга икки марта яқинлашиб, икки марта узоқлашади, деганди. Сайёраларнинг Қуёш атрофидаги ҳаракати эллипс шаклида эканлигини эса Коперникдан кейин атоқли немис олими Иоганн Кеплер буюк кашфиётларида тамомила исботлади. Умар Чағминий эса Қуёшнинг ҳаракати ва Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати фасллар алмашинувининг дастлабки сабаби эканлиги ҳақидаги фикрларини очиқдан-очиқ айтадики, бу – фанимиз тарихида тенги йўқ ажойиб кашфиёт эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Умар Чағминий сайёраларнинг ҳаракати хусусида фикр юритиб: «Ер, Қуёш, Ой ҳаммаси ҳаракатда бўлиб, буларнинг ҳаракат йўллари (орбиталари) бошқа-бошқадир, шу сабабли уларнинг ҳаракати бир-бирига халал бермайди» – дейди. Коперникнинг Ернинг қуёш атрофидаги ҳаракати ҳақидаги фикрлари XVI-XVII асрларда шов-шувларга сабаб бўлган. У ҳолда буюк ватандошларимизнинг X-XI асрлардаёқ бу борада Коперникка нисбатан ҳам кенгроқ ва асослироқ фикр юритишганини нечоғлик муҳим эканлигини тушуниш қийин эмас.

Халқимизнинг маънавий бойлиги, иймон ва эътиқодимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги ҳам илмдандир. Ёшларни илм ўрганишга кўпроқ даъват қилайлик. Биз ушбу кичик бир мақолада буюк аждодларимиз томонидан бизларга мерос қилиб қолдирилган илм уммонидан кичик бир лавҳаларнигина келтирдик, холос.

Тошпўлат УСМОНОВ, Гофуржон ШОДИЕВ.

ДУХОВНАЯ ОСНОВА ВОЕННОГО УСПЕХА

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

Шестой аспект. Постоянный **учет национального фактора.** Мы великая нация, у нас великая история и великие предки. Нам есть чем гордиться. Мир, стабильность, межнациональное, гражданское и межконфессиональное согласие – наше великое завоевание.

В наших Вооруженных Силах накоплен уже немалый опыт организации и проведения воспитательной работы. Но и резервы для ее дальнейшего улучшения тоже немалые – тут и вопросы психолого-педагогического образования военных кадров, и усиление роли руководящего состава в проведении воспитательной работы, и подготовка руководителей групп общественно-политической подготовки, и усиление внимания к содержанию и форме того или иного воспитательного мероприятия, и охват индивидуальной работы всех военнослужащих, особенно находящихся в отрыве от подразделений, и многое другое.

Наши приоритеты таковы.

Первый приоритет. Это формирование у наших воинов патриотизма, любви и преданности Родине. **В основу этой работы положить труды Президента И.А.Каримова, законы нашего государства, богатейшую отечественную историю, заветы и традиции великих предков и достижения нашей страны за годы независимости.**

Второй приоритет. Это формирование у военнослужащих высоких морально-психологических и боевых качеств, необходимых в бою. Надо исходить из того очевидного факта, что **в мире и регионе возникли принципиально новые реалии, структура международных отношений стала, как никогда, необычайно подвижной.**

Третий приоритет. Это аргументированная пропаганда внешнеполитического курса Узбекистана и его военной политики, успехов военной реформы и необходимости ее дальнейшего углубления в интересах общества и государства.

Четвертый приоритет. Предметом постоянной заботы командиров, органов воспитательной работы должна быть **общественно-политическая подготовка личного состава.** Она – один из важнейших видов подготовки всех категорий военнослужащих, где у воинов формируются такие важнейшие морально-психологические качества, как патриотизм, убежденность в правоте нашего дела, сопричастность к делам и заботам страны, активная жизненная позиция.

Этому должны служить постоянное обновление программ общественно-политической подготовки и продуманная качественная методическая подготовка руководителей групп ОПП. Общественно-политическая подготовка должна стать интересной, глубокой по содержанию, чтобы она была востребована военнослужащим, отвечала его духовным и нравственным потребностям.

Пятый приоритет. Постоянное внимание к совершенствованию духовно-нравственного воспитания. Самое пристальное внимание духовности уделяет руководство нашей страны. Юбилеи Улугбека, Амира Темура, аль-Фаргони, аль-Бухари, Джалолиддина Мангуберди, достана «Алпомыш» и другие внесли в нашу жизнь огромное духовное богатство, обогатили нас идейно, нравственно. Для воинов-узбекистанцев неоценимое значение имели юбилеи Сахибкирана Амира Темура и бесстрашного патриота Родины Джалолиддина Мангуберди. Они вооружили бессмертными военными заветами, боевыми традициями, помогли глубже понять нашу богатейшую историю и лучше осознать настоящее.

Шестой приоритет. Постоянное и неослабное внимание к вопросам укрепления воинской дисциплины. Кардинальное решение этого вопроса всецело зависит от командиров, штабов, органов воспитательной работы. Наши отдельные недостатки в этом вопросе во многом объясняются нехваткой профессионализма, компетентности. **Сама жизнь требует, чтобы мы значительно актуализировали и активизировали индивидуальную работу со всеми категориями военнослужащих.**

Анфим ХЛЫЗОВ.

МУНОСИБ ВОРИСЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Ёшларни юртга муҳаббатли, маънавиятли, юксак ахлоқли қилиб тарбиялашда бошларидан кўплаб яхши ва ёмон кунларни ўтказган уруш ва меҳнат фахрийларини ўз атрофига жипслаштирган «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши, унинг бўлим ва бўлинмаларининг ўз ўрни бор. Жамғарма фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан жойларда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилятти.

Бу борада айниқса Бухоро вилоятида ўтказилаётган тадбирлар ибратли бўлмоқда. Шу йилнинг бошидаёқ «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, олий ва ўрта махсус таълим ва халқ таълими вазирлиги вилоят бошқармалари, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маънавият ва маърифат маркази», «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ҳамда чақириққача бўлган ёшлар ўртасида ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш бўйича йиллик иш режаси ишлаб чиқишди.

– Бухоро шаҳридаги «Хотира» музейи ҳамда «Арк» давлат музей қўриқхонасига 100 дан ортиқ чақирилувчилар экскурсияси ташкил этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси «Дўстлик» ордени соҳиби Жунаид Олимов, Қосим Турсунов, Шариф Азимов, Даврон Қурбонов ва бошқа фахрийлар билан учрашувлар ташкил этилди. Халқ қаҳрамонлари Тўмарис, Маҳмуд Торобий ҳамда буюк саркардаларимиз Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур жасоратини мадҳ этувчи бадиий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда, бу тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда, – дейди жамғарма вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. – Ҳадемай баҳорги чақирув ҳам бошланади. «Нуроний» жамғармаси бошқа жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда фарзандларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали жўнатиш тадбирларини ўтказиш режаларини ишлаб чиққан. Таъкидлаш жоизки, бундайин тадбирларда уруш қатнашчилари билан биргаликда ота-оналар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Мартия Раҳматова, Муяссар Темирова, Ҳазрат Облоқулов, Азим Латипов, тажрибали фермер сенатор Ёқуб Фаттоевлар иштирок этишаятти.

Вилоятда ота-оналарнинг фарзандлари хизмат қилаётган қисмларга бориб, дийдорлашувлари анъанага айланган. Бу йил ҳам вилоят ҳокимининг қарорига асосан ҳарбий қисмларга бўладиган ташрифлар жадвали ва режаси ишлаб чиқилди. Бу мақсадлар учун маблағ ҳам ажратилади. Бундайин эзгу саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда.

Муборак МИРКАМОЛОВА.

ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ МАҚТОВИ, КЎРКИ



Оддий аскар Амат ЮЛДОШЕВ.



Оддий аскар Фарҳод НУРИДДИНОВ.



Оддий аскар Байрам ЮЛДОШЕВ.



Оддий аскар Бобур ЮСУПОВ.



Оддий аскар Фаррух ОБРЎЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, ҳарбийлик бизга ота мерос.

Бугунги ҳур Ўзбекистонимизнинг ўғлонлари алпомиш келбат, полвон, пухта билим эгаси. Бир йигитта қирқ ҳунар кам деганларидек, кўплаб ҳунар соҳиби улар.

Ўн саккиз ёшга кирган озод юртимизнинг барча йигитлари Ватан олдидаги ўз бурчини ўташга, аскар бўлишга тайёр. Чунки томирларида буюк аждодларимизнинг қони оқиб турибди.

Биз ўз олдимизга ҳар томонлама шаклланган профессионал, шу билан бирга ихчам армияни барпо этишни мақсад қилиб қўйганлигимиз, бу борада ислоҳотларни самарали амалга ошираётганлигимиз натижасида устига ҳарбий либос киймоқчи бўлганлар жуда кўп, айтиш мумкин, беш-олти баробар кўп. Ана шу талабгорлар орасидан фақат энг сараларигина танлаб олинмоқда. Бундан аскар бўлаётганлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам беҳад хурсанд.

Келинг, яқиндан, аскарларимизнинг бу борадаги сўзларига қулоқ тутайлик.

Мен яқинда таҳририят топшириғига кўра, Жанубий-ғарбий махсус округда бўлиб, муддатли ҳарбий хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари билан суҳбатда бўлдим.

Оддий аскар Амат ЮЛДОШЕВ, Хоразм вилояти Гурлан туманидан:

– Отам ички ишлар соҳасида хизмат қилади. Онам ҳамшира. Отам осойишталик посбони бўлса, онам саломатлик посбони. Шундай инсонларнинг фарзанди бўлганимдан бахтиёрман. Яна битта томони, мен Жалолиддин Мангубердидек мард, жасур ўғлони бор юрт фарзандиман. Шу маънода, барча синов, танловлардан муваффақиятли ўтиб аскар бўлганимдан бошим осмонда.

Хизматга келганимдан сўнг юриш-туриш, хатти-ҳаракатларимда жуда катта ўзгариш бўлди. Биринчи навбатда жисмоний жиҳатдан янада чиниқяпман. Йигит киши ҳамиша ялқовлик, дангасалик иллатларидан нари юриши керак экан. Ана шунда унинг қўлидан кўп ишлар келар экан. Иккинчидан, вақт жуда қимматли бойлигимизни тушуниб етдим, билиб олдим. Ҳар он, ҳар дақиқадан унумли фойдаланилса, уни қилишга улгурмадим, буни қилишга улгурмадим деган пушаймонлик ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Оддий Аскар Фарҳод НУРИДДИНОВ, Наманган вилояти Уйчи туманидан:

– Аскарлик ҳаётимнинг ўн ойи ортда қолди. Ўн ой мен учун ҳам, сафдошларим учун ҳам жуда қизиқарли, мазмунли ўтди. Биз аъло хизмат қилишимиз учун аъло шарт-шароитлар яратилган. Тоза ва шинам ётоқхона, миллий таомлар тайёрланадиган ошхона, турли спорт жиҳозларига бой спорт майдончаси, адабиётларга бой кутубхона бизнинг хизматимизда. Устозларимиз – офицерлар ҳам, сержантлар ҳам хушмуомала, ширин сўз.

Шундай бўлгач, илғор бўлишга ҳаракат қилмаслик уят, ахир.

Оддий аскар Байрам ЮЛДОШЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидан:

– Тенгдошларимизнинг аскар бўлган бизларга ҳаваси келаётганлиги қувончли, ёқимли, албатта. Синфдошларим билан тез-тез хат ёзишиб турибман. Улар менинг аскар бўлганлигимдан фахрланиб юришибди.

Ота-она, дўстларим ҳузурига ёруғ юз билан қайтишим учун яхши, нафақат яхши, аъло хизмат қилиб қайтишим зарур.

Муддатли хизматни тамомлагач, олий ўқув юртига кириб ўқиш ниятим бор. Тавсияномани қўлга киритсам, кўнглимдаги иш бўларди-да. Бунинг учун қўлимдан келган барча саъй-ҳаракатларни қиляпман. Ҳозир сафдошларим билан қишки ўқув мавсуми машғулотларида фаол иштирок этяпман.

Олдингдан бир гапни гўрурланиб айтишим мумкин, фаолиятим давомида қадди-қоматим анча кўркамлашди, хатти-ҳаракатларим ўзгарди. Энг муҳими, дунёқарашим кенгайди.

Буларнинг барчасини армия берган, бераётган сабоқ деб биламан.

Оддий аскар Бобур ЮСУПОВ, Сирдарё вилояти Сардоба туманидан:

– Хизматга келиб ота-она қадри баланд эканлиги, Ватан муқаддас, ягона эканлигини янада теран англаб етдим.

Дунёда мамлакатлар кўп, лекин Ўзбекистон битта. Биз ана шу юртнинг фарзандларимиз. Ватанни ҳимоя қилиш ҳамиша йигитларнинг бурчи ҳисобланган.

Сен ўзингсан, энг сўнгги нонинг
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан,
фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим,
жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Оддий аскар Фаррух ОБРЎЕВ, Тошкент шаҳри Сирғали туманидан:

– Аскарлик фаолиятим давомида республикамизнинг турли бурчакларидан хизматга келган йигитлар билан танишиб, дўстлашдим. Бизнинг бу дўстлигимиз бир умр давом этади энди.

Улар шундай йигитларки, вужудидан куч ёғилиб турибди. Тоғни талқон қилишга қодир.

Ўзингиз айтинг, шундай ўғлонлари бор юртга ким раҳна солиши мумкин?!

Биз Ватанимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қила оламиз. Халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётига ҳеч ким путур етказа олмайди.

Армияда шундай руҳда тарбияланяпмиз, камол топяпмиз.

Дарҳақиқат, шундай. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида нафақат жисмонан, интеллектуал жиҳатдан ҳам салоҳиятли, буюк аждодларимизга муносиб етук Ватан ҳимоячилари мустақиллигимиз, халқимизнинг эзгу ишлари ҳимоясида собит туришибди. Бу барчамизда ғурур, ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Подполковник А. БАЙРАМОВ.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Соҳибжамоллар саҳифасининг бу галги меҳмони – шартнома бўйича хизмат оддий аскари Зебинисо Валихонова.

У айни пайтда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқув бўлими техник оператори вазифасида хизмат қиляпти.

Зебинисонинг кўпгина қариндошлари шарафли ва масъулиятли ҳарбийлик касби этагини тутишгани унда ҳам шу соҳага ҳавас уйғотгандй. Шу тариқа тиббиёт билим юртини тугатган ёш шижоатли қиз жанговар хизматни танлади.

Детектив асарларни мутолаа қилишга, мусиқа ва саёҳатга қизиқиши кучли бўлган Зебинисо пазандалик бобида ҳам чакана эмас. Айниқса, хамирли таомлардан сомса, манти кабиларни пиширса борми, еган одам дармонда деяверинг.

Унинг бирдан-бир эзгу мақсади – эл-юрт учун фидокорона хизмат қилиш.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Украинские болельщики намерены войти в Книгу рекордов Гиннесса, изготовив и развернув на матчах своей команды во время финального турнира ЧМ-2006 самую большую в мире цельную футболку. Ее окончательный размер станет известен 30 апреля, когда завершится SMS-голосование. Каждое сообщение прибавляет к начальной площади, равной полутора тысячам квадратных метров, сто квадратных сантиметров.

● В столице Малайзии Куала-Лумпуре состоялось открытие самой большой религиозной скульптуры. Высота покрытой золотой краской статуи, олицетворяющей индуистского бога Муругана, составляет 42,7 м. Скульптуру установили у подножия самого знаменитого индуистского храма Малайзии в районе Бату-Кейвз (Batu Caves). На ее изготовление ушли 1 тыс. 550 куб. м бетона, 250 т стальных балок и более 300 л золотой краски, специально привезенной из соседнего Таиланда. Над созданием скульптуры в течение 3 лет работали 15 индийских скульпторов, а также 15 местных художников и архитекторов. Стоимость статуи составила более $530 тыс. Предполагается, что скульптура будет занесена в Книгу рекордов Гиннесса.

ҚЎШИҚЛАРДА, ВАТАН, МАДҲИ



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад ЮСУФнинг ушбу шеъри аллақачон қўшиқ бўлиб, эфирда янграмоқда. Ватанимиз посбонларига бағишланган бу қўшиқни ҳар бир ҳарбий ёдлаб олиб, дилдан куйласа арзийди.

ПОСБОНЛАР

Сизда ором қайда,
Сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..

Сизни учратаман тоғда, далада,
Хизматда ҳамиша, қорда, жалада.
Сизга сабот берсин, Сизга куч берсин,
Буюк зотлар руҳи шундай паллада.

Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз,
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.

Ризқи улуғ бўлсин, кўкси улуғ бўлсин,
Хонадонингизу мамлакатингиз.

Йўллар равон бўлсин,
йўллар оқ бўлсин,
Баҳор майсалари кўкчироқ бўлсин.
Бурчга садоқатли эй фидойилар,
Поклигингиз Сизга кўзмунчоқ бўлсин!..

Сизда ором қайда, Сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..

Қуролли Кучлар академиясида

БУЮК МИЛЛАТНИНГ БУЮК ФАРЗАНДЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида дунё маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшган икки буюк мутафаккир – шеърият мулки султони ҳазрат Алишер Навоий ҳамда улуғ жангчи, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига атаб илмий-назарий анжуман ўтказилди. Анжуманда Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходимлари, филология фанлари номзодлари Қодиржон Эргашев ва Робия Ражабовалар иштирок этишди.

Бизнинг туркий заминдек улуғ алломаларга бой яна бир замин оламда йўқдир. Ҳисобсиз улуғларимиз орасида офтоб каби ўлмас ёғдули бир инсон борки, у ҳазрат Алишер Навоий.

Ҳазрат Алишер Навоий доно давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда саховатпеша инсон ҳам эди. Ҳусайн Бойқаро саройидаги расмий ва норасмий равишда амалга оширган эзгу ишлари бугунги кунда ҳам барчамиз учун гўзал ибрат мактаби бўлишга арзийди. Улуғ мутафаккир мадраса толибларига, илм аҳлларига, фақир инсонларга ҳомийлик қилди. Алишер Навоий ҳазратлари ҳар томонлама етук, давлатли бўлганликлари тарихдан маълум. Ана шу давлатмандлик улкан алломанинг ҳамиша ўз ўрнида қилган хайр-саховати туфайли ҳазратни янада юксак мақомга кўтарди. Улуғ шоир ўз ҳисобидан юзлаб шоир, хаттот, зиёлиларга маош тўлаб, яна уларга керакли шароитларни ҳам яратиб берган. Робия Ражабованинг шоир ҳаётидаги ана шундай ибратли воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи сермазмун маърузаси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳазрат Навоий шахси шогирди Хондамирнинг қуйидаги сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган: «...шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳлларининг қибласи, ҳоқон давлатининг таянчи ва ҳазрат султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ валҳақиқат вад-дунё ваддин амир Алишер...»

Бобуршунос олим Қодиржон Эргашевнинг шоҳ ва шоир, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий салоҳиятига бағишланган маърузаси ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади.

12 ёшида тахтга ўтирган темурийзода шоҳ 47 йил умр кўрди. Бу йиллар абадият олдида сониячаликдир. Аммо мазмундорлиги, мафтункорлиги асрлар оша ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Биргина «Бобурнома»си дунё дурдонасига айланган, яна қанчадан қанча латиф ғазаллар, рубоийлар... Бунинг устига у яна ҳақиқий Бобур (Йўлбарс) эди. Буюк жангчининг ҳарбий санъатидан Оврупанинг нуфузли олий даргоҳларида сабоқлар ўтилган.

Руҳий ғалаёнлар, тинимсиз курашлар билан ўтган ҳаётида уч улкан ва тенгсиз муҳораба унинг саркарда сифатида беназир эканлигини кўрсатди. Булар кучлар тенг бўлмаган Қандаҳор жангида қозонилган музаффарият, ўн икки минг аскар билан юз минг кишилик яна жанговар филларга қарши бўлган Понипат жанги, ниҳоят, Ҳиндистон юришида ҳал қилувчи аҳамият касб этган Рану Сангога қарши муҳораба тадбиркор, довюрак, заковатли саркардага ғалаба олиб келди.

Ана шулар каби қатор тарихий манбаларга таянган ҳолда ўқилган маъруза тингловчиларга улуғ аждодларимизнинг шонли ҳаёт зарварақларидан қутилмаган, янги яна бир саҳифани туҳфа эта олди, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар академияси «Маънавият ва маърифат» кафедрасидан фалсафа фанлари номзоди капитан Бобур Неъматовнинг маърузаси ҳам тингланди. Шу билан бирга маънавият ва маърифат хонаси мудираси Шаҳзода Исҳоқова миллатимизнинг икки буюк фарзанди қаламига мансуб шоҳ асарларни ҳамда икки буюк мутафаккир ҳақида миллатимиз ва хорижнинг кўзга кўринган ёзувчилари томонидан битилган китоблар кўргазмасини намойиш қилди. Тингловчилар томонидан ўқилган икки буюк ижодкорнинг шоҳона байтлари ҳам анжуманга алоҳида файз бағишлади.

Анжуман сўнгида Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Александр Қамбаров тадбир меҳмонларининг сермазмун суҳбатлари учун миннатдорчилик билдириб, уларга эсдалик совғалари топширди.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

КЎЗОЙНАКДАГИ КОМПЬЮТЕР

41 ёшли Стив Манн – Торонто (Канада) университети профессори.

Кўчада юрган пайтлари профессорни бошқа йўловчилар орасидан дарров ажратиб олиш мушкул. Ҳолбуки, бошқалар оддийгина қадам ташлаш билан банд пайтида профессор юрган йўлида спорт мусобақалари натижаларини билиш, телевизорда янгиликларни кўриш ва ҳаттоки, иш юзасидан музокаралар юритишни уддалайди.

Ёшлигига қарамасдан, профессор Манн ноутбуклар соҳасида энг етук мутахассислардан саналади. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Манн ҳали оғир ва ўлчамлари ҳам каттагина ноутбукни йиққанди.

Ниҳоят, профессор яқинда яратган мутлақо янги типдаги «WearComps» ва «Eye Taps» ноутбуклари эса оддий кўзойнакка жойлаша олади.

Кўзойнакда суюқ кристаллда ишлайдиган митти экран, видеокамера, микрофонлар ва наушниклар бор. Митти микропроцессор эса кўйлак ёқаси тагига жойлаштирилган. «Сичқонча»ни эса Манн қўлида ушлаб юради.

«WearComps» профессорнинг уйида турган оддий компьютер билан мунтазам алоқада бўлиб туради.

Мини-компьютер маиший ҳаётда жуда катта аҳамиятга эга бўлиши аниқ. Дейлик, уйда ўтирган эр, супермаркетдаги рафиқасига қайси маҳсулотларни танлаш лозимлигини бевосита дўкон пештахталарини кўриб туриб маслаҳат беришини бир тасаввур этинг-а!

Табиийки, бундай мўъжиза-машина Канада ҳарбийлари ва полициясини жуда қизиқтириб қолди.



СТУЛ ИЗ ... СОСИСОК

Чилийский мастер сооружает мебель, которая может спасти хозяина от голода.

Алехандро строит столы, стулья и шкафы из пищевых продуктов и уверяет, что создание такого рода предметов – истинное удовольствие! Решив познакомить общественность со своими произведениями, мастер открыл в Сантьяго персональную выставку, на которой самым большим успехом пользовались стул из сосисок, кресло из рыбьей чешуи, шоколадный сервировочный столик и софа из джема. Публика восхищалась, приглядывалась и принюхивалась. Попыток попробовать экспонаты на зубок не было.



ПОИГРАЕМ В ДНК

Необычной новинкой порадовала маленьких сограждан американская корпорация «Дискавери Комьюникейшнс». К началу нового учебного года она выбросила на рынок необычную игрушку – полный комплект для анализа ДНК, включающий миниатюрную центрифугу, систему электрофореза, специальный «магнитный» миксер, набор реактивов (которые можно выписывать дополнительно) и т.д. С помощью всех этих приспособлений детишки «от 10 лет и выше» могут самостоятельно извлечь ДНК из чего угодно (хоть из моркови) и проанализировать код. Кроме того, авторы проекта предлагают школьникам проделать несколько опытов с ДНК (исходные ингредиенты прилагаются). Комплект уже стал победителем конкурса «Выбор родителей», снискав громадную популярность, в том числе и за счет невысокой цены в 79,95 долларов.



НАШ КОЛЛЕГА НАЗВАН ЛУЧШИМ

Приятная новость пришла из секции фотохудожников Академии художеств Республики Узбекистан – начальник отдела подписки редакции газеты «Ватанпарвар» Тимур КАРИМОВ признан «Лучшим автором месяца» за фотоработы «Закат» и «Сабина».

Вкратце о лауреате. Тимуру 33 года, помимо фото увлекается компьютерами, Интернетом. Художественной фотографией занимается давно, но признания был удостоен впервые. С чем и поздравляем!

А вниманию читателей предлагаем одну из отмеченных фотографий с красивым названием «Сабина».

10 ДНЕЙ ПОД ВОДОЙ

Эксперимент по выживанию человека под водой проходил у берегов острова Понца в Италии. Долгих 10 дней на 8-метровой глубине должны прожить два аквалангиста. Смельчаки должны были продержаться 240 часов на платформе, закрепленной на морском дне. Чтобы им было удобно и комфортно, подводный дом был оборудован ... кроватями, тренажерами, телевизором, столом и стульями.

«НОМАЪЛУМ ДУНЁ» ТОПИЛДИ

Яқинда бир гуруҳ олимлар томонидан амалга оширилган кашфиёт дунё ажойиботларга тўла эканлигини яна бир бор исботлади.

АҚШ, Австралия ва индонезиялик бир гуруҳ олимлар ажойиб янгилик/ҳақида хабар бердилар. Улар Янги Гвинея оролининг Индонезияга қарашли қисми ҳудудида шу вақттача ҳали одам оёғи етиб бормаган «номаълум дунё» топилганлигини маълум қилишди. Ушбу биологик экспедиция Индонезия фанлар академияси ва «Консервэйшн интернэйшнл» халқаро экологик ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилди.

Инсон қадами тегмаган водий ҳудуди уч минг гектардан ошиқ тропик ўрмонни ташкил этади. Ушбу «номаълум дунё» Фоджа тоғ тизмасининг ички водийсида жойлашган. Ишониш қийин, аммо факт: бизнинг деярли тўлиқ ўрганиб чиқилган сайёрамизда табиатнинг инсонга номаълум бокира ҳудудлари ҳалигача сақланиб турган экан. Мутахассислар гуруҳига ҳамроҳ бўлиб борган икки нафар маҳаллий йўл кўрсатувчи ҳам водийни, бу ерда яшаётган ажабтовур ҳайвонларни кўриб олимлардан ҳам кўпроқ лол бўлиб қолишган, чунки улар ҳам аввал бу ерларга ҳеч келмаган эканлар.

Олимлар томонидан «жаннат боғи» деб номланган ушбу водийнинг чангалзорларида экспедиция аъзолари ер юзида аллақачонлар йўқ бўлиб кетган, деб ҳисобланувчи дарахтларда яшовчи пакана (карлик) кенгуруларни учратишган. Бундан ташқари, улар бу ерда берлепша деб номланувчи жаннат қушининг тирик авлодларини кўришган. Ушбу зотдаги қушлардан биринг қолдиқлари немис орнитолог олими Отто Кляйншмидт томонидан 1897 йилда топилган эди. Ёввойи табиатнинг қўл тегмаган ушбу бурчагида мутахассислар ҳозирча капалакларнинг тўртта, қурбақаларнинг 20 дан ортиқ янги турлари ва пальма дарахтининг 5 та номаълум хилини кашф этишди. «Труд» газетасида орнитолог Невилл Кемп томонидан бу ерда топилган олтин патли қуш сурати намойиш этилаётган фото-лавҳа берилган. Бундан ташқари, олимлар асал билан озиқланувчи ғаройиб қушни ҳам кузатишган.

«Жаннат боғи»га уюштирилган экспедиция раҳбарларидан бири Брюс Билернинг ҳикоя қилишича, бу ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли-туманлиги лойиҳа аъзоларини лол қолдирган. Водийда флора ва фаунанинг сайёрамизнинг бошқа бурчакларида деярли қирилиб кетган вакиллари билан бир қаторда, фанга номаълум турлари ҳам топилган. Олимларни бу ерда яшовчи жонзотларнинг одамдан умуман қўрқмаслиги ҳам ҳайрон қолдирган. Улар ҳатто баъзи ҳайвонларни ўз лагерларига олиб келишган.

«Номаълум дунё» чакалакзорларида бир ой давомида иш олиб борган олимлар бу ажойиб экотизимни фақат юзаки ўрганиб чиқишга улгурдилар, холос. Бу чангалзорлар яна қандай жумбоқларни яшираётганлигини тасаввур ҳам қилиш қийин.

Бу йил олимлар бу ердаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини атрофлича ўрганиш ва кейинчалик турлар таснифига киритиш учун уларнинг рўйхатини тузиш мақсадида яна бир экспедиция уюштиришни кўзда тутмоқдалар. Индонезия ҳукумати эса ушбу жаннатмакон ҳудудни ҳар парсага қизиқувчи сайёҳлар ва бойликка ўч браконьерлардан сақлаш учун ўз муҳофазасига олишни режалаштирмоқда.

Русчадан М.САЙДИВАЛИЕВ таржимаси.



ДИҚҚАТ, КАШФИЁТ!

Маънавият сабоқлари

КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ БУЮКЛАР ИЖОДИ

«Навоийни ўрганамиз – камолотга интиламиз» номли адабий кечани Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А.Исмоилов очиб бераркан, ўзбек адабиётининг асосчиси, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган тадбирни улар билан ҳамкорликда нишонлаш учун Самарқанд Давлат университети ўқитувчилари ва талабаларидан иборат меҳмонлар ташриф буюрганини айтиб ўтди.

Самарқанд давлат университети ўқитувчиларидан фалсафа фанлари номзоди Э.Мусулмонов буюк аллома ва мутафаккирнинг Ватанга садоқат, ахлоқ-одоб, миллий маънавий меросимизга қўшган ўлмас асарлари, намунали ҳаёти тўғрисида тўлқинланиб гапириб ўтди. Шунингдек, улуғ шоирнинг эзгу ишлари, саховатпешалиги ва яна бир қатор гўзал инсоний фазилатлари ҳақида кутубхона мудираси И.Юсупованинг ҳам маърузаси катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Шоирнинг асарлари ҳарбий хизматчилар томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилаётганлиги бўлғуси офицерлар – курсантлар – Д.Муҳаммаджонов, С.Дадахоновлар ўқиб берган ғазаллар намуналаридан ҳам кўриниб турибди. Ғазалхонликни Самарқанд давлат университети талабалари ҳам маромига етказиб давом эттирдилар.

Тадбирга Самарқанд давлат университети «Маънавият ва маърифат» бўлими ходими Ш.Мустафаев бошчилигидаги «Гулдаста» гуруҳи солистлари – Б.Болтаев, С.Расулов, Ж.Назаров ва Гўзалхон Муродуллаеванинг хонишлари алоҳида шукуҳ бағишлади.

Ана шундай кечаларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳарбий хизматчиларни Ватанга, миллий маданиятимизга садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ғазалхонлик, гўзал куй-қўшиқлар, бетакрор «Хамса» достонларидан ибратли саҳна кўринишлари йиғилганлар қалбига олам-олам завқ бағишлаган қизиқарли тадбирни билим юрти клуб мудири капитан Т.Матмусаев олиб борди.

Майор Қ.БОТИРОВ,
СОҲАҚМБЮ тарбиявий ишлар бўлими офицери.

Советуют специалисты

ЯЗВЕННАЯ БОЛЕЗНЬ: ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКА



По современному определению ВОЗ, язвенная болезнь – общее хроническое рецидивирующее заболевание, склонное к прогрессированию, с циклическим течением. Оно характеризуется сезонными обострениями, сопровождающимися возникновением язвенного дефекта в слизистой оболочке желудка или двенадцатиперстной кишки, и развитием осложнений, угрожающих жизни больного.

По статистическим данным различных стран, язвенной болезнью страдают в течение жизни от 5 до 10 процентов населения. У женщин язвенная болезнь встречается реже, чем у мужчин. Городское население страдает чаще, чем сельское. В последние 80 лет рост заболеваемости язвенной болезнью связывают с негативными последствиями урбанизации: эмоциональное напряжение, изменение ритма жизни, вредные воздействия шума, загрязнение воздуха и развитие тканевой гипоксии, изменения характера питания и нерегулярные приемы пищи.

В последние годы рост заболеваемости язвенной болезнью объясняется также лучшей выявляемостью благодаря внедрению новых методов диагностики, в частности при помощи волоконных эндоскопов. Чаще язвенная болезнь выявляется в период между 25–40 годами, хотя может быть и в юношеском возрасте, а также в возрасте после 50 лет. Смертность от язвенной болезни колеблется в разных странах от 6 до 7,1 на 100 тысяч человек при язве желудка, от 0,2 до 9,7 – при язве двенадцатиперстной кишки.

Высокая заболеваемость, частые рецидивы, длительная нетрудоспособность больных и, как следствие, значительные экономические потери – все это позволяет отнести проблему язвенной болезни к числу наиболее актуальных в современной медицине. Все вышеуказанное относится и к Вооруженным Силам, являющимся неотъемлемой частью государства, нуждающимся в здоровом и боеспособном контингенте всех категорий военнослужащих.

На основании имеющихся в настоящее время данных, определены основные и предрасполагающие факторы заболевания, к которым относятся: инвазия организма Helicobacter pylori (инфекционный агент, играющий основную роль в язвообразовании); нарушения гуморальных и нейрогормональных механизмов, регулирующих пищеварение и воспроизведение тканей организма; расстройства местных механизмов пищеварения; изменения структуры слизистой оболочки желудка и двенадцатиперстной кишки; наследственно-конституциональный фактор; условия внешней среды; нервно-психические факторы; нарушения режима, регулярности, качества и полноценности питания; вредные привычки; лекарственные воздействия.

Нарушение ритма питания, преобладание в пищевом рационе легкоусвояемых углеводов, избыточное потребление трудно и долго переваривающейся пищи вызывают гиперсекрецию соляной кислоты и со временем, при наличии основных факторов, язвообразование. Отрицательно влияют на слизистую оболочку желудка также алкоголь, никотин, крепкий кофе и чай. Известно, что ряд лекарственных средств может вызвать эрозивно-язвенные поражения верхних отделов пищеварительного аппарата в виде симптоматических язв, язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки. К ним относятся: нестероидные противовоспалительные средства (ацетилсалициловая кислота, индометацин, фенилбутазон), глюкокортикоиды, некоторые антибиотики.

Несмотря на множество предрасполагающих факторов, в развитии язвенной болезни основным и главенствующим, по современным представлениям, является инфицирование организма Helicobacter pylori, воздействие которой на слизистую оболочку желудка и двенадцатиперстной кишки является главным пусковым механизмом развития язвенной болезни (Маастрихтский консенсус 2 – 2000, Рим, 21 – 22 сентября 2000 г.).

Актуальность проблемы язвенной болезни заключается в прогрессировании процесса и развитии грозных осложнений: желудочно-кишечное кровотечение, перфорация (прободение) язвы, стеноирование выходного отдела желудка и луковицы двенадцатиперстной кишки. Лечение данных осложнений, как правило, сопряжено со значительными трудностями в их купировании, применении массы различных лекарственных препаратов, компонентов крови и кровезаменителей, а также оперативными вмешательствами, приводящими в конечном итоге к инвалидности больного. Лечение данной категории больных, как правило, сопровождается длительной нетрудоспособностью. Запущенные случаи осложнений язвенной болезни могут приводить к летальным исходам.

Одной из актуальных задач современной гастроэнтерологии является профилактика язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки. В свете современных воззрений в настоящее время главнейшим является предотвращение распространения Helicobacter pylori среди различных контингентов населения, в том числе среди военнослужащих. В связи с этим имеется необходимость твердого соблюдения правил личной и общественной гигиены, включающей в себя использование индивидуальных гигиенических средств, постельного белья и посуды, современное проведение дезинфекции и обработки вышеуказанных принадлежностей после их использования.

Второй по значимости задачей является предотвращение стрессовых ситуаций, вызывающих нарушение нейрогумоаральной регуляции процесса пищеварения. Контроль за качеством, полноценностью и регулярностью питания также является важнейшей задачей в предотвращении развития язвенной болезни. Соблюдение режима труда и отдыха играет большую роль в профилактике язвообразования. Не последнюю роль включает в себя борьба с вредными привычками (курение, алкоголь). Применительно к Вооруженным Силам, основными профилактическими мероприятиями в развитии язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки являются: контроль за соблюдением военнослужащими санитарно-гигиенических норм в использовании индивидуальных средств личной гигиены; постельного и нательного белья, посуды; профилактика стрессовых ситуаций, особенно в период адаптации молодого пополнения частей; неукоснительное соблюдение распорядка дня, особенно занятий по физической подготовке, режима труда и отдыха; контроль за качеством, полноценностью и регулярностью питания; своевременное выявление лиц, страдающих заболеваниями желудочно-кишечного тракта (гастродуодениты, язвенная болезнь, холециститы, панкреатиты), являющимися носителями Helicobacter pylori, и направление их в лечебные учреждения для проведения санационных мероприятий (эридикация Helicobacter pylori).

Особенный контроль необходим за пополнением Вооруженных Сил как рядовыми срочной службы, так и военнослужащими по контракту с обязательным проведением качественной эзофагогастродуоденоскопии с целью выявления больных язвенной болезнью желудка и двенадцатиперстной кишки и недопущению их призыва в ряды Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Важной задачей для командования и медицинской службы частей является контроль и своевременная диспансеризация лиц офицерского состава и военнослужащих по контракту, переболевших язвенной болезнью, современное выявление случаев обострений болезни и направление их на стационарное лечение, а также неукоснительное выполнение решений военно-врачебных комиссий лечебных учреждений Министерства обороны Республики Узбекистан, содержание уволенных из рядов Вооруженных Сил военнослужащих срочной службы в медпунктах частей до их отправки по месту жительства.

Полковник медицинской службы Адхам КАДИРОВ, главный терапевт Министерства обороны, полковник медицинской службы Валерий ИСАНОВ, главный гастроэнтеролог Министерства обороны.

«Мардлар – эл мададкори» танловига

ПОЙТАХТ ХАЛОСКОРЛАРИ 050

Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уни турли офатлардан муҳофаза қилиш ҳукуматимизнинг доимо диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Президентимизнинг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилгани бу йўлда муҳим қадам бўлди.

Фармоннинг 4-бандига мувофиқ, 1996 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади. 1998 йилда йирик шаҳарларда бўлгани каби республикамиз пойтахти – Тошкент шаҳрида ҳам «Қутқарув хизмати»ни ташкил этиш устида астойдил ҳаракат қилина бошлади. Ниҳоят, 1999 йилнинг апрель ойида «Қутқарув хизмати»ни тузиш ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори чиқди. «Қутқарув хизмати»нинг иш тартиби 24 соат бўлиб, кечаю кундуз навбатчилик жорий этилди.

Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар хавф туғдирганда ёки рўй берганда Ички ишлар бош бошқармаси, тез тиббий ёрдам ва шаҳар ҳокимлиги авария-қутқарув навбатчи хизматлари ўртасида бевосита алоқани кечаю кундуз, узлуксиз таъминлаш ташкил қилинди. Энг муҳими, бирор хавф тўғилганда аҳолига биринчи навбатда зудлик билан зарур ёрдам кўрсатиш, керак пайтда қўшимча кучларни жалб этиш, эвакуация (кўчириш) ишларини олиб бориш, шунингдек, шаҳар ташқарисидан келиб, зарар етказиши мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш ҳам бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

«Қутқарув хизмати» халоскорларини тез-тез чиниқтириб бориш, шу тариқа улар таркибини сифат жиҳатдан яхшилаб, барча синовларга тайёрлаш, шунингдек, асбоб-ускуналардан фойдаланиш усулларини чаққонлик билан ўзлаштириш ва тажриба ошириш мақсадида штаб-қўмондонлик ва махсус тактик ўқув машқлари, мусобақалар ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, ҳар қандай ҳолларда шай туриш ва ҳушёрликни таъминлашдан иборат.

Маълумки, Тошкент шаҳри сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани, пойтахт ҳудудидан кўплаб катта-кичик каналлар оқиб ўтиши табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Қолаверса, Тошкент шаҳри ҳудудида кўплаб ўта муҳим, тоифалаштирилган, кимёвий ва ёнғин-портлаш хавфи бор объектлар жойлашган. Турли русумдаги транспорт воситалари сони кўпайиб бораётганлиги сабабли шаҳар йўлларидаги транспорт қатнови, йўловчи ва юкларни ташиш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда. Ер ости ва устидан иссиқ-совуқ сув қувурлари, телефон, иссиқлик, газ, электр таъминоти ҳамда канализация коммуникациялари тизими ўтган. Тошкент шаҳрида кўплаб хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолият кўрсатмоқда, бинолар, турар жойларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Юқорида санаб ўтилган ва бошқа тизимларнинг кундалик фаолияти давомида ҳар хил турдаги техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш эҳтимоли йўқ эмас.

Кўпчилик инсонлар фавқулодда вазият деганда табиий ва техноген тусдаги офатлар натижасида келиб чиқадиган ҳодисаларни тушунишади. Лекин бундан ташқари, каттакичик авариялар, йўл-транспорт ҳодисалари, иш жойларидаги асбоб-ускуналарнинг носозлиги ва техника хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб бермаслиги туфайли содир бўладиган, инсон саломатлигига шикаст етказувчи ҳар қандай кичик ҳодисалар ҳам фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Ана шундай қалтис вазиятларда пойтахт аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга шай турган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 050 – «Қутқарув хизмати» саъй-ҳаракати туфайли куну тун давомида бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, аҳолига беминнат ёрдам кўрсатилмоқда.

Бунга мисол қилиб бир талай ҳодисаларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, ўтган йили Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг навбатчи-диспетчерлик хизматига Травматология илмий-текшириш институти травматология бўлими навбатчи шифокори Э.Шукуров томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Оҳакчи кўчаси 42-уй 65-хонадонда истиқомат қилувчи, 2003 йилда туғилган Муслима Мирсандованинг ўнг қўли бармоқлари электр гўшт қиймалагич ичига кириб қолиши оқибатида қаттиқ жароҳат олгани, уни чиқариб олишнинг иложи бўлмаётгани тўғрисида хабар берилган эди. «Қутқарув хизмати»нинг тезкор гуруҳи масъул ходимлари ва қутқарувчилари (Д.Ҳўжамиёров, Б.Исоқов, О.Умаров) зудлик билан чақирув жойига етиб келишди ҳамда вазиятни тўғри баҳолаб, қизалоққа шикаст етказмаган ҳолда электр гўшт қиймалагични махсус асбоб-ускуналар – электр кесгич ҳамда кенгайтирувчи воситалар ёрдамида жабрланувчининг қўли «темир қафас» ичидан чиқариб олинди.

Ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётган замонавий маиший техника воситалари инсонлар юмушини анча енгиллаштирса-да, бироқ улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ёки лоқайдлигимиз юқоридаги сингари кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Бошқарманинг «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчилари томонидан аҳолидан тушган мурожаатлар ва шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, каналлар ва ариқларнинг қирғоқларини текшириш мақсадида канал ва ариқлар ҳолати доимий равишда ўрганилиб чиқилмоқда.

Дастлабки йилларда аҳоли томонидан қутқарув хизматига йил мобайнида 300 га яқин мурожаатлар тушган бўлса, вақт ўтиши билан аҳолининг «Қутқарув хизмати»нинг беминнат хизматига мурожаатларининг кескин ўсиши, содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатли ҳодисаларнинг олди олинаётганлиги қувонарли ҳолдир. Фикримизнинг далили сифатида 2005 йил мобайнида «050» телефони орқали маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 201874 маротаба мурожаатлар келиб тушганини келтиришимиз мумкин.

Ўтган 10 йил мобайнида Тошкент шаҳрида олиб борилган туну кунлик профилактик ишлар натижасида мамлакатимиз пойтахтида катта масштабли табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларга йўл қўйилмади ва 2004 йилга нисбатан 2005 йилда 72,41%га фавқулодда вазиятлар сони камайган.

Ҳозирги кунда республикамиз пойтахтида ўтказилаётган барча оммавий тадбирларнинг тайёргарлик жараёни ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ишлари бошқарма офицерлари ва «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари ҳамда ходимларининг иштирокисиз ўтмайди. Айтиш мумкин, бу хизматнинг пойтахтимиз фуқаролари ва меҳмонларини хавфсизлигини, осойишталигини таъминлашдаги ҳиссаси катта.

Ҳамза ШОДИЕВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходими.

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

«КОВАРНЫЕ» ПОМОЩНИКИ



В настоящее время почти в каждом доме присутствует значительное количество средств парфюмерии и бытовой химии. Они, будучи помощниками нам в жизни, между тем могут стать причиной больших бед.

Лосьоны, шампуни, мыло, кремы, пудра, отбеливатели, стиральные порошки, средства для мойки окон, полировки мебели, чистки обуви и т.п. – все это находится, как правило, в красивой упаковке и не может не привлечь внимание ребенка. Именно поэтому взрослые должны подойти со всей серьезностью к хранению этих средств в своем доме.

К сожалению, во многих домах, в том числе и тех, где есть маленькие дети, как парфюмерия, так и средства бытовой химии лежат где придется. Открытый доступ только разжигает неуемное детское любопытство. Ребенку, оказавшемуся рядом с заманчивой баночкой или бутылкой, зачастую сложно удержаться от соблазна посмотреть – что там внутри? Он отвинчивает пробку, поднимает бутылку и, пытаясь заглянуть внутрь, выливает на себя содержимое. Результат может быть плачевным – химический ожог лица и глаз, слизистых оболочек полости рта.

Дети могут попытаться попробовать «на вкус» сладко пахнущие кремы, мази, пудру. К сожалению, «пробуют» и средства бытовой химии.

Едкие и пахучие вещества (мыло, шампунь, духи, туалетная вода, одеколон), попав на руки ребенка, могут оказаться опасными для глаз, если он нечаянно проведет по лицу рукой.

Особого внимания требуют к себе и аэрозольные баллоны. Их нельзя давать в руки детям, даже если баллон уже пуст, нельзя хранить их возле газовых и электрических плит, батарей и других источников тепла; нельзя работать с ними при включенных газовых горелках; при работе с аэрозольными баллонами нельзя курить и нельзя пытаться вскрыть даже использованный баллон.

Вывод: чтобы не пришлось лихорадочно вспоминать приемы первой медицинской помощи при отравлениях и ожогах, проще организовать безопасное для детей хранение этих необходимых, но весьма коварных «спутников» нашей жизни.

Юрий МИХАЙЛОВ, подполковник в отставке.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ



«Экосан» халқаро ташкилотида анъанавий экология ва саломатлик кунларининг биринчи босқичини амалга ошириш юзасидан қатор вазирликлар раҳбарлари, республикамизда фаолият юритаётган элчихоналар, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида фаоллар йиғилиши ўтказилди.

1994 йилдан буён «Экосан» халқаро ташкилотининг ташаббуси билан республикамизда уч босқичдан иборат анъанавий экология ва саломатлик кунлари ўтказиб келинмоқда. Экология ва саломатлик кунлари тадбирларида саноат ва ишлаб чиқариш ташкилотлари, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ўқув муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари иштирок этадилар. Ана шу тадбирлар доирасида 2005 йили катта ишлар амалга оширилди. Оролбўйи минтақаси аҳолиси ва ижтимоий объектлар учун 311 млн. сўм ҳажмидаги инсонпарварлик ёрдамидан иборат 11 та саломатлик поезди жўнатилди. Ижтимоий объектлар ҳамда кам таъминланган оилаларга кўрсатилган мурувват ёрдамларининг жами 346,9 млн. сўмни ташкил этди.

Экология ва саломатлик дастурининг энг муҳим тадбирларидан бири бу меҳнат жамоалари ва аҳолининг оммавий равишда ободонлаштириш ишларида қатнашишларидир. Шу йилнинг 15 февралидан 15 мартгача экологик тадбирлар ойлиги ўтказилади. Ойликдан тушган маблағлар Оролбўйи ва бошқа экологик қийин вазиятни бошдан кечираётган ҳудудлар аҳолиси учун «ЭКОСАН» саломатлик поезд ва автопоездларини ташкиллаштиришга сарфланади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қуйидаги номинацияларда бўйича республика кўрик-танловлари ўтказилади: «Энг яхши оилавий поликлиника», «Энг намунали участка шифокори», «Ўзбекистоннинг энг яхши санитар шифокори», «Юксак санитария-гигиена ва экологик маданиятли шифохона» ва ҳоказо. Бундан ташқари турли ажумаанлар ҳамда чет мамлакатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Қашқадарё вилоятига «ЭКОСАН» миссияси уюштирилади. Қарши шаҳрининг 2700, Маргилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан мақсадли дастурлар, «Ёш экологлар клуби», «Экосан маҳаллада», «Экотуризм ва барқарор ривожланиш», «Экология ва келажагимиз» каби қатор лойиҳалар амалга оширилади.

Мухтасар қилиб айтганда, экология ва саломатлик кунларининг ўтказилиши билан турли юқумли касалликларнинг олди олинмоқда, барқарор санитария ҳолатининг юзага келиши таъминланмоқда. Экологик қийин шароитдаги ҳудудларга салмоқли инсонпарварлик ва тиббий-диагностика ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Орбиту МКС подняли на 3 км

Российский Центр управления полетами (ЦУП) провел одноимпульсную коррекцию орбиты МКС и тем самым увеличил высоту полета станции примерно на три километра. Цель увеличения средней высоты полета МКС – подготовка к приему пилотируемого корабля «Союз ТМА-8», старт которого с экипажем 13-й экспедиции и первым космонавтом Бразилии намечен на 30 марта с космодрома «Байконур», а стыковка с МКС – на 1 апреля. Среднюю высоту орбиты МКС планировалось поднять примерно до 348 км.



Коалиция, но на своих условиях

Бывшее правящее палестинское движение «Фатх» дало принципиальное согласие на вхождение в коалиционное правительство, которое формирует «Хамас». Об этом заявил глава парламентской группы «Фатх» Аззам аль-Ахмад, передает Интерфакс. Однако предварительно стороны должны договориться о программе такого правительства.



10 автомобилей, опередивших время

«Forbes» опубликовал список автомобилей, опередивших свое время. Очень впечатлил новый **флагман S-класса от «Mercedes»**. **«Acura RL»** порадует поклонников hi-tech самой продвинутой системой навигации. **«BMW M5»** оснащен сумасшедшим 500-сильным двигателем. **«Ferrari FXX»** – первый серийный автомобиль с гоночной трансмиссией. **«Ferrari Superamerica»** со стеклянной крышей. У **«Maybach 57 S»** — спортивный нрав представительского автомобиля. Новый **«Cayman S»** сумел поразить двигателем. **«Mercedes-Benz SLK»** выделился особой дизайнерской находкой. **«SSC Ultimate Aero»** — самая быстрая серийная машина в мире. **«Volkswagen Passat»** — экономичная машина.



SMS опасны для здоровья

SMS опасны для здоровья. Частое составление посланий привело к появлению новой болезни запястья и большого пальца. Статистические данные говорят о настоящей зависимости: более 12% населения Великобритании отправляет ежедневно около 20 посланий по мобильному телефону, еще 10% – по 100 SMS в день. По мнению психологов, слишком активное использование SMS и электронной почты делает все более затруднительным ведение обычной беседы.



Гробницу пока не вскроют

Китай решил не вскрывать пока гробницу первого императора Поднебесной Цинь Шихуанди (259 – 210 гг. до н.э.), в которой, согласно старинным преданиям, могут находиться несметные сокровища. Об этом сообщила газета «Чайна дейли», ссылающаяся на мнение авторитетных ученых, сообщает ИТАР – ТАСС. Огромный погребальный курган расположен недалеко от города Сиань (в древности – Чанъань), на северо-западе Китая.



Не носите галстуки из-за микробов

Британские медики обратили взор на очередной рассадник болезнетворных бактерий. На этот раз под прицел попал обыкновенный мужской галстук, который был признан вредным для здоровья. На половине из 42 исследованных галстуков было обнаружено огромное количество бактерий. Чтобы избежать передачи микробов, Ассоциация британских медиков диктует строгие правила: никаких галстуков, чистейшие манжеты рубашек, короткие ногти, запрет на ювелирные украшения на руках и запястьях.



Кого обслуживают быстрее

Чтобы сотрудники магазинов одежды наилучшим образом обслужили покупателя, покупатель должен быть красиво одет, установили исследователи из Университета штата Огайо. Продавцы демонстрировали максимум дружелюбия и, в некоторых случаях, рекордную быстроту обслуживания, когда к ним обращались хорошо одетые дамы.



Кот, который весит 15 кг

В Китае в провинции Шаньдун в одной из семей живет кот, весящий 15 кг, при этом обхват его талии составляет почти 80 см. Жирному коту девять лет и, несмотря на размеры, у него, по словам хозяина, хорошее здоровье. Проблема только в том, что он не может самостоятельно передвигаться. По квартире он перекатывается, да и то с помощью хозяев.

(По страницам Интернета).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Офицер – в кругу семьи

СЕМЬ «Я» МАЙОРА СИДДИКОВА



Офицера-воспитателя майора Улашбая Сиддикова можно с полным правом считать счастливым человеком. Занят он любимым делом по воспитанию будущих военных профессионалов. А когда возвращается домой со службы, его радостно встречают супруга и пятеро детей. Вот и получается, что собственное «я», сливаясь с «я» самых близких ему людей, рождает монолитную общность – семью, которая дает силы и вдохновение.

История любви Улашбая и Дильбар достойна отдельного рассказа о ней. В кишлаке Кунгирот Иштыханского района Самаркандской области в те годы школа была лишь восьмилетней. Поэтому Дильбар доучивалась в соседнем кишлаке Чигатай, где жил Улашбай. Три девушки – Дильбар, Мухаббат и Матлюба, долго не могли понять, в кого же из них влюблен молчаливый парень, который ежедневно провожал их домой после уроков. И тогда кавалер решился рассеять их догадки, передав свое письмо с признанием через Мухаббат. У девушки при виде письма чаще забилось сердце от радости, но затем последовал вздох разочарования. Послание было адресовано не ей, а Дильбар. Два года встречались местные Ромео и Джульетта, а два кишлака с нетерпением ждали, когда же парень зашлет сватов. И, наконец, перед выпускным вечером в классе Дильбар, отец Улашбая направился в соседний кишлак.

Знаменитый на весь район бригадир хлопкоробов Шодмон-ака, поначалу отказал свату. Он посоветовал отцу жениха, известному в округе водителю Пирману-ака, чтобы сын сначала отслужил в армии. Однако молодые ждать не захотели, вот и погуляли жители обоих кишлаков на веселой свадьбе, а уже осенью Улашбай отправился на срочную службу. Два года разлуки настолько укрепили чувства влюбленных, что Дильбар даже не возражала желанию мужа поступать на очное отделение Бухарского университета. Дочурка Муножат видела папу только в дни приездов на каникулы.

Вернувшись в родную школу преподавателем начальной допризывной подготовки, Улашбай одновременно тренировал и школьную команду по ручному мячу. Впрочем, у педагога и тренера к тому времени и своя «команда» создалась не меньше – пятый ребенок, Ойбек, появился на свет в 1995 году, когда отца призвали в ряды Вооруженных Сил уже в офицерском чине. Всемером основательно поездили по Узбекистану: папу сначала направили в Андижан, затем через несколько лет перевели в столицу. Открытие в Самарканде Школы подготовки сержантов привело к тому, что опытный офицер-воспитатель из войск противовоздушной обороны получил очередное назначение именно туда. В том, что эта сержантская школа стала недавно лучшей среди родственных заведений Министерства обороны, есть определенная заслуга и преподавателя методики воспитательной работы майора У.Сиддикова.

– Наличие собственной многодетной семьи всегда помогало мне найти нужную интонацию в беседах по душам с солдатами, а позже и с курсантами, – говорит он. – Мне удавалось довести до них мысль, что само подразделение должно быть единой семьей, сплоченной и дружной для решения не только учебно-боевых задач, но и всех возникающих внутри нее проблем. Когда взвод или группа становятся семьей, то здесь уже нет места неуставным отношениям и прочим нарушениям воинской дисциплины.

Больше двадцати лет живут душа в душу Улашбай и Дильбар, для которых 24 августа 1984 года стало самым счастливым днем в их жизни. Не за горами уже серебряная свадьба, а они по-прежнему молоды душой, и в глазах при встрече взглядами вспыхивают ласковые огоньки.

А дети растут и радуют родителей. Муножат уже почти невеста, учится в колледже. Сожида учится в десятом классе, уже имеет профессию швеи. Азизбеку исполняется 15 лет, он мечтает стать офицером. Мадина на два года младше, хочет быть парикмахером и дарить людям красоту. Ойбеку больше нравится профессия милиционера. Родителям не так важен выбор профессии детей, для них главное – чтобы они выросли добрыми, трудолюбивыми и отзывчивыми людьми, чтобы внесли свой весомый вклад в процветание родного Узбекистана.

Не так уж и часто удается собраться всем вместе, служба у главы семейства ответственная, у детей свой жесткий ритм учебы. Зато когда соберутся, то радуются от души, заряжая друг друга доброй силой.

Майор Нурлан АБИРОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР



ТОРТИК С ИНЖИРОМ

На 4 порции: 4 яйца, 350 г сливочного масла, 150 г сахара, 1 яблоко, 125 г муки, 1 чайная ложка разрыхлителя, 50 г рубленого миндаля, 175 мл молока, 1/2 чайной ложки молотой корицы, 1 пакетик ванильного сахара, 4 ягоды инжира.

ПРИГОТОВЛЕНИЕ:

1. Яблоко натереть на терке. 2 желтка растереть с 100 г сливочного масла и 50 г сахара. Добавив яблоко, муку, разрыхлитель, миндаль, молоко и корицу, замесить тесто. Взбить 2 белка и ввести в тесто. Испечь 3 вафли.

2. Для крема взбить 2 яйца, 100 г сахара, ванильный сахар и 250 г сливочного масла.

3. Один инжир нарезать дольками, а остальные – кубиками. На 2 вафли выдавить по 2 кольца крема, распределить кубики инжира. Положить одну на другую. И накрыть третьей вафлей. Украсить кремом и дольками инжира.

Время приготовления: 45 минут.
В одной порции 670 ккал.
Белки – 10 г, жиры – 45 г, углеводы – 57 г.

ПОДУМАЙТЕ О КРАСОТЕ ЛОКТЕЙ

Ну скажите на милость, что делать с этими сухими шелушащимися локтями?! К тому же и цвет кожи на них темнее, чем допустимо в приличном обществе... Придется признать, что вы не уделяете этим участкам должного внимания! Рецепт прост: пилинг (можно солевой, если на локтях нет трещин, а также медовый), ванночки с оливковым или любым растительным маслом и лимонным соком – для отбеливания кожи.



АПЕЛЬСИНОВОЕ МАСЛО

Масло, синтезируемое из плодов апельсинового дерева, широко используется в косметических препаратах. В частности в увлажняющих кремах и лосьонах для разного типа кожи. Если на упаковке не указано, для какой кожи предназначен крем, уточните у продавца.

МАСКА ДЛЯ ЛИЦА ИЗ УКРОПА

Для сухой кожи особенно полезно оливковое масло. Смешайте по одной чайной ложке масла и перемолотых в муку овсяных хлопьев, добавьте столовую ложку свежего укропа. Нанесите на лицо на 15–20 минут, затем смойте и используйте обычный питательный крем.



ВЫБИРАЕМ КОВРОЛИН

Среди ковровых покрытий который год лидирующие позиции занимает ковролин. Удобно, практично, а главное – недорого. Хочешь, купи один метр и положи его у входной двери или у кровати, а хочешь – 30 метров и застели им пол во всей квартире. Ковролин с ворсом в виде больших махровых петель – прочнее и долговечнее своих «собратьев». Так, напольное покрытие с разрезанным ворсом (это еще один вид ковролина) быстрее приходит в негодность. Его кончики разлохмачиваются и от этого выглядят неаккуратно. Всем хорош шерстяной ковролин, но он не подходит аллергикам. Важная деталь ковролина – подложка (обратная сторона). Вспененная и войлочная – не очень хорошие, от влаги портятся и начинают плохо пахнуть. Лучше всего выбирать ковролин на джутовой подложке – она самая надежная. И последнее правило – чем плотнее ворс, тем качественнее ковролин.

ТОНКО И НЕНАВЯЗЧИВО

Чтобы в твоем шкафу приятно пахло, разложите на полочках саше с запахом розы, лаванды, розмарина, а в ящик с нижним бельем поместите пробники хороших духов – их можно вырезать из толстых журналов, – и скоро ткань впитает аромат. Надушенное белье – что может быть изысканнее?

ОИЛАНГИЗ АҲИЛМИ?



Узоқ вақтдан буён оилавий жуфтликлар ўзларининг ҳаёт тарзлари ва ўзаро муносабатлари билан ҳайвонот дунёсининг у ёки бу жонзотига ўхшаб кетадилар.

Агар оилангизнинг қайси ҳайвонот дунёсига ўхшашини билишни хоҳласангиз, мазкур руҳий тестни ечиб, синаб кўринг.

I-блок. Ушбу саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. «Гап келганда отангни ҳам аяма» мақолига амал қиладиганлар сирасига кирасизми?
2. Ўтган кунларингизни эслаганда турмуш ўртоғингизни кўп марта ноўрин хафа қилганлигингизни тан оласизми?
3. Агар бирор бир масалада тортишиб қолсангиз, ўзингиз ҳақ эканлигингизни исбот қилмагунча тўхтамайсизми?
4. Уйингизда катта ит бўлишини хоҳлайсизми?
5. Сиз ўзингизга – ҳаётда ўзининг мустаҳкам фикрларга эга инсон сифатида баҳо берасизми?
6. Агар матбуотда сизни нафратингизни қўзғатадиган мақола босилиб чиқса, сиз ўз норозилигингизни билдириб таҳририятга хат ёзасизми?
7. Сиз учун аёлларни бетгачопарлик қилиб жанжаллашмай, кўз ёши билан масалани ҳал этгани маъқул деб ҳисоблайсизми?
8. Уй ҳайвонлари ичидан сизга энг ёққани сайроқи қушларми?
9. Сиз қизларни энг аввало уятчанлик руҳида тарбиялаш лозим, деб ҳисоблайсизми?
10. Сизга баъзан ўз фикрингиз тўғрилигини исботлаш учун тортишиб кайфиятни бузиб ўтиргандан кўра тинчгина ён берган маъқул бўлиб кўринадими?
11. Баъзи бир тортишув ва жанжаллар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади деб ўйлайсизми?

1,2,3,4,5,6 саволларга «ҳа» деб, 7,8,9,10,11 саволларга «йўқ» деб берган жавоблар учун 2 баллдан ҳисобланг. Агар сиз тўплаган баллар 10 дан ошиқ бўлса, у ҳолда сизга мос келадиган биринчи ҳарф А, агар 10 дан кам бўлса Б.

II-блок. Сизга бир неча ҳолатлар тавсия этилади. Сиз ўзингизнинг табиатингизга мос бўлган йўлни танланг.

1. Ишингизда кўнгилсизликлар юз берган. Уйга келсангиз турмуш ўртоғингизнинг кайфияти аъло. Сиз:
а) Унинг кайфиятини бузмаслик учун индамай қўя қоласиз;
б) Дилингиздаги аламдан қутулиш учун унга ҳамма гапни айтиб берасиз.

2. Турмуш ўртоғингизнинг туғилган куни яқинлашиб келмоқда. Сиз:
а) Ўзингиз билганингиздек совғани танлайсиз;
б) Ундан қандай совғани маъқул кўришини сўрайсиз.

3. Бир ўтиришда турмуш ўртоғингиз бегона аёл (эркак) билан қўл ушлашиб гаплашиб турганини кўрдингиз. Сиз:
а) Турмуш ўртоғингизни ўзини тутолмасликда айблайсиз;
б) Ўша бегона одамга дилингиздаги бор гапни айтиб хумордан чиқасиз.

Саволларнинг б жавоблари учун 3 баллдан ҳисобланг. Агар тўплаган балл 6 ёки ундан юқори бўлса сизнинг иккинчи ҳарфингиз А, акс ҳолда Б бўлади.

НАТИЖАЛАР:

АА. «Эр-хотин қўш ҳўкиз» мақоли сизнинг оилангизга жуда мос келади. Сизлар талашиб тортишасизлар. Жанжаллашиб қолган вақтларингиз ҳам кўп бўлади. Лекин сизлар бу тортишувлар натижасида оила учун энг кўп манфаат келтирадиган тўғри йўлни танлаб оласизлар. Сизлар учун зерикарли ўтган кунинг ўзи йўқ. Икковингиз учун жуда кўп мавзулар бирдай қизиқарли.

АБ. «Ит-мушук»лар оиласи. Кўп жанжаллашиб қоласизлар. Ўзаро муносабатларингизда бир битимга келишиш сизлардаги энг катта муаммо. Сизлар турмуш ўртоғингизнинг фикрига қулоқ солишни ўрганмагансизлар.

ББ. Акваримдаги балиқлар. Эътибор берган бўлсангиз аквариумда турли хил балиқлар яшайди. Лекин улар ҳар бири ўзи учун қулай жой ва йўл танлаб сузиб юраверади. Сизнинг оилангизда ҳам тортишув, жанжаллар камдан кам рўй беради. Сиз учун оилада энг муҳими, эртаю кеч ҳангомаю тортишувлар эмас, балки уй, болалар, рўзғордир.

БА. Канарейкалар. Сизлар бир-бирингиздан узоқ кетолмайсизлар. Тинимсиз мулоқотда бўласизлар. Қизиқишларингиз ҳам, ёқтирган нарсаларингиз ҳам бир хил. Оилангиздаги осойишталик ва муроса сиз учун энг муҳим ҳисобланади.

Комилжон ҲАСАНОВ.

ОНА ШАРАФИГА ҚУРИЛГАН САРОЙ

Уйқудан каллаи саҳарлаб уйғонадиган, қуёш чиққунга қадар тандирдан иссиққина нонлар узиб, қатор сигирларни соғиб, сутини пиширибу, нонуштага тортиқ қиладиган, саҳардан қош қорайгунча уй юмушлари билан ивирсиб юрадиган, юзи офтобдан қорайган жиккаккина, хокисор қишлоқ аёлини кўз олдингизга келтириб кўринг-а... У нафақат аёл, балки этак-этак фарзандларни дунёга келтириб, ўзининг бор меҳри билан уларни улғайтираётган она ҳамдир. Она! Нақадар ёқимли, насим сўз. Улар ҳақида не-не ижодкорлар қалам тебратган. Бу сўзнинг сеҳри, жозибаси шу қадар буюкки, уни таърифлашга, сўзлар етмайди. Шундай муқаддас зотлардан бири буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг онаси – Негинабегимдир.

